Б.А. АБДУКАРИМОВ

ИЧКИ САВДО ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Б. А. АБДУКАРИМОВ

ИЧКИ САВДО ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Иқтисодиёт» таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2008

65,9(2)42
А139

Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик II қисм. Т., «Fan va texnologiya», 2008, 224 бет.

Ушбу дарсликнинг мақсади талабаларга савдо корхоналари фаолияти бўйича чуқур билимлар бериш, уларнинг кўсаткичларини таҳлил қилиш усулларини чуқур ўрганишни таъминлаш; бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг прогнозлаш ва режалаштириш усул-услубларини баён этиш, уларни амалиётда қўллаш йўлларини талабаларга тушунтириш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни баҳолай билиш, тижорат муаммоларини ҳал қилишга ижодий ёндошиш; ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларни савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларида амалга оширилиши юзасидан стратегик ва жорий қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётда ижросини таъминлаш каби масалалар тўғрисида назарий ва методологик билимларга, кўникмаларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Дарсликдан профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, аспирант-тадқиқотчилар, магистрлар, малака ошириш курслар тингловчилари, раҳбарлар ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

* * *

Целью настоящего учебника является обеспечение получения научно-методологических знаний и навыков в области анализа деятельности торговых и предприятий общественного питания: методов прогнозирования и планирования сферы деятельности всех форм предприятий сферы обращения в условиях формирования рыночных отношений; их умелое использование в практической деятельности; уметь оценивать конъюнктуру рынка; творчески подходить к решению коммерческих проблем; принимать стратегические и тактические решения по социально-экономическим, правовым реформам, проводим м в сфере торговли и общественного питания; их реализовать на практике; повышать их социально-экономическую эффективность и т.д.

Учебником могут пользоваться преподаватели высших и средних специальных учебных заведений, аспиранты, аспирант-соискатели, магистры, слушатели курсов повышения квалификации, руководители и специалисты.

Масъул муҳаррир: **И. ИВАТОВ.** и.ф.д., профессор.
Тақризчилар: **А. СОЛИЕВ** и.ф.д.проф;
Э. ФАЙЗИЕВ и.ф.н., доц.

ISBN978-9943-10-117-3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008.

Ёу китоб марҳум отам Абдукарим Мадалбой ўғли ва онам Орзухон Шокирхон қизи хотирасига бағишланган.

КИРИШ

Дарсликни чоп этиш икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида фаннинг намунавий дастуридаги ўнта мавзу ёритилган (Тошкент, «Fan va texnologiya», 2007). Дарсликнинг иккинчи қисми «Савдода иш ҳақи», «Муомала харажатлари», «Даромад. фойда ва рентабеллик» ва оммавий овқатланиш соҳаси корхоналарининг иқтисодиётини хусусиятларини ёритишга бағишланган.

Дарсликда барча мавзулар бозор иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни савдо ва оммавий овқатланиш соҳасида жорий қилиниш жараёнини намунавий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш, муаммолари ва ечимлари тўғрисида муаллифнинг фикр ва мулоҳазаларини билдириш асосида ёзилди.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, кўп мулкчиликни ташкил қилиш, уларнинг асосида бозорнинг инфратузилмасини яратиш, жамиятни иқтисодий механизмини тубдан янгилашга олиб келди. Бу жараёнда савдо ва оммавий овқатланиш соҳасини иқтисодий муносабатлари, ахборот тизими ва ҳуқуқий муҳити бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилмоқда.

Ушбу шароит савдо ва оммавий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шахобчаларининг моҳияти, табиати, товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва аҳамиятини тубдан янгиланишга олиб келди.

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Бу жараёнда рўй бераётган айрим ҳодисаларни мисолга келтирамиз.

Улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, савдо ва оммавий овқатланиш соҳасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилди, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳада амалга оширилди;

иккинчидан, ушбу соҳаларда давлат ва кооператив тизимларни монопол фаолиятига барҳам берилди;

учинчидан, савдо ва оммавий овқатланиш корхоналари ва шахобчаларининг мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янги тус олди;

тўртинчидан, бозор иқтисодиёти савдо ва оммавий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шахобчалари фаолиятининг юритиш тартибини янгилади ва бу соҳаларда тадбиркорлик бизнеси шаклланди;

бешинчидан, ушбу соҳаларда ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди;

олтинчидан, бу соҳалар фаолиятида ташқи муҳит ўзгарди, уларнинг микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилди;

еттинчидан, ушбу соҳаларнинг иқтисодий механизми тубдан ўзгарди. Булар фаолиятида маъмурий тарзда товар тақсимотлари кўрсаткичларини режалаштириш ўрнига иқтисодий усулларни ишлатиш, иқтисодий эркинлик, мустақил бошқарини, мулкни тасарруф қилиш ва унга эгалик, ўз ресурсларини мустақил ишлатиш, иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Бундай шароитда корхоналар ва шахобчаларнинг иқтисодий-молиявий барқарорлиги, тижорий ютуқлари улар фаолиятининг самарасига боғлиқ.

Ушбу масалани ҳал қилиш соҳадаги кадрлар малакаси, касбий маҳорати ва кўникмаларига боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳалар учун юқори малакали иқтисодчилар ва менежерлар, маркетологларни тайёрлаш, уларга бошқарув ва иқтисодиёт тўғрисида чуқур билимлар ва кўникмалар бериш муҳим аҳамият тонади.

Шу билан боғлиқ ҳолда «Ички савдо иқтисодиёти» фанини ўқитиш, бозор иқтисодиётига мос ҳолда унинг таркибини шакллантириш ва мазмунини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси муаллифни «Ички савдо иқтисодиёти» фанидан ўзбек тилида илк бор ушбу дарсликни тайёрлашга ундади.

Ушбу дарслик келтирилган вазифаларни адо этиш борасида соҳа кадрларни иқтисодий билимлар даражасини оширишда баҳоли қудрат хизмат қилади деган умиддамиз.

Ушбу дарслик бўйича фикрлар ва мулоҳазалар бўлса, сиз ўқувчиларнинг холис таклиф ва тавсияларингизни кутиб қоламиз ва олдиндан миннаддорчилик билдирамиз.

11-боб. САВДОДА ИШ ҲАҚИ

11.1. Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.
11.2. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.
11.3. Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари.
11.4. Иш ҳақи фондини таҳлили (омиллар).
11.5. Иш ҳақи фондини режалаштириш.

11.1. Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Иш ҳақи иқтисодиётда ташқи кўринишдан бажарилган ишни иш берувчи томонидан, меҳнат харажатлари натижасига қараб, пул сифатида тўланадиган, ишчини рағбатлантиришнинг пулдаги ифодасидир. Лекин, бундай тариф юзаки ва уни ички табиатининг моҳиятини ёритмайди.

Социалистик жамият даврида иш ҳақига давлат томонидан ишчиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун меҳнатни сон ва сифатига қараб тақсимланадиган миллий даромаднинг бир қисми сифатида қаралган. Бундай тариф ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тавсифига ва маъмурий бошқарув тизимига мос келган.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмунини тубдан ўзгартиришга олиб келди ва бозор иқтисодиётига мос иқтисодий дастакларни вужудга келтирди. Лекин ҳозирги иқтисодий ва оммавий адабиётларда иқтисодий категорияларга, жумладан, иш ҳақига нисбатан ягона фикр йўқ. Уларнинг мазмунига ҳар хил таърифлар берилиши, турли хил ёритилишга олиб келмоқда. Шу сабабли биз иш ҳақига берилган айрим таърифларни келтиришни лозим топдик. О.Е. Лу-

чинин «Статистика в рыночной экономике» (Ростов-на-дону. «Феникс», 200б) иш ҳақига қуйидагича таъриф беради: «Иш ҳақи – ижтимоий зарурий меҳнатнинг сон ва сифатига боғлиқ ҳолда ишчининг меҳнат даромадидир» (382 б).

Г.Х. Гендер, Н.И. Ведерниковалар «Оплата труда в учреждениях бюджетной сферы» (Санкт-Петербург, «Питер», 2003) иш ҳақининг моҳиятини ёритишда «... бозор иқтисодиётида иш ҳақи меҳнат ресурси баҳоси (ишчи кучи)» деб таърифлайди.

Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлигининг 1998 йил 26 октябр 33-сонли қарори билан тасдиқланган «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по найму»да (Тошкент, 1999) иш ҳақи қуйидагича таърифланган: «Иш ҳақи» тушунчаси пул ва натурал шаклдаги барча турдаги маошларни (ва ҳар хил мукофотлар, устамалар, қўшимчалар, ижтимоий имтиёзлар)ни... қамрайди».

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида иш ҳақи атамаси ишлатилмаган, унда «Меҳнат ҳақи» иш ҳақи мазмунида ишлатилган. Кодекснинг 153-моддасида «Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувига биноан белгиланади.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловлар, жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси томонидан қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнат ҳақи, қоида тариқасида пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида ғўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ҳолда бундан мустасно»-деб ёзилган.

Иш ҳақига тааллуқли чет эл адабиётларида берилган бошқа таърифларнинг айримларини келтирамиз. Уларда:

Иш ҳақи – бу меҳнат баҳоси, бу ишчи кучи баҳоси, бу меҳнат хизматлари баҳоси; бу иқтисодий рентанинг

шакли, бу ишчи кучини ижараси учун тўлов каби таърифлар келтирилган.

Бундай таърифларни юзлаб келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш ҳақи ниҳоятда мураккаб иқтисодий категория эканлигига шубҳа туғилмайди.

Ушбу масала юзасидан биз ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Иш ҳақи назарий жиҳатдан тарихий, ижтимоий-иқтисодий категориялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил моддий неъматлар қаторида ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида меҳнат бозори объектига айланади. Ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида истеъмол қийматга ва қийматга эга бўлиши керак. Ушбу тушунчалар бошқа моддий неъматлар истеъмол қиймати ва қиймати тушунчаларига нисбатан фарқ қилиб, жуда мураккаб ва иқтисодий-статистик нуқтаи назардан ҳисобга олиниши анча мураккабдир.

Кўп ҳолларда ишчи кучи ва меҳнат товар деб ишлатилади. Аслида товарнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиқилса, ишчи кучи ва унинг меҳнати бошқа товарлардан шаклан ва мазмунан фарқ қилади.

Товар деб ўзи учун эмас, сотиш учун ишлаб чиқилган маҳсулотни тушунамиз. Олди-сотди натижасида товарнинг эгаси, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўзгаради. Товар айирбошлаш жараёнидан чиқиб, истеъмол жараёнига ўтади ва истеъмол предметига айланади. У истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи моддий неъмат сифатида хизмат қилади.

Ишчи кучи *биринчидан,* шаклан моддий неъмат эмас, у ишлаб чиқариш қуввати сифатида фаолият кўрсатувчи жонли омилдир;

иккинчидан, у олди-сотди жараёнида ўзи сотилмайди, унга эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгармайди, бозорда меҳнат ресурси, меҳнат жараёнида ишлатиладиган унинг

касбий маҳорати, қуввати, яъни унинг меҳнат қобилияти сотилади;

учинчидан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёнида тўла қиймати (бу ерда тўла қиймат деганда, унинг ҳақиқий қиймати эмас, ижтимоий-зарурий қиймати, яъни унинг барча омиллар таъсири натижасида шаклланган қийматининг пулдаги ифодаси, яъни баҳоси эътиборга олинган), айирбошланади, сотилади. Ишчи кучи атамасига келсак, унга меҳнатининг тўла қиймати тўланмайди, аксинча, қийматини бир қисми тўланади. Чунки, унинг меҳнати натижасида қўшимча қиймат яратилади.

Ишчи кучи меҳнатининг зарурий қисмига иш ҳақи тўланади, қўшимча қиймат яратувчи қисмининг қиймати иш берувчи, яъни мулк эгаси (давлат, жамоа, корхона, иш берувчилар) ҳамда жамият тараққиёти учун зарур бўлган қисмида қолади;

тўртинчидан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёни бирор бир лаҳзада содир бўлади, ишчи кучи меҳнатини олди-сотди жараёни узоқ даврда содир бўлади.

Ушбулар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ишчи кучи, меҳнат алоҳида, ўз хусусиятига эга бўлган, олди-сотди жараёнининг предмети сифатида қаралиши лозим.

Бу борада иш билан меҳнатни фарқлаш зарур. Ишни ишчи кучи, яъни унинг меҳнати, меҳнат қилиш қобилияти бажаради. Иш берувчи ишчининг бажарган иши учун ҳақ тўлайди. Шунинг учун ҳам расмий ҳужжатларда иш ҳақи атамаси ишлатилади.

Умуман олганда, ҳаётда ишчининг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилияти сифатида, унинг тўла қиймати тўланмайди, аксинча, уни қийматининг бир қисми-баҳоси меҳнат қилиш жараёнида тўланиб борилади.

Меҳнат (6.4-мавзуга қаралсин) бу ишчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида амалга ошириладиган онгли фаолиятидир.

Шундай қилиб, ишчи кучи ёки унинг меҳнатини умуман товар сифатида тарифлаш илмий-назарий нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Ишчи кучининг онгли фаолияти, унинг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилияти бозорда сотилади ҳамда шу қобилият товар бўлиб ҳисобланади.

Иш ҳақига эса юқорида келтирилган товар қийматининг бир қисмини (зарурий меҳнат) пулдаги ифодаси нуқтаи назардан қараш лозим.

Иш ҳақи ишчи меҳнати мотивациясини ва рағбатлантиришнинг шакли сифатида намоён бўлади.

Иш ҳақи, меҳнат ҳақи категориялари адабиётларда кўп ишлатилади, айримлар уларни синоним қаторида ишлатади[1], айримлар уларни фарқлайди. Бунга тегишли фикрларни биз юқорида ҳам келтирдик. Масалан, Ю.Ф. Елизаров «Экономика организации» дарсликида (М., «Экзамен», 2005) «...иш ҳақидан, меҳнатга тўлов (меҳнат ҳақи) кенгроқ тушунча бўлиб, у иш ҳақидан ташқари ҳар хил тўловлар ва имтиёзларни ўз ичига олади»-деб таъкидлайди (115 бет). Муаллифнинг ушбу фикрларига қисман қўшилган ҳолда қуйидаги назарий фикрларни эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатдан олганда ҳар хил қўшимча тўловлар иш ҳақининг элементи ҳисобланади. Иш ҳақини бир неча хил элементларга бўлиш мумкин. Улар асосан (базали) иш ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва иш ҳақининг ўзгарувчан қисмидир (ҳар хил рағбатлантирувчи тўловлар).

Асосий иш ҳақи ишчининг функционал вазифаларини ҳар қандай шароитда ўз вақтида ва сифатли бажариши учун тўланадиган, белгилаб қўйилган, доимий тўланадиган пул тўловидир (айрим ҳолларда натурал ҳолда бўлиши ҳам мумкин).

---

[1] Раицкий К.А. «Экономика предприятия». М., ИВЦ «Маркетинг», 1999.; Экономика предприятия (фирма). Коллектив авторов. М., ИНФА-М., 2004.; Ворст Й., Ревентлоу П., Экономика фирмы. М., Высшая школа. 1994.

Устамалар ва қўшимча тўловлар ишчи меҳнатининг алоҳида шарт-шароити ва мазмуни учун тўланади. Масалан, меҳнат стажи, қўшимча функцияларни бажарганлиги, кечқурун, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлиги учун, ишламаган вақтлари учун тўлов, ҳудудий коэффициентлар, оғир шароитлардаги ишлар учун қўшимчалар ва ҳоказолар.

Иш ҳақининг ўзгарувчан қисми режадан юқори даражада бажарилган иш натижалари учун тўланади. Унга ҳар хил мукофотлар киради. Масалан, товар айланиши режасини оргиғича бажарилиш учун, бирон давр (квартал, йил) натижалари учун тўланадиган мукофотлар, бонус тўловлар ва ҳоказолар учун.

Расмий статистикада «Ишчи кучини сақлаш учун кетган харажатлар» кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткични бизнинг фикримизча меҳнат ҳақининг зарурий қисмининг қийматига тенглаштириш мумкин.

Меҳнат ҳақига иш ҳақидан ташқари маданий-оқартув, соғломлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий суғурталар, махсус тўловлар ва бошқа харажат кабилар киради.

Меҳнат ҳақининг ижтимоий пакети таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳар хил ижтимоий тўловлар;
- номоддий (пулсиз) имтиёзлар (ҳар хил имтиёзлар, иш вақтини мослаштириш, қўшимча меҳнат таътилини бериш, эрта нафақага чиқариш ва ҳ.к.);
- фирма, корхонанинг акцияларни ўз ишчиларига сотиш;
- меҳнат шароити ва мазмунини яхшилаш;
- ишда яхши ижтимоий, психологик муҳитни яратиш;
- ишчиларни хизмат поғоналаридан кўтарилиб борилишини таъминлаш.

Шундай қилиб, «иш ҳақи» миқдори «меҳнат ҳақи» миқдоридан («Ишчи кучини сақлаш учун харажатлар») таркиби билан фарқланади.

Мотивация деганда ишчининг фаолият учун ички дунёвий қизиқишини тушуниш керак. Мотивация инсон эҳтиёжини ўз меҳнати фаолияти орқали қондиришга интилишидир. Меҳнат фаолияти орқали инсон ўзининг нафақат моддий эҳтиёжларини ҳамда ижтимоий эҳтиёжини ҳам қондиришга интилади (масалан, ўзини ҳимоя қилиш, дўстона муносабатлар, бошқалар ҳурматига сазовар бўлиш, шон-шарафга эга бўлиш, нуфуз кабилар).

Иш ҳақи категориясини назарий ва амалий нуқтаи назардан номинал иш ҳақи ва реал иш ҳақига ажратиш зарур. Чунки иш ҳақининг реал миқдорига инфляция, баҳо каби омиллар салбий таъсир кўрсатади. Улар натижасида номинал иш ҳақи — иш ҳақи пул ҳисобида ўзгармай турса, реал иш ҳақи — олинган пулга сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар миқдори камайиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида иш ҳақини индексация қилиш қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ҳақи ёки иш ҳақини талқин қилганда, бизнинг фикримизча қуйидаги назарий масалаларни эътиборга олиш зарур.

Иш ҳақи юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик субъектлари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у ёлланма ишчиларга тўланади. Якка тартибдаги ёки оилавий тадбиркорларда фаолият (иш) юритувчилар учун меҳнат натижаси қандай тўланади? Меҳнат натижаси иш ҳақи сифатида намоён бўладими ёки бошқачами, деган саволлар туғилади. Ушбу масала бўйича биз ўз фикр мулоҳазамизни билдирмоқчимиз.

Ушбу масалага назарий нуқтаи назардан ёндашсак бундай хўжалик субъектлари учун иш ҳақи категорияси мазмунан мос келмайди.

Улар учун меҳнат фаолияти натижасидан олинган даромад категориясини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, якка тартибда ишлаётган тадбиркорнинг даромади, оиланинг иш фаолиятидан олган даромади. Ушбу даромадни назарий ва амалий жиҳатдан ёритишда

уларни икки қисмга бўлиб қараш керак. Яъни, даромаднинг бир қисми шахсий истеъмол учун ишлатилади. Уни шахсий истеъмол фонди деб юритиш ва уларнинг иш ҳақига тенглаштириш мумкин.

Даромаднинг иккинчи қисми фаолиятни кенгайтириш ёки такомиллаштириш учун мўлжалланган бўлиб, уни жамғариш фонди деб аташ мумкин.

Худди шундай шахсий томорқаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳсулотга тўлов сифатида уларни натурал маҳсулотлари хизмат қилади. Бунда маҳсулотнинг бир қисми бозорга чиқарилиб қиймат шакли (пул)да намоён бўлиши, иккинчи қисми уруғлик фондини ташкил қилади. Ёки маҳсулот оилади натурал шаклда ишлатилиб, бир қисми истеъмол фондини иккинчи қисми уруғлик фондини ташкил қилади.

Булар ҳам меҳнат ҳақи (тўлови) билан иш ҳақини ўртасидаги фарқларни англатувчи белгилардан ҳисобланади.

Иш ҳақининг моҳияти ва аҳамияти унинг иқтисодий жараёнда бажараётган функцияларидан келиб чиқади.

Иш ҳақи биринчидан, меҳнатни моддий рағбатлантириш функциясини бажаради. Бу функцияни иқтисодий деб ҳам айтиш мумкин. Бу функция иқтисодий деб юритилса иш ҳақини рағбатлантириш функциясига кенгроқ қараш зарур бўлади. Масалан: иш ҳақининг табақаланиши ҳамда аҳолининг даромади, харид қобилияти, минимал эҳтиёж саватчасининг шаклланиши масалаларини киритиш мумкин. Ушбу функцияни бажариш орқали иш ҳақи меҳнат мотивациясини кўтарилишини таъминлайдиган омил сифатида хизмат қилади;

иккинчидан, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш функциясини бажаради. Иш ҳақи ҳақиқатда ишчи кучини (умуман инсониятни) такрор ишлаб чиқариш учун моддий омил яратувчи восита сифатида хизмат қилади;

учинчидан, ижтимоий функцияни бажаради. Иш ҳақи аҳолининг нафақат модлий, балки ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам хизмат қилади. У орқали ижтимоий ҳақиқатни таъминлаш мумкин, аҳолининг юқори ҳаёт даражаси, ишчилар ва улар оиласи ҳаётини сифати таъминланишига эришилади;

тўртинчидан, ҳисоб-китоб функциясини бажаради. Иш ҳақи орқали ишчининг меҳнат қилиш қобилияти, қуввати ҳисоб-китоб қилинади, баҳоланади. Жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар хил тармоқ, соҳадаги ишчиларнинг меҳнат қобилиятини, уларнинг мураккаблиги ёки соддалигини солиштириш имконияти туғилади. Ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараёнида жонли меҳнатнинг ҳиссасини аниқлаш имконини яратади (масалан, товар, иш, хизмат баҳосида, таннархида, савдода муомала харажатларида ва ҳ.к.);

бешинчи функцияснга тақсимотни киритиш зарур. Бу функция орқали иш ҳақи жамиятда яратилган биринчидан, миллий даромадни аҳоли ўртасида, уларнинг меҳнатининг сон ва сифат жиҳатларидан келиб чиқиб пул ва натурал шаклда тақсимланишини, иккинчидан, товар ва хизматларни реал иш ҳақи сифатида аҳоли ўртасида тақсимланиши таъминланади;

олтинчидан, иш ҳақи жамиятни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида ишлатилади. Иш ҳақи товарлар ва хизматларни таркибининг асосий элементларидан бири. Қийматнинг классик формуласига эътибор берилса $c + v + m$ иш ҳақи товар ва хизматлар қийматининг иккинчи элементи «v» сифатида намоён бўлади.

Ушбулардан келиб чиқиб давлат «Минимал иш ҳақи»ни белгилаш орқали, баҳони, талаб ва таклифни тартибга солади ҳамда инфляциянинг таъсирини чегаралайди;

еттинчидан, иш ҳақи сиёсий функцияни ҳам бажаради, масалан, иш ҳақини камайтириш аҳоли томонидан норозичиликка, иш ташлашларга олиб келади, бу эса

сиёсий муҳитни бузиб юборади. Шу сабабли иш ҳақининг даражасини, унинг ҳолатини нафақат иқтисодчилар, балки жамият ҳолатини ўрганувчи сиёсатчилар, давлат арбоблари, социологлар, психологлар ва бошқа мутахассислар ҳам чуқур ўрганиши зарур.

11.2. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари

Иш ҳақининг шаклланиши, ҳисоб-китоби, белгиланиши жараёнида бутун жаҳон амалиётида қабул қилинган, ишлатилаётган қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга иш берувчи томонидан риоя қилиниши, давлат, жамият, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳар бир ишчи томонидан назорат қилиниши ва талаб қилиниши мукин.

Ушбу қоидаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнатни сифат ва сон жиҳатларини ҳисобга олиш, уни ишлаб чиқариш (хизмат) натижаларига қараб рағбатлантириш;
- иш ҳақини дифференциация қилиш. Ушбу қоида иш ҳақини ишчининг малакаси, меҳнатининг мураккаблиги ва соддалигига, ақлий ва жисмоний меҳнатга, меҳнат шароитига, меҳнатни нормаллаштириш каби ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланишини талаб қилади:
- иш ҳақи ҳар қандай хўжалик субъекти ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш керак;
- моддий рағбатлантириш шакллари, миқдори рақобатбардошликни таъминлаши керак;
- иш ҳақи давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак;
- реал иш ҳақининг мунтазам ошириб боришни таъминлаш зарур. Номинал иш ҳақи ўсиш даражаси инфляция даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси ўртача иш ҳақининг ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш.

Иш ҳақини ташкил қилиш қоидаларини кўриб чиқишда биринчи омил сифатида давлатнинг ролини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Давлат иш ҳақи тизимини қонуний нормалар орқали бошқаради, у иш ҳақини бошланғич, базис даражасини белгилайди. Унга минимал иш ҳақи миқдори, минимал яшаш даражаси каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Булардан ташқари, давлат иш куни давомийлигини, меҳнат таътили даврини ва уларга тўлов миқдорини белгилайди. Давлат ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилувчи арбитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатнинг ҳуқуқий қонуний ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳисобланади (ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида 21 декабр 1995 йили тасдиқланган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга тушган). Ушбу меҳнат кодексининг 16-моддасида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари, жумладан, меҳнат мотивацияси ва воситалари белгилаб қўйилган.

Улар қаторига қуйидагилар киради:

- меҳнат ҳақини қонун билан белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлмаган даражада олиш;
- тасдиқланган меҳнат таътили ва уни ҳақини олиш, дам олиш ва байрам кунлари дам олиш;
- меҳнат шарт-шароити, унинг хавфсизлиги ва гигиенаси таъминланишига эга бўлиш;
- меҳнат фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг қопланиши;
- қонун билан белгиланган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Иш берувчи ва ишловчининг ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи масалалари хўжалик субъектларининг ичида тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ушбу шартномада меҳнат шароити, иш ҳақи, уй жой ва медицина таъминоти, кафиллар ва имтиёзлар кабилар ўз аксини топади. Шартномалар муддатсиз, бирон муддатга (беш йилга) ёки би-

рон ишни бажариш даврига тузилади.

11.3. Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари

Жаҳон амалиётида иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун тан олинган иш ҳаки шакли ва тизими яратилган.

Иш ҳақи қуйидаги икки шаклдан иборат:

— вақтбай иш ҳақи,

— ишбай иш ҳақи.

Иш ҳақи икки хил тизимда, яъни тарифли ва тарифсиз тизимда амал қилади.

Вақтбай иш ҳақи оддий вақтбай (соат, кун, ҳафта, ой) ва вақтбай – мукофотли тизимларга бўлинади.

Ишбай иш ҳақи эса оддий (бевосита) ишбай, ишбай-мукофотли, билвосита-ишбай, аккорд тизимларига бўлинади.

Юқоридагилар ҳаммаси таърифли тизимга киради.

Булардан ташқари, тарифсиз тизим ҳам қўлланилади.

Иш ҳақи шакллари ва тизимларини қуйидаги 11.3.1-чизмада ифода этамиз.

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

11.3.1.-чизма

Иш ҳақи шакллари ва тизимлари



Иш ҳақини ташкиллаштириш хўжалик субъектларида қуйидаги элементлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш (шакллантириш, ҳисоблаш тасдиқлаш) билан амалга оширилади:

биринчидан, меҳнатни нормаллаштириш;

иккинчидан, тариф тизимини аниқлаш;

учинчидан, иш ҳақини муқобил шакли ва тизимини танлаш;

тўртинчидан, иш ҳақи фондини шакллантириш;

бешинчидан, моддий рағбатлантириш турларини белгилаш.

Меҳнатни нормаллаштириш меҳнат сифатини ва умумий натижага индивидуал шахсларнинг ҳиссасини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш ҳақини оқилона белгилаш, уни ташкил қилиш учун илмий асосланган меҳнат нормаси ва нормативларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Норма ва нормативлар орқали меҳнат ва иш ҳақи кўрсаткичларини чуқур тадқиқот қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш осонлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида норма ва нормативлар меҳнатни одилона, адолатли ва ҳаққона баҳолашни таъминлайди. Бу эса ўз вақтида корхона, ташкилот ва бошқаларда жамоанинг жипслашишига, меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Савдода меҳнатни нормалаштириш орқали сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш (масалан, бир сотувчи бирон даврда нечта сотиб олувчига хизмат қилиши) мумкинлиги нормасини, сотувчилар, раҳбарлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимларнинг рационал сонини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Тариф тизими — норматив мажмуаси бўлиб, улар асосида иш ҳақини *дифференциациялаш* таъминланади. Иш ҳақини дифференциациялаш меҳнатнинг мураккаблиги, шарт-шароити, табиий-иқлимий шароити, меҳнатнинг интенсивлиги унинг тавсифини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Иш ҳақини ташкил қилишнинг асосини тариф тизими ташкил қилади.

Биз юқорида келтирганимиздек Ўзбекистон Республикасида ҳам иш ҳақи тизими тарифли ва тарифсиз иш ҳақи тизимидан ташкил топади.

Тариф тизими қуйидаги норматив ҳужжатлардан таркиб топади:

I иш ва ишчилар касб-ҳунарини тарифий- малакавий маълумотномаси ҳамда хизматчилар лавозимини малакавий маълумотномаси. Ушбу маълумотнома нормотив ҳужжат ҳисобланиб, ишчи ва ишчига, лавозимга қўйиладиган талабларнинг малакавий таснифини белгилайди. Унда ишчига ёки ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникмалар ва ҳар хил касб, малакага тааллуқли ишлар туркуми тарифланади. Тарифий – малакавий маълумотнома ишчилар малакаси даражасини ва тариф разрядини белгилайди.

Тарифий-малакавий маълумотнома бажариладиган ишларнинг тўла тавсифини ва уни бажарадиганлар учун малакавий талабларни ўз ичига олади. Улар ишни баҳолашда ягона мезондан фойдаланишни ва ишнинг мураккаблигидан келиб чиқиб ишчиларга тааллуқли разряд белгилашни таъминлайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 1985 йил тасдиқланган Ягона тариф–малака маълумотномаси (ЯТММ) ишлатилмоқда. Унда ишнинг тавсифи ва ишга қўйиладиган талаблар келтирилган. Маълумотномада ҳар бир касб-ҳунарга бериладиган малакавий разряд кўрсатилади.

ЯТММ га ўхшаш «Хизматчилар лавозими малакавий маълумотномаси» (ХЛММ) мавжуд. Унда ҳар бир лавозимда бажарилиши лозим бўлган бурчлар ва мутахассисларга, хизматчиларга қўйиладиган малакавий талаблар келтирилади.

II тариф ставкаси, иш вақти ўлчов бирлигига тўланадиган иш ҳақи миқдорининг пулдаги ифодаси.

Ишчиларга иш ҳақи тўланда иш вақти ўлчов бирлигида (соат, кун, ой) ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) учун тўланадиган иш ҳақи миқдори белгиланади. Тариф ставкасини у ёки бу турини (соат, кун, ой) ишлатиш корхонада фойдаланилаётган меҳнат нормалари туридан боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда соатбай тариф ставкасини ишлатиш кўпроқ тарқалган. Умумлаштириб айтганда ишчилар учун тариф ставкаси иш вақти ўлчов бирлигида бажариладиган оддий меҳнатни («0» - разряд) учун тўланалиган иш ҳақининг абсолют (пул ифодасида) миқдорини белгилайди.

«О» -- разряд тариф ставкаси давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар, ёрдамчи хизматчилар ва айрим нормалаштириш мумкин бўлмаган ишларни бажарувчилар учун тариф ставкаси лавозим оклади орқали белгиланади.

Тариф ставкага нисбатан ранбеллаштириш тизими шаклланади. Мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ҳудудий коэффициентлар тариф ставкасига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Бажариладиган иш хизмат разрядига қараб аниқланган, тариф ставкаларининг бир-бирига нисбати тариф сеткасида хар бир разряд учун кўрсатиладиган тариф коэффицентларида ўз аксини топади. «0» разряд коэффициент бирга тенг. «0» разряддан бошлаб тариф сеткасида белгиланган максимал разрядгача тариф коэффиценти ортиб боради (тариф сеткасига қаралсин 11.3.1-жадвал).

III тариф сеткаси иш ҳақини дифференциациялашган миқдорини белгилайди. Унда меҳнат (иш, хизматлар)нинг хусусиятларидан келиб чиқиб ишчилар учун белгиланадиган разряди қараб, тариф коэффициентлари орқали ойлик тариф ставкалари аниқланади. Тариф сеткасида иш ҳақи шкаласи ишлатилади, унда тариф разряди ва тариф коэффициентлари, тариф ставкаси ўз ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан молиялаштириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи – хизматчилар учун иш ҳақини белгилашда Ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида ҳисоб китоб қилинади.

Ягона тариф сеткасида тариф разряди ва тариф коэфициентлари келтирилади.

Тариф разряди ишчининг малака даражаси, ишнинг мураккаблиги, реал (аниқ)ликлиги ва бажариладиган вазифанинг жавобгарлигини аниқлайди.

Тариф коэффициенти тариф ставкасини тариф разрядининг ортиб боришига нисбатан юқориланиш даражасини белгилайди, яъни «0» разрядга нисбатан юқори малакали иш, хизмат неча маротаба кўпроқ иш ҳақи олишини кўрсатади.

Тариф разряди ва тариф коэффициенти орқали тариф ставка миқдори қуйидагича аниқланади:

$$Т_{ci} = Т_o \cdot K_i;$$

бу ерда, $Т_{ci}$ – тариф ставкаси, i – разряддаги ишчи ёки ходим учун сўмда, $Т_o$ – «0» разряддаги ишчи ёки хизматчи учун белгиланган тариф ставкаси, сўмда, K_i – i – разряддаги ишчи ёки ходим учун белгиланган тариф коэффициенти.

ЯТС Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф ставкасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 20 июн 2000 йилги 280 - сонли қарори билан тасдиқланган. У 22 тариф разрядини ўз ичига олган бўлиб, тариф коэффициентлари орқали ҳар хил гурдаги иш ва лавозим окладларини белгилаш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ – 3808-сонли фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка (оклад)лари миқдори қуйидагича белгиланган (11.3.1-жадвал).

Давлат муассасалари ва давлат акциядор корхоналари ЯТС низомига риоя қилишлари шарт.

Бюджет тизимига қарамаган хўжалик субъектлари ўзлари иш ҳақи шаклини, тизимини, моддий рағбатлантириш миқдорини, қўшимча тўловлар кабиларни мустақил белгилайдилар. Давлат тариф ставкаси ва окладларини улар асос сифатида ишлатишлари мумкин. Лекин, уларда ўрнатилган минимал иш ҳақи давлат томонидан белгиланган даражадан кам бўлмаслиги керак.

Уларнинг миқдорига меҳнат бозоридаги рақобат ва корхоналарнинг молиявий имкониятлари таъсир қилади.

IV. Худудий коэффициентлар. Ушбу коэффициентлар ҳар хил табиий-иқлимий шароитларда ишловчиларнинг ҳаёт даражасини дифференциацияланишини таъминлайди ва иш ҳақига қўшимча тўлов миқдорини коэффициент ўлчов бирлигида кўрсатади.

V. Устамалар ва ҳар хил қўшимча тўловлар. Булар тариф ставкасида ҳисобга олинмаган омилларни ҳисобга олиб, иш ҳақининг якка тартибланишини таъминлайди. Масалан, бажариладиган иш ёки лавозимнинг муҳимлиги, меҳнат стажининг доимийлиги, тил билиши,

11.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ – 3808-сон Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка (оклад)лари миқдори

Тариф разрядлари	Тариф коэффициентлари	Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 октябрдаги 218-сонли қарори асосида тасдиқланган тариф коэффициентларига биноан 2006 йил 1 ноябрдан ҳисобланган тариф ставкалари миқдори (сўм).	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 октябрдаги ПФ-38-8 сонли фамонига асосан компонениация тўловлари ҳисобга олинган тариф ставкалари 2006 йил 1 ноябридан (сўм)
1	2	3	4
1	1,000	12420	X
2	2,377	29522	X
3	2,616	32491	X
4	2,878	35745	42708
5	3,165	39309	46252
6	3,467	43060	50020
7	3,483	46985	53947
8	4,112	51071	58037
9	4,454	55319	62274
10	4,797	59579	66540
11	5,147	63926	71230
12	5,503	68347	76046
13	5,870	72905	80597
14	6,242	77526	85218
15	6,617	82183	89879
16	7,000	86940	94649
17	7,388	91759	99470
18	7,781	96640	104362
19	8,180	101596	109306

жадвалнинг давоми

20	8,585	106626	114344
21	8,995	111718	119440
22	9,441	116885	124615
23	9,830	122089	129816

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан айрим ходимларнинг иш ҳақи ставка (оклад)ларига ўрнатилган қўшимча тўлов ёки устамалар миқдори жадвалининг компенсация ҳисобга олинмаган ҳолдаги ставкасидан (3-устундан) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

меҳнатга муносабати, қўшимча вазифага ёки ишда йўқ ишчини лавозимини бажариш, кечқурун, дам олиш, байрам кунларида ишлаш кабилар учун тўловлар.

Уларнинг хусусиятларига қарасак, устама компенсация ролини ўйнайди, қўшимчалар эса рағбатлантириш хусусиятига эга.

Тариф тизими, юқорида келтирилгандек иш ҳақини ҳар хил шаклларида фойдаланишни тақозо қилади. Иш ҳақи шаклларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Вақтбай иш ҳақи.

Вақтбай иш ҳақи икки хил тизимдан иборат:

– оддий – вақтбай;

– вақтбай – мукофотли.

Оддий – вақтбай иш ҳақи шакли ишлатилганда иш ҳақи тариф ставкаси ёки лавозим оклади асосида ҳисобланади. Лавозим окладлари лавозим (штат) жадвалларида кўрсатилади. Лавозим оклади – тўла ишлаган ой учун белгиланган иш ҳақи миқдори. Ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда оддий-вақтбай шакли, соатбай ёки кунбай турлари ишлатилади. Бунда иш ҳақи миқдори соатбай (ёки кунбай) иш ҳақи ставкасини ҳақиқий ишлаган соатлар ёки кунлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулани ишлатиш мумкин:

$$И_х = С_{тс} \cdot t_i \quad \text{ёки} \quad И_х = К_{тс} \cdot К_о$$

бу ерда, $И_х$ – ишчининг ойлик иш ҳақи суммаси, сўмда; $С_{тс}$ – ишчига белгиланган бир соатли тариф ставкаси, сўмда; t_i – ишчиларнинг бир ойда ишлаган вақти, соат; $К_о$ – бир ойда ишчининг ишлаган кунлари сони, кун; $К_{тс}$ – ишчига белгиланган бир кунлик тариф ставкаси (7 ёки 8 соат иш кунига белгиланган), сўмда.

Юқорида келтирилган шакл (оддий-вақтбай) асосан ёрдамчи ва хизмат қилувчи ходимлар учун қўлланилади.

Лавозим окладлари бошқарув, маъмурий хўжалик ходимлари, мутахассислар ва меҳнат жараёни нормаллаштирилиб бўлмайдиган ёки асосли ҳисобга олишни иложи йўқ иш турларни бажарадиганлар учун қўлланилади.

Хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ўзининг мазмуни жиҳатидан вақтбай- мукофотлига яқин бўлиб, у асосида иш ҳақининг асосийси – лавозим оклади (одатда, бир ойлик) ва ундан ташқари қўшимчалар ва мукофотлар тўланади.

Лавозим оклади ишбай жадвали асосида хизматчининг касбий малакаси, иш ҳажми, тавсифи ва бошқа омилларга қараб белгиланади.

Вақтбай-мукофотли иш ҳақи шакли ишлатилганда тариф ставка ёки лавозим оклади орқали аниқланган иш ҳақидан ташқари ишчи ва хизматчиларга ҳар хил мукофотлар тўланади. Унинг учун корхона, хўжалик субъектлари махсус низом ишлаб чиқади.

Моддий рағбатлантириш миқдори низомда ишчи ва хизматчилар бажарган ишлар ва вазифаларни сон ва сифат кўрсаткичларига қараб фоизда ёки абсолют сўмда кўрсатилиши мумкин. Рағбатлантириш кўрсаткичлари ва миқдори жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида кўрсатилиши ёки раҳбар буйруғи билан амалга оширилиши мумкин.

Моддий рағбатлантириш ҳар ойда, кварталда, йил натижаси бўйича ва айрим иш ёки вазифани бажарилиши натижаси бўйича амалга оширилади. Мукофот суммаси ($М_с$) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$М_с = \frac{И_х (р + k \cdot n)}{100};$$

бу ерда, р – режалаштирилган 100,0 % бажарганлиги учун рағбатлантириш миқдори, %; k – режани ортиғи билан бажарганлигининг ҳар бир фоизи учун моддий рағбатлантириш миқдори, %; n – режанинг ортиғи билан бажарилган даражаси, %.

Вақтбай иш ҳақи шакли қуйидаги ҳолларда кўпроқ самара беради:

- ишчининг вазифаси техник-технологик жараёнларни кузатиш ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида улар қаторига савдо залидаги назоратчилар, маъмурлар киритилиши мумкин;
- фаолият жараёнида ишнинг сифати ва хизматни бажариш муддати муҳим аҳамиятга эга бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида менежерлар, технологлар, мастер-поварлар, юқоридаги жараёнлар учун жавобгар шахслар киради;
- сон жиҳатдан натижани ҳисобга олиш қийин ёки имконияти бўлмаса. Булар қаторига раҳбарлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимларни киритиш мумкин.

Ишбай иш ҳақи

Ишбай иш ҳақи меҳнат натижасини сон ва сифат жиҳатдан ҳисоб-китоб қилиш имконияти бўлган ишчи

ва хизматчилар учун қўлланилади. Бунда асосан бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига нисбатан ҳақ ишлатилади. Масалан, 1000 сўмлик товар айланишига, 100 порция ишлаб чиқарилган овқатлар сонига, хизмат кўрсатилган хўрандалар сонига ва ҳоказолар учун.

Ишбай иш ҳақи шакли иш ёки хизмат натижасини ошириб бориш асосий мақсад бўлганда ёки меҳнат натижаси ишчига ёки бригадага боғлиқ бўлганда ёки меҳнат натижасини аниқ ҳисоблаш имконияти бўлганда ишлатилса кўпроқ самара беради.

Ишбай иш ҳақи тизимида ишлатиладиган усуллар 11.3.1-чизмада келтирилган.

Ишбай иш ҳақи шакли савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида асосан сотувчилар, кассирлар, официантлар, ошпазлар ва буфетчилар учун ишлатилади.

Ишни ташкил қилиш шароитига қараб ишбай иш ҳақи якка тартибда ва жамоавий (бригада) турларига бўлинади.

Бевосита ишбай иш ҳақи ҳақиқий бажарилган иш, хизмат миқдорини унинг ўлчов бирлигига белгиланган ҳақига кўпайтириш йўли билан аниқланади ва бу ҳолда мукофотлар ишлатилмайди.

Масалан: а) якка тартибда ҳақ белгиланган бўлса \

$$И_х = \sum p_i \cdot q_i,$$

бу ерда, p_i – і- иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган ҳақ, сўм; q_i – ишчи томонидан бажарилган і-иш ёки хизматнинг миқдори, сон бирлигида бир ойга;

б) жамоа (бригада) учун ҳақ белгиланган ҳолда жамоа (бригада) бажарган иш ёки хизмат миқдори унинг ўлчов бирлигига белгиланган ҳақига боғлиқ бўлади. Ҳар бир ишчининг иш ҳақи уларнинг разрядлари ва бир ойда ишлаган иш вақтига пропорционал тақсимланади. Бунда бригадани иш ҳақи ($И_{х.б.}$) қуйидагига тенг бўлади:

$$И_{х.б.} = \sum p_{i.б.} \cdot q_{i.б.}$$

бу ерда, $p_{i.б.}$ – бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган бригада ҳақи, сўм;

$q_{i.б.}$ – бир ойда бригада бажарган иш ёки хизматнинг сон миқдори, сўм, дона ва ҳоказо.

Ишчининг иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{х.i.} = И_{х.б.} \cdot \frac{T_{с.i.} \cdot t_i}{\sum_{t=1}^{n} (T_{с.i.} \cdot t_i)};$$

бу ерда, $И_{х.i}$ – i – ишчининг бир ойлик иш ҳақи миқдори, сўм; $T_{с.i}$ – i – ишчининг разряди бўйича белгиланган соатбай тариф ставкаси; t_i – ишчининг бир ойда ишлаган вақти, соат; n – бригададаги ишчилар сони.

Иш ҳақининг ишбай-мукофотли шакли ишлатилганда белгиланган расценка бўйича асосий иш ҳақи юқоридагича ҳисобланади.

Ишбай-мукофотли иш ҳақи усули ишлатилганда мукофот суммаси вақтбай-мукофотли иш ҳақи усулида ишлатилган формула орқали ҳисобланади.

Прогрессив ишбай иш ҳақи шакли ишлатилганда (бу шакл асосан ишлаб чиқариш тармоқларида кўпроқ қўлланилади) режа даражасида бажарилган иш учун иш ҳақи белгиланган расценкага қараб ҳисобланади, режадан ортиқ бажарилган иш учун эса оширилган расценкага нисбатан ҳисобланади.

Билвосита ишбай иш ҳақи шакли асосан қўшимча ишларни бажарувчи ишлар учун ишлатилади.

Аккорд иш ҳақи шакли бажариладиган ишнинг умумий ҳажмига белгиланади ва унда иш тез (белгиланган муддатга нисбатан) бажарилгани учун мукофот бериши

режалаштирилади. Бу шакл қурилиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарида ишлатилади.

Хўжалик субъектлари учун мотивация муҳитини яратиш муҳим масаладир. Шундай мотив ва рағбатлантириш усулларини яратиш керакки, раҳбардан тортиб, то оддий ишчигача ишларни бажариш улар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлсин. Бизнинг фикримизча мулкдор учун ҳам, ёлланма ишчи учун ҳам хўжалик субъектининг асосий мақсадини («Х» даражадаги фойда ёки даромад олиш бир томондан, «Y» даражадаги талаб ёки эҳтиёжни қондириш иккинчи томондан) бажариш умумий нуқта бўлиб ҳисобланиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаракатдаги кафолатланган тариф ставкалари ва лавозим окладлари ишчи ва ходимларнинг маошини хўжалик субъекти мақсади билан боғлиқлигини тўла ифода қилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида юқоридаги муаммони ҳал қилиш учун иш ҳақининг прогрессив шаклларидан, моделларидан фойдаланишга ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бунга ушбу масалада хўжалик субъектларининг мустақиллигини ошириш имконият яратмоқда. Бундай шаклга (моделга) тарифсиз тизимни киритиш мумкин. Бунда кафолатли тариф ставкалар лавозим окладлари, айрим устамалар ва қўшимчалар ишлатилмайди. Ушбу тизимда иш ҳақи фонди ёки жамоа томонидан ишлаган маошининг ҳажми улар ўртасида ишчи ходимнинг малакаси ва меҳнатининг сифатига қараб тақсимланади. Бунда иш ҳақини индивидуаллаштиришга эришилади. Ушбу шакл (модел) чет элларда (АҚШ, Япония, Франция) қисман тажриба шаклда Россия ва Ўзбекистон корхоналарида ишлатилмоқда.

Тарифсиз тизим асосида маошларни меҳнатнинг сифатига (малакаси, маҳорати, лавозими) қараб унинг умумий фонддаги ҳиссаси ва миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги иш ҳақини ҳисоб-китоб формуласи ишлатилади.

$$И_{хi} = \frac{K_i}{\sum_{i=1}^{n} K_i} \cdot И_{х.ф}$$

Бу ерда, $И_{хi}$ – i – ишчининг иш ҳақи, K_i – i – ишчининг иш ҳақи неча маротаба минимал иш ҳақидан юқорилигини кўрсатувчи коэффициент; n – ишчиларнинг умумий сони.

Тарифсиз иш ҳақи тизими ишлатилганда алоҳида ишчининг иш ҳақини ҳисобларида юқоридагидан ташқари алоҳида ишчининг меҳнатига иштирок этиш коэффициентини аниқлаш орқали ҳам, ишчининг иш ҳақи фондидаги ҳиссасини ва иш ҳақининг миқдори ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳозирги вақтда савдо ва оммавий овқатланиш соҳасида иш ҳақининг тарифсиз тизимидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бунда силжувчи оклалар, шартномавий (меҳнат шартномаси, жамоавий шартномаларда кўрсатилиши мумкин) ва комиссион усули қўлланилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимида иш ҳақи фондини тақсимлаш қоидаси ишлатилади. Яъни бригада ёки жамоа учун ажратилган иш ҳақи фонди ишчи ёки хизматчилар ўртасида уларнинг фаолият натижасига қўшган ҳиссасини (ишнинг мураккаблиги, ишчининг малакаси, жавобгарлиги даражаси, ишлаган вақти кабилар) ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Бунда ҳир хил коэффициентлар, баллар тизими (рейтинг) кабилар ишлатилиши мумкин.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимининг мақсади иш ёки хизматни (корхона, хўжалик субъекти, ташкилот) пировардидаги натижани моддий рағбатлантиришга қаратилади. Ушбу натижага қараб иш ҳақи фонди режалаштирилади.

Иш ҳақи миқдори унинг учун ажратилган маблағ ҳажмига қараб аниқланади.

Албатта, ишчи қонуний ҳужжатларда белгиланган минимал иш ҳақи миқдорини тўлаш кафолатланиши зарур.

Иш ҳақини силжувчи окладлар тизими иш ёки хизмат ҳажми режаси бажарилганда бошқа кўрсаткичлар (масалан, товар айланмаси таркиби, муомала харажатлари даражаси ва таркиби, даромад, фойда миқдори, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ўзгарса белгиланган (келишилган) иш ҳақи миқдори ўзгартирилиб борилади. Ўзгартиришлар миқдори кўрсаткичларни у ёки бу томонлама ўзгарилиши миқдорига қараб коэффициентларда ёки фоизларда белгиланиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизими сотувчиларга, савдо агентлари, дилерлар, реклама агентлари, товарлар билан таъминловчилар овқатланиш зали маъмурлари, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчилар, айрим мутахассислар, хизматчилар кабиларга қўлланилиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизимининг кўп хиллари қўлланилади. Аниқ усули корхона, савдо, оммавий овқатланиш шаҳобчаларининг мақсадига, муомаладаги товарларнинг хусусиятига, бозорнинг муҳитига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Тарифсиз иш ҳақининг комиссион усули қўлланилганда иш ёки хизмат натижаси миқдорига комиссион фоиз (якка тартибдаги ёки жамоа, бригада) белгиланади ва у қуйидагича аниқланади:

$$Иҳб = \frac{ТА \cdot К_{фб}}{100} \text{ ёки } И_{хі} = \frac{ТА \cdot К_{фі}}{100}$$

бу ерда, ТА – бажарилган иш, хизмат миқдори ёки бошқа белгиланган кўрсаткич, бу ерда товар айланиши суммаси келтирилган. $К_ф$ – «ТА» миқдорига белгиланган комиссион тўлов фоизи, %; б да тегишлича «б» бригада, «і» алоҳида ишчи учун.

Корхона ёки хўжалик субъекти товар айланиш ҳажмини оширишга интилса, одатда, товар айланиш ҳажмига нисбатан комиссион фоизи белгиланади.

Масалан, савдо шаҳобчаси сотувчисига магазин директори томонидан товарлар айланиши ҳажмига нисбатан 10,0 % комиссион тўлови белгиланган. Ой давомида товар айланиши ҳажми 900000 сўмни ташкил қилган бўлса, сотувчини иш ҳақи 90000 сўмни (900000·10/100) ташкил қилади.

Сотувчиларга иш ҳақи комиссион усул билан аниқланганда товар ассортиментларига қараб ошиб борувчи (прогрессив) комиссион фоизлар ишлатилиши мумкин. Масалан, товар айланишини ҳар бир фоиз ўсишига қанча фоизга комиссион тўлов ўсиши мумкинлиги белгиланади.

Мисол учун, озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи сотувчига минимал товар айланиши миқдори (режада) 600000 сўм, комиссион фоиз – 10,0 %, ҳар бир фоиз товар айланишига комиссион тўлов суммаси 0,5 % ўсиши белгиланган ва ҳақиқий товар айланиши 700000 сўмни ташкил қилади.

Бу ҳолда озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи сотувчининг иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

1. Товар айланиши режасининг бажарилиши ($ТА_ф$):

$ТА_ф = 700000 \cdot 100/600000 = 116,7$ %.

2. Режадаги комиссион тўлов суммаси ($К_{их.р}$):

$К_{их.р} = 600000 \cdot 10/100 = 60000$ сўм.

3. Комиссион тақдирлаш фоиз ҳисобида (КРФ)

$КРФ = (116,7 - 100,0) \cdot 0,5 = 8,35$ %.

4. Сотувчининг ойлик иш ҳақи ($И_{хi}$);

$И_{х.i} = 60000 + 60000 \cdot 8.35/100 = 60000 + 5010 = 65010$ сўм.

Комиссион – ошиб борувчи (прогрессив) усул ишлатилганда иш ҳақини қуйидагича аниқлаш формаласини тавсия қиламиз:

$$Ихi = К_{ш.т} + \frac{К_{шр} \cdot КТФ}{100}$$

бу ерда, $И_{к.i}$ – i – сотувчининг ойлик иш ҳақи; $К_{шкр}$ – режадаги комиссион тўлов суммаси; КТФ – комиссион рағбатлантириш миқдори, % ҳисобида.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳақининг контракт (шартномавий) тизими кенг тарқала бошланди. Умуман контракт (шартномавий) иш ҳақи тизими бутун жаҳонда кенг тарқалган. Шуни эътиборга олиш керакки, бу тизим ишлатилганда аслида тариф сеткаси, тариф разрядлари, тариф коэффициентлари, тариф ставкалари ва моддий рағбатлантириш тизимларини ҳамда бошқа омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида иш ҳақини контракт (шартномада) кўрсатилган миқдорда аниқланади.

Бу албатда контракт (шартнома) миқдори иш берувчи ёки мулкдорнинг иш ҳақи учун ажрата оладиган маблағи ҳажми, уни имконияти чегарасида белгиланади.

Меҳнат (жамоавий) контракт (шартнома) да иш ҳақи миқдори (вақтбай ёки ишбай шакли кўрсатилиши мумкин) моддий рағбатлантириш ва жавобгарлик шарти, меҳнат шарт-шароити, ишчининг ҳуқуқи ва бурчи, контракт (шартнома) муддати келишилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизими ишлатилишда:

- аниқ савдо ходимига қўйилган вазифа ва мақсадни;
- мақсадга эришиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар;
- мақсадга эришиш даражаси ва моддий рағбатлантириш миқдорини сон нисбатини аниқлаб олиш лозим бўлади.

11.4. Иш ҳақи фондининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари (корхона, ташкилот, муассаса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик)ни иш ҳақи тўлаш соҳасидаги сиёсатига бир қанча омиллар таъсир қилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

- бажариладиган иш ҳажми (савдода асосан товар айланиши, оммавий овқатланишда маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланиши, хизмат кўрсатилган ходимлар сони);
- хўжалик субъектларини молиявий ҳолати;
- минимал иш ҳақи миқдори;
- тариф ставкаларини ва тариф сеткасининг (разрядлар, тариф коэффиценти) ўзгариши;
- устамалар ва қўшимча тўловлар миқдорининг ўзгариши;
- корхоналар, хўжалик субъектларининг меҳнатини рағбатлантириш сиёсати;
- ишчи ходимларни сони, уларнинг малакаси ва касбий маҳоратининг ўзгариши;
- меҳнат бозори конъюнктураси;
- рақобат даражаси ва бошқалар.

Иш ҳақини тадқиқот қилишда унинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари, унга бевосита ва билвосита алоқадор кўрсаткичлар ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз.

Иш ҳақининг абсолют кўрсаткичи сифатида иш ҳақи фондининг суммаси, унга бевосита таъсир қилувчи тариф ставкалари, лавозим окладлари, хўжалик субъектларининг иш ҳажми (савдо ва оммавий овқатланишда уларнинг товар айланиши ҳажми) муомала харажатлари, даромад ва фойда суммаси кабиларни киритиш мумкин.

Иш ҳақининг нисбий кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иш ҳақининг даражаси. Ушбу кўрсаткич бирон бир

даврга (ой, квартал, йил) иш ҳақи фонди суммасини 100,0га кўпайтириб тегишли соҳани, корхонанинг товар айланиши ҳажмига бўлиш орқали аниқланади;

• ишчи ва ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори. Бу кўрсаткич тегишли соҳада, корхонада, бирон давр давомида ишчи ва ходимларга тўланган, иш ҳақига киритиладиган барча пул ва натурал шаклдаги тўловлар ва ижтимоий нафақалар суммасини даврдаги ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади;

• иш ҳақининг даромадлилигини, яъни бир сўм иш ҳақига қанча даромад тўғри келишлиги. Бу кўрсаткич бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган даромадлар суммасини уларнинг иш ҳақи суммасига бўлиш билан ҳисобланади;

• иш ҳақи рентабеллиги. Уни аниқлаш учун бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган фойда суммасини 100,0 га кўпайтириб, иш ҳақи суммасига бўлинади. Ушбу кўрсаткич иш ҳақи бирлиги неча фоиз фойда келтираётганлигини билдиради;

• иш ҳақининг муомала харажатларидаги ҳиссаси. Ушбу кўрсаткич бирон бир даврга иш ҳақи суммасини муомала харажатлари суммасига бўлиш ва 100,0 га кўпайтириш орқали аниқланади.

• устамалар ва қўшимчаларнинг иш ҳақидаги ҳиссаси, фоизда ёки коэффициентларда;

• иш ҳақининг бирон бир даврга (3,5,10 йил) ўртача ўсиш суръати. Ушбу кўрсаткични оддий ўртача геометрик формуласи орқали аниқлаш мумкин, яъни

$$\bar{И}_{х.у.с} = \sqrt[n]{И_{х.у.с}^{1} \cdot И_{х.у.с}^{2} \cdot \ldots \cdot И_{х.у.с}^{n}}$$

бу ерда, $\bar{И}_{х.у.с}$ иш ҳақини бирон бир даврга ўртача ўсиш суръати.

$И_{х.у.с}^{1,2,3,4}$ = иш ҳақини тегишли йилда ўтган йилда нисбатан ўсиш суръати. Ушбу кўрсаткич аниқ олинган йилдаги иш ҳақини ундан олдинги (ўтган) йил кўрсаткичига бўлиш ва 100,0 га кўпайтириш орқали фонда ёки индекс ўлчовида аниқланади, яъни

$$И_{х.у.с}^{1} = \frac{И_х^{1}}{И_х^{0}} \cdot 100{,}0 \text{ ёки } \frac{И_х^{1}}{И_х^{0}}$$

Иш ҳақини ўртача ўсиш суръати ва тегишли индекслар алоҳида ходимларнинг ўртача иш ҳақи кўрсаткичи бўйича ҳам аниқланади. Таҳлил жараёнида статистик кўрсаткичлар ҳам аниқланиши мумкин.

• реал иш ҳақини индекси ($J_{р.и.х}$). Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

бу ерда, $JИ_{х.ў.с}$ — иш ҳақини бирор бир даврга индекси; $J_р$ — истеъмол товарлари индекси тегишли даврга.

Иш ҳақи фонди таркиби ва ҳажмини аниқлашда статистик ҳисоботда иш ҳақига нималар киритилса, шулардан келиб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси «Минмакроиқтисодстат» давлат департаментининг 1998 йил 26 октябр 33-сонли қарори билан тасдиқланган «Ёлланма ишчилар сони ва иш ҳақини статистикаси тўғрисида»ги йўриқ хатида иш ҳақи тушунчасига барча қиймат (пулда) ва натурал шаклда, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, тўланадиган маошлар ҳамда мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ижтимоий-имтиёзлар, ишчиларга пул шаклида тўланган, қонунда белгиланган, ишламаган вақтлари (таълим, дам олиш ва байрам кунлари) учун тўловлар киритилади.

Иш ҳақи статистик ҳисоботларда:

а) пул шаклида-барча пул шаклида тўланган (ҳисобкитоб қилинган), тўлов ҳужжатларига мос маошлар

«брутто», яъни солиқлар ва барча турдаги тўловларни ҳисобга олган ҳолда;

б) натурал шаклда эса барча натурал тўловларни бозор баҳосида хисобга олган ҳолда кўрсатилади.

Пул шаклидаги иш ҳақига:

I расценкалар, тариф ставкалари, лавозим окладлари (хўжалик субъектларида ишлатиладиган иш ҳақи шакли ва тизимидан келиб чиққан ҳолда) маошлар ва барча рағбатлантириш учун берилган пуллар суммаси киради.

II низомга асосан рағбатлантирувчи тўловлар, яъни:

а) бир маротаба тўланадиган мукофот, йил натижаси бўйича берилган тақдирлов;

б) рағбатлантирувчи тавсифга эга, бирламчи ҳужжатларда кўрсатилган мукофотлар;

в) устозлар (мураббийлар), касбий маҳорат учун тариф ставкаси ёки лавозим окладига устамалар;

г) моддий ёрдам сифатида ҳар йилги таътилга қўшимчалар;

д) кўп йиллар хизматлари учун бериладиган тўловлар (ижтимоий фондларга тўловларни ҳисобга олган ҳолда) киради.

III булардан ташқари, иш режими ва шароитига қараб ўзини қопловчи (компенсация) тавсифига эга бўлган ҳамда ишламаган кунлар учун тўловлар ҳам иш ҳақи таркибига киритилади.

Натурал шаклдаги иш ҳақига ишчиларга берилган барча товар, маҳсулот ва бошқа қийматга эга бўлган нарсалар ва улар учун бажарилган иш ёки хизматга тўловлар киритилади (коммунал хизмати учун тўлов, бепул овқатланиш, квартира тўлови, транспорт тўлови, ўзида қоладиган махсус кийимлар қиймати, даволаниш, дам олиш йўлланмалари қиймати, суғурта ва ҳ.к.)

Ишчи кучини сақлаш учун кетган харажатларга (уй-жойни жорий таъминлаш, берилган мебеллар қиймати) капитал қурилишларидан ташқари, барча ижтимоий суғурталар (ижтимоий, нафақа, медицина, бандлик ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар), махсус тўловлар

(меҳнат билан таъминлашга, штатларнинг қисқариши, нафақага чиқишда бир марталик қўшимчалар, болаларга 2 ёшгача қараш учун, касбий касаллик ва бошқа иш жараёнида соғлиқни йўқотиш билан боғлиқ зиёнлар учун тўловлар), кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; малакани оқартув ишлар ва бошқалар киритилади. Булар иш ҳақи таркибига киритилмайди.

Иш ҳақи ва ишчи кучини сақлаш учун ташкилот, корхона ва бошқа хўжалик субъектларининг харажатлари ишчи кучига кетган харажатлар қиймати деб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган иш ҳақи фонди таркиби бўйича иш ҳақи фонди ташкилот, корхона ва бошқа хўжалик субъектларининг иш ҳақи фонди ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирилади. Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда кенг иқтисодий ахборотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг манбалари бухгалтерия баланси, молиявий ва статистик хисоботлар, тезкор маъмумотлар ва бошқалар. Ушбу манбалардан товар айланиши, ходимлар сони, муомала харажатлари, иш ҳақи фонди, даромаллар ва фойда каби кўрсаткичлар олинади ва фойдаланилади.

Улар қаторига Давлат статистик ҳисоботларидан «Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида» (3-савдо шакл), «Чакана товар айланмаси тўғрисида» (1-савдо шакл), «Савдо ташкилоти харажатлари тўғрисида» (5-С (савдо) шакли), «Меҳнат ҳисоби» (1-Т шакл), «Меҳнат, ходимлар сони ва таркиби тўғрисидаги ҳисобот» (1-Т шакл), «Ишчи кучини сақлаш харажатлари қиймати тўғрисида» (1-Т шаклга илова), «Ходимлар сони ва таркиби тўғрисида ҳисобот» (1-Т (кадрлар) шакли), «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл), «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Иш ҳақи фондини таҳлил қилиш қуйидаги жараёнлар (босқичлар)дан иборат бўлади:

- маълумотларни тўплаш (режалар, ҳақиқатда ва кутилаётган);

• маълумотларга ишлов бериш, яъни тартибга солиш, солиштирма юзага келтириш, жадвалларга жойлаштириш;

• иш ҳақи фондига тегишли кўрсаткичларни ҳисоблаш (меҳнат унумдорлиги, 1 ходимга тўғри келадиган иш ҳақи; иш ҳақи фондини товар айланишига нисбати — %, иш ҳақи фондини муомала харажатларига нисбати — %, даромадлар ёки фойдани иш ҳақи фондига нисбати — % ва бошқалар);

• таҳлил қилиш жараёни;

• хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда ўртача иш ҳақини аниқлаш катта аҳамият гутади. Чунки ушбу кўрсаткич бошқа ўртача кўрсаткичлар билан солиштирилиши (масалан, меҳнат унумдорлиги) улар ҳолатига баҳо бериш, прогноз қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи корхона бўйича умуман иш ҳақи фондидан тўланган (пул ва натурал шаклда) суммани ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ишлатиладиган ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Таҳлил жараёнида иш ҳақига тегишли бўлган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши, уларни бир неча йилларга динамикаси ўрганилади ва иш ҳақи фондига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир қилиш даражаси (миқдори) аниқланади.

Таҳлилни «Ишчи кучини сақлаш учун тўловлар ва харажатлар қиймати» кўрсаткичи таркибини ўрганишдан бошлашни тавсия қиламиз.

Унинг учун қуйидаги жадзалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади (11.4.1-жадвал).

11.4.1-жадвал

Ишчи кучини сақлаш учун тўловлар ва харажатлар қийматининг таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Ўзгариш сурати; % ва фарқи (+, -)	
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Товар айланиши[1]	м.с.					
2	Иш ҳақи фонди:						
2.1	сўмда	м.с.					
2	Товар айланишига нисбати	%					
3	Иш ҳақи:						
3.1	Пул шаклидаги иш ҳақи						
3.1.1	Сўмда	м.с.					
3.1 2	%да иш ҳақига нисбатан (3.1.1. · 100/2)	%					
3.2	Натурал шаклдаги иш ҳақи:						
3.2.1	Сўмда	м.с.					
3.2.2	%да иш ҳақига нисбатан (3.2.1.· 100/2)	%					
4	Иш ҳақи ёзишда *инобатга олинмай·*						

[1] Қайси соҳа таҳлил қилинса ўша соҳанинг товар айланиши олинади (чакана товар айланиши, улгуржи товар айланиши, оммавий овқатланиш товар айланиши).

жадвалнинг давоми

	диган тўлов ва харажатлар[1]	м.с.					
5.	Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва харажатлар (3 + 4)	м.с.					
6.	Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва харажатлар таркиби:						
6.1.	Иш ҳақи фонди (2·100/5)	%					
6.2.	Иш ҳақи ёзишда инобатга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар (4·100/5)	%					
7.	Рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони киши (ўртача миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиганлар сони)						

[1] Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- ходимларнинг уй-жойи учун корхонанинг харажатлари;
- иш ҳақи фондига барча ижтимоий суғурта турлари бўйича тўловлар (ижтимоий суғурта, нафақа таъминоти, медицина суғуртаси, бандлик ва бошқа бюджетдан ташқари фондларга),
- корхона ҳисобидан (фондлардан ташқари) махсус тўловлар (ижтимоий нафақалар);
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар;
- маданий-оқартув ишлар, соғлиқни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун харажатлар;
- ишчи кучини таъминлаш учун ишлатиладиган бошқа тўловлар ва харажатлар;
- меҳнат қиймати таркибига кирадиган солиқлар.

жадвалнинг давоми

8.	1 ходимга тўғри келадиган:						
8.1.	Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва харажатлар қиймати (5 : 7)	сўм					
8.2.	Иш ҳақи (2 : 7) жумладан:	сўм					
8.2.1.	Пул шаклида (3.1 : 7)	сўм					
8.2.2.	Натурал шаклда (3.2. : 7)	сўм					
8.3.	Иш ҳақини ёзишда инобатга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар қиймати (4 : 7)	сўм					

Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда корхона, хўжалик субъектлари, ташкилотлар, корпорациялар, бирлашмалар иш ҳақи фонди режасининг (ой, квартал, йил) бажарилишини узлуксиз ўрганиб бориши зарур, ўз имкониятларидан келиб чиқиб келгуси ой ёки квартал режаларига ўзгартиришлар (корректировка) киритиш ёки иш ҳақи сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириб бориши лозим.

Бундай таҳлил албатта иш ҳақи фондига биз юқорида келтириб ўтган омилларнинг таъсир даражасини ўрганишда статистиканинг «Занжирли боғланиш» ва индекс усуллардан кенг фойдаланиш мумкин.

Масалан: иш ҳақи фондига ишбай иш ҳақи шаклини қўлланилганда савдо шаҳобчасининг чакана товар айланиши (ЧТА) ҳажми, сотувчининг меҳнат унумдорлиги (M_y), уларнинг сони (Х) ва ўртача иш ҳақи ($\bar{Й}_x$)

миқдори таъсир қилади.

Умуман олганда иш ҳақи фонди ($И_ф$) тенг бўлади

(1) $И_ф = Й_х \cdot X$; бу ерда $X = \frac{ЧТА}{М_у}$ тенглигини ҳисобга олсак

(2) $И_ф = Й_х \cdot \frac{ЧТА}{М_у}$ келиб чиқади. Ушбу учта омилнинг иш ҳақи миқдорига таъсир даражаси «Занжирли боғланиш» усули орқали қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳар хил вариантларда иш ҳақи фонди хисобланади ва тегишли омилнинг таъсир даражаси аниқланади. Бу ҳисоб-китобларни қуйидаги шартли маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш мисолини кўриб чиқамиз.

11.4.2-жадвал

Ишчилар сони, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи фонди

Т\р	Кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳисобот йили		Ўсиш сурати (%)	Фарқи (+;-)
			Режа «0»	ҳақиқатда «1»		
1	Чакана товар айланиши	млн сўм	45950	46841	101,3	+891
2	Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони	киши	1486	1335	89,8	-151
3	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	30922	34862	112,7	+3940
4	Иш ҳақи фонди (барча ходимларнинг)	млн сўм	1342	1269	94,6	-73
5	Ходимларнинг ўртача иш ҳақи (йиллик)	минг сўм	903	951	105,3	+48

11.4.3-жадвал

Иш ҳақига таъсир қилган омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби

Т\р	Кўрсаткичлар	ҳисоблаш формуласи	ҳисоб-китоблар
1	Чакана товар айланиши	$\frac{ЧТА^1 \cdot \bar{И}_x^0}{М_y^0} - \frac{ЧТА^0 \cdot \bar{И}_x^0}{М_y^0}$	$\frac{46841 \cdot 903}{30922} - 1342 =$ $1359 - 1342 = 17$ млн.с
2	Меҳнат унумдорлиги	$\frac{ЧТА^1 \cdot \bar{И}_x^0}{М_y^0} - \frac{ЧТА^1 \cdot \bar{И}_x^1}{М_y^1}$	$\frac{46841 \cdot 903}{34662} - 1359 =$ $1205 - 1359 = -154$ млн.с
3	Ходимларнинг ўртача иш ҳақи	$\frac{ЧТА^1 \cdot \bar{И}_x^1}{М_y^1} - \frac{ЧТА^1 \cdot \bar{И}_x^0}{М_y^1}$	$1269 - 1205 =$ $+ 64$ млн.с

11.4.2-жадвалда келтирилган маълумот бўйича иш ҳақи фонди режага нисбатан 73 млн. сўмга камайган.

Таҳлил натижаси бўйича ушбу камайиш чакана товар айланишининг 891 мл.с ортиши натижасида 17 млн. сўмга кўпайган. меҳнат унумдорлигининг 3940 минг сўмга ортиши натижасида 154 млн. сўмга камайган, ўртача иш ҳақини 48 минг сўмга ўсиши натижасида 64,0 млн. сўмга ортган. Шундай қилиб учала омил натижасида иш ҳақи фонди $+17 - 154 + 64 = +73$ млн. сўмга ортган.

Агарда таҳлил вазифасида иш ҳақи фондига ходимлар сонининг таъсирини аниқлаш масаласи қўйилган бўлса иш ҳақи фондини юқорида келтирилган биринчи формуласидан фойдаланиш мумкин. ($\bar{И}_x \cdot X$). Бу ҳолда ходимлар сонининг таъсири қуйидагича аниқланади.

$\bar{И}_x^0 \cdot X^1 - \bar{И}_x^0 \cdot X^0$ бизни мисолда $903 \cdot 1335 - 1342 = 1205 - 1342 = -137 млс$ Ходимлар сонини 151 кишига камайиши иш ҳақи фондини −137 млн. сўмга камайтиришга олиб келган. Ушбу ҳол чакана товар айланиши ва меҳнат унумдорлигининг ўзгариши

таъсири остида вужудга келган.

Ўртача иш ҳақини ўзгариши натижасида юқоридаги 11.4.3-жадвал маълумотидан иш ҳақи фонди +64 млн.сўмга ортган. Умуман бу икки омил натижаси ҳам + 73 млн.сўмни ташкил қилади.

Иш ҳақини таҳлил қилишда унинг суммасини, даражаси ва муомала (давр) харажатлари таркибининг ўзгаришини ўрганиш зарур. Бундай таҳлил учун қуйидаги жадвалдан (11.4.2) фойдаланиш мумкин.

Иш ҳақини ўзгариш суръатларини меҳнат унумдорлигининг ўзгариш суръатлари билан бир неча йилларга таққослама таҳлил қилиш амалий ва назарий аҳамиятга эга. Чунки жамиятда жамғаришни таъминлаш учун меҳнат унумдорлиги иш ҳақига нисбатан тезроқ суратларда ўсиб бориши зарур. Бундай жараённи алоҳида хўжалик субъектидан тортиб, соҳа, тармоқ ва жамият миқёсида таъминлашга эришиш лозим.

11.4.4-жадвал

Иш ҳақи суммаси, даражасининг ва муомала харажатларидаги ҳиссасининг ўзгариш суръати

Т/р	Кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йиллар				Ҳисобот йили		Режага нисбатан ўзгариш суръати, (%), фарқи (+;-)	Ҳисобот йили ўтган йилларга нисбатан, %, фарқи (+,-)			
			1	2	3	4	режа	Ҳақиқатда		1	2	3	4
1	Товар айланиши	м.с											
2	Муомала харажатлари:												

жадвалнинг давоми

	2.1. сўмда 2.2. даражаси $(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{1})$	м.с %											
3	Иш ҳақи фонди. 3.1. сўмда. 3.2. даражаси. $(\frac{3 \cdot 1 \cdot 100}{1})$ 3.3. Муомала (давр) харажатлардаги ҳиссаси. $(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{2 \cdot 1})$	м.с % %											

Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун қуйидаги жадвалдан (11.4.5.) фойдаланиш мумкин.

11.4.5-жадвал

Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигини ўзгариш суръатлари

№	Кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар (х)					
			X_1	X_2	X_3	X_4	X_5	X_6
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**	**9**
1	Товар айланиши: 1.1. Суммаси 1.2. Ўзгариш сурати 1.2.1. Базис йилга нисбатан 1.2.2. Ўтган йилга нисбатан	м.с % %						

жадвалнинг давоми

2	Иш ҳақи фонди 2.1. Суммаси 2.2. Ўзгариш сурати: 2.1.2. Базис йилга нисбатан. 2.2.2. Ўтган йилга нисбатан.	 м.с % %						
3	Ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони.	киши						
4	Ўртача иш ҳақи: 4.1. Суммаси 4.2. Ўзгариш суръатлари' 4.2.1. Базис йилига нисбатан. 4.2.2. Ўтган йилга нисбатан.	 сўм % %						
5	Меҳнат унумдорлиги 5.1. Суммаси. 5.2. Ўзгариш сурати. 5.2.1. Базис йилига нисбатан. 5.2.2. Ўтган йилга нисбатан.	 м.с % %						

11.5. Иш ҳақи фондини режалаштириш

Иш ҳақини режалаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси корхоналари, хўжалик субъектларида қўлланилаётган одатдаги иш ҳақи тизимидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иш ҳақини мустақил ташкил қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, унинг шакл ва моделларини ўзлари танлаши мумкин. Лекин бу деганимиз улар абсолют эркин, ўз хоҳиши билан иш ҳақини ташкил қилишнинг барча жиҳатларини ҳал қилади деган гап эмас. Иш ҳақининг минимал миқдори, тариф сеткаси устамалар ва айрим қўшимчалар давлат томонидан қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Ҳар қандай шароитда иш ҳақи миқдори иш ҳақи нормасига, яъни ишчи кучи қийматининг зарурий қисми (ишчига мулкдор ёки давлат томонидан тўланган), меҳнат бозорида унга талаб ва таклифдан келиб чиқадиган қийматига тенг бўлиши керак.

Норма — бу қонуний тусга эга бўлган, тан олинган тартиб, тасдиқланган меъёр ва ўртача кўрсаттичдир.

Иш ҳақи нормасининг хусусияти, шундаки, унда жамият, жамоа ва шахснинг иқтисодий манфаатлари келиштирилган ҳолда иқтисодий фаолиятни мақсадли топшириқлари, шарт-шароитлари, восита ва усуллари кўрсатгичлар орқали нормалаштирилади. Ушбу нормалар албатта, қонуний ҳужжатларда ўз аксини топиши ва уни бузилганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлиги санкцияларда белгилаб қўйилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 155-моддасида «Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларни тўлиқ бажарган ходимнинг айрим меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас» - деб таъкидлаган.

Минимал иш ҳақи миқдори (МИҲМ) Ўзбекистон Республикасида Президент фармони билан тасдиқланади ва уни бажариш барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик субъектлари учун мажбурий ҳисобланади.

МИҲМ таркибига устамалар, қўшимчалар, моддий рағбатлантириш, норма ва иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда

тўланган ҳақлар, бошқа компенсацион тўловлар, шунингдек район коэффициентлари кирмайди.

Чет амалиёти ва умуман назарий нуқтаи назардан минимал иш ҳақи миқдори меҳнатга лаёқатли шахснинг минимал яшаш даражаси ёки аҳолининг минимал истеъмол савагчаси миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

МИҲМ давлат томонидан иш ҳақини индексация қилиш шакли сифатида ҳам ишлатилади.

Хўжалик субъектларида, жумладан, савдо соҳаси ва оммавий овқатланиш корхоналари ва шахобчаларида иш ҳақи фондини режалаштиришда нормотив, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистик- тажрибавий, индекс, коэффициентлар каби усуллардан фойдаланилади. Бунда албатта ишлатилаётган таъриф тизими ва иш ҳақи шакллари асос бўлиб ҳисобланади.

Иш ҳақи фондини режалаштиришда савдо соҳаси корхоналари ва шаҳобчаларида чакана товар айланишининг умумий ҳажми ва товарлар ассортиментлари бўйича режаси, режалаштирилган ишчи ходимлар сони (ишчи ходимлар малакаси, бажариладиган ишлар турлари бўйича гуруҳлари), савдо шаҳобчалари типлари, таъриф ставкаси, лавозим окладлари, таъриф разряди ва коэффициентлари, корхонанинг молиявий имкониятлари кабилар ишлатилади.

Иш ҳақини фондини таҳлил қилганда ва режалаштиришда иш ҳақини асосий ва қўшимча қисмларга бўлинишини ҳисобга олиш лозим. Иш ҳақининг асосий қисми маошнинг таъриф ставкалар (лавозим окладлари, расценкалар) ва мукофотлардан ташкил топади. Унинг қўшимча қисмига ҳар хил устамалар ва қўшимча ҳақлар киритилади.

Иш ҳақини режалаштиришда қўлланилаётган иш ҳақи шаклига ва тизимига қараб ишчи ва ходимлар алоҳида гуруҳларга табақалаштирилиши лозим. Иш ҳақи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ҳисобланади.

Таъриф ставкалари (лавозим окладлари) олувчи ходимларни иш ҳақи фонди қуйидагича ҳисобланади.

$$И_{х.ф.т.с.} = \sum_{i=1}^{n} Х_{т.с.i} \cdot D \cdot Т_{с.i.}$$

$И_{х.ф.т.с.}$ – таъриф ставкаси оладиган ходимлар асосий иш ҳақи фонди; $Х_{т.с.i}$ – бир хил таъриф ставкаси оладиган ходимлар сони; D – режалаштирилган давр учун ойлар сони; $Т_{с.i}$ – ходимнинг ойлик таъриф ставкаси; n – ушбу гуруҳдаги ходимлар сони.

Ушбу ҳолда иш ҳақи фондини ишчи ходимларнинг касаллиги туфайли ишга чиқмаган кунлари учун иш ҳақи миқдори камайтиришни назарда тутиш зарур. Унинг миқдори ўтган йиллар таҳлилини (камида 3 йил) натижасига қараб $И_{х.ф.т.с.}$ – га нисбатан фоизда ва кейин суммаси аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$И_{х.к.} = \frac{D_{х.к.}}{D_в} \cdot И_{х.ф.т.с};$$

$И_{х.к.}$ – ишчиларни касаллик кунлари учун иш ҳақи миқдори, сўмда; $D_{к.к.}$ – ишчиларни касал бўлган кунлари. $D_в$ – йиллик иш кунлари.

Товар айланиш суммасига (1000,0 сўм) нисбатан расценка ишлатилаётган савдо шахобчаларида сотувчиларнинг иш ҳақи фонди қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$И_{х.ф.т.р} = \sum_{i=1}^{n} \frac{ЧТА_i \cdot Т_{р.i}}{1000};$$

бу ерда: $ЧТА_i$ – i товар гуруҳ (ассортименти, тури) учун режалаштирилган чакана товар айланиш ҳажми;

$T_{p.i}$ – і товар гуруҳ (ассортимент тури) учун белгиланган 1000 сўмига расценка.

Моддий рағбатлантириш суммаси M_p ҳаракатдаги рағбатлантириш низоми ёки жамоавий шартномада белгиланган кўрсаткичлар ва ишчи ходимларни лавозимларга қараб, таъриф ставкалари (лавозим окладлари)га нисбатан аниқланади.

Устамалар ($У$) ва қўшимча тўловлар (K_m) уларни қўшимча жамоавий шартномада корхонани низомида ёки махсус низом (агар мавжуд бўлса) белгиланган миқдор асосида ҳисобланади.

Йиллик меҳнат таътили ($Й_{м.т}$) миқдорини қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз.

$$Й_{м.т} = \sum_{i=1}^{n} \left(\frac{D_{m.i}}{D_{ü}} \cdot И_{x.i}\right);$$

бу ерда: $D_{m.i}$ – і ишчининг йиллик таътил куни; $D_{ü}$ – йиллик ишчи кунлар. $И_{x.i}$ – і ишчининг режалаштирилган йилга асосий иш ҳақи суммаси.

Корхона, ташкилот ёки бошқа хўжалик субъектларининг умумий иш ҳақи фонди ($И_{.x.y}$) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$И_{x.y} = (И_{x.ф.m.c} - И_{x.x}) + И_{x.ф.m.c} + \sum_{i=1}^{n}(M_{p.i}) + \sum_{i=1}^{n} У_i + \sum_{i=1}^{n} K_{m.i} + Й_{м.т}$$

Иш ҳақи фондини статистик-тажрибавий усулни қўллаш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунда иш ҳақи фондини ўтган 3 ёки 5 йил даврга таҳлил қилиб, уни ўзгариш тенденцияларини аниқлаб, режалаштирилган йилга иш ҳақига таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариш тенденцияларини (индекслар ёки эластиклик коэффициентлари орқали) ҳисобга олиб аниқлаш мумкин.

Иш ҳақи фондини ўзгариш миқдорини меҳнат унумдорлиги тенденцияси билан солиштириб, улар ўртасидаги пропорционалликни таъминлаш зарар бўлади.

Таянч иборалар

Меҳнат ҳақи, иш ҳақи, ишчи кучи қиймати, таъриф тизими, таъриф ставкаси, лавозим оклади, таъриф разряди, таъриф коэффициенти, мотив, вақтбай иш ҳақи, ишбай иш ҳақи, таърифсиз тизим.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Иш ҳақининг мазмунини ёритинг?
2. Меҳнат ҳақини иш ҳақидан фарқини тушунтиринг?
3. Ишчи кучини сақлаш учун тўлов ва харажатларга нималар киради?
4. Меҳнат ҳақи ижтимоий пакетига нималар киради?
5. Иш ҳақи тизими моҳияти ва аҳамияти.
6. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.
7. Иш ҳақи шакллари.
8. Меҳнат мотивацияси деганда нимани тушунасиз ва у қандай воситалар орқали амалга оширилади?
9. Таърифсиз тизимнинг афзалликлари қандай намоён бўлади?
10. Прогрессив иш ҳақи тизимини тавсифлаб беринг.
11. Вақтбай – мукофотли иш ҳақи шакли ишбай–мукофотли иш ҳақи шаклдан нима билан фарқланади ва улар қандай ҳолларда ишлатилади?
12. Иш ҳақи фондининг таҳлили нимадан бошланади ва қандай кўрсатгичлар ишлатилади?
13. Иш ҳақи фонди қандай режалаштирилади?

12-боб. МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ

12.1. Харажатлар тушунчаси ва муомала харажатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари.

12.2. Муомала харажатларининг таснифи.

12.3. Муомала харажатларига таъсир қилувчи омиллар.

12.4. Муомала харажатларини иқтисодий таҳлили.

12.5. Муомала харажатларини режалаштириш.

12.1. Харажатлар тушунчаси ва муомала харажатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари

Ҳар бир жамиятда ишлаб чиқариш ва истеъмол бир-биридан макон ва замонда фарқланади. Бу икки жараённи бир-бири билан боғлаш, яъни бир томондан ишлаб чиқариш соҳасининг маҳсулотини истеъмолчига етказиш, иккинчи томондан истеъмолчини товар учун тўловини ишлаб чиқарувчига етказиш тегишли масофада ва вақтда, ушбу жараён билан шуғулланувчи махсус соҳа орқали амалга оширилади.

Ушбу жараён, яъни истеъмол товарларини истеъмолчига етказиш тегишли моддий ва номоддий харажатлар билан боғликдир. Бу жараёнларнинг бир қисми ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қопланади ва улар корхонанинг давр харажатлари таркибида ўз аксини топади. Масалан, тайёр маҳсулотларни корхона омборларида сақлаш, уларни транспорт воситаларига юклаш, айрим ҳолларда маҳсулотларни олди-сотди шартномаларига асосан транспорт харажатлари ишлаб чиқариш корхонаси то-

монидан қопланиш кўзда тутилган бўлса. (мисол учун денгиз, дарё транспортида «франко-станция-назначения» усули қўлланилса) транспорт харажатлари ва реклама, агар ишлаб чиқариш корхоналари реклама фаолияти билан шуғулланса.

– Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиш учун сарфланган харажатларнинг асосий қисми товар айрибошлаш соҳаси билан шуғулланувчи савдо соҳаси, яъни савдо корхоналари ва шаҳобчалари зиммасига тўғри келади. Бу харажатларнинг асосий қисми савдо фаолиятини таннархи сифатида муомала харажатларига киритилади, айрим харажатлар савдо корхоналари ва шаҳобчаларининг асосий фаолиятидан олинган бойлиги ҳисобидан қопланади.

Шундай қилиб савдо соҳаси харажатларини иқтисодий мазмуни бўйича назарий жиҳатдан умумий харажатлар, муомала харажатлари ва муомала харажатлари таркибига кирмайдиган харажатларга тасниф лаш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

– Савдо соҳасининг умумий харажатлари кўп қиррали бўлиб, у ҳар хил турдаги харажатлардан таркиб топади. Унинг таркибига муомала харажатларидан ташқари қуйидагиларни киритилади.

1. Сотиб олинган товарлар қиймати, савдо корхонаси, шаҳобчаси ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиб олади ва уни истеъмолчиларга етказиш учун моддий ва номоддий харажатлар сарфлайди. Сотиб олинган товарлар қиймати савдо корхонаси, шаҳобчаси учун кўринишдан уларнинг харажати бўлса ҳам, улар суммаси даромаддан қопланмайди ва савдонинг таннархи ёки муомала харажатлари таркибига кирмайди. Ушбу харажатлар товарлар қийматида акс этади, улар авансланади, сотилади ва қопланади. Бу харажатлар айланма маблағлар ҳамда банкларнинг жорий кредитлар ҳисобидан авансланади ва ҳар бир товар айрибошланиш даврида ўз-ўзини қоплайди.

2. Асосий фондларга капитал қўйилмалар, булар бир маротаба асосий фондларни янгилаш, модернизация қилиш, капитал ремонт учун қилинадиган харажатлар бўлиб, муомала харажатлари таркибига кирмайди, хусусий мулк, банкларнинг узоқ муддатли ссудалари ва бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Даромад ҳисобидан қопланадиган солиқ.

4. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

5. Мол-мулкни узоқ муддатга ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш ва бошқа молиявий фаолият бўйича харажатлари.

6. Божхона тўловлари, жумладан, акциз солиғи, божхона божлари ва расмийлаштириш йиғимлари.

7. Товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган брокерлик хизматлари, божхона омборларининг ижараси учун тўловлар, комиссион (воситачилик) харажатлар, божхона ишлари билан боғлиқ ортиш, тушириш, транспорт ва бошқа харажатлар.

8. Тара бўйича йўқотишлар. Бу харажатлар режалаштирилмаган, норационал хўжалик юритиш ёки бошқа ҳолларда вужудга келади.

9. Картошка ва сабзаботларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш бўйича харажатлар ва бошқа бюджетдан қопланадиган харажатлар бюджет ҳисобидан қопланади.

10. Фавқулотда зарарлар — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулотда моддалар ва муомала харажатлари (Низомда давр харажатлари) таркибида акс эттирилиши керак бўлган давр (харажатлари)

моддалари кирмайди.

Савдонинг умумий харажатларни таркибини қуйида келтирилган 12.6.1-чизмада ифодалаш мумкин.

Муомала харажатлари – бу истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига силжитиш жараёнида сарфланган жонли ва жонсиз меҳнат қийматининг (бу ҳолда ҳам қиймат зарурий ва қўшимча қисмларга тақсимланади) зарурий қисмини пулдаги ифодасидир. Муомала харажатлари иқтисодий категория бўлиб тарихий тавсифга эга. Уни вужудга келиши товар-пул муомаласини пайдо бўлиши билан тиғиз боғлиқдир.

Муомала харажатлари савдонинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Муомала харажатлари пул-товар муносабатлари вужудга келиш даври билан боғлиқ бўлиб, у пул-товар муомаласини меваси, унинг асосида вужудга келган ва унинг моҳияти товар олди-сотди жараёни, яъни товар айрибошлашни табиатидан келиб чиқади. Ушбу харажатлар назарий жиҳатдан, нафақат савдода мавжуд, у такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошланишидан (ишлаб чиқариш корхоналари хом ашёни манбасидан то ишлаб чиқариш жойига етказишда (ушбу жараён ҳам товар айрибошлаш жараёнига назарий жиҳатдан киради, бу ишлаб чиқариш жараёни эмас, чунки хом ашё сотиб олингандан кейин товар тусига киради ва ишлаб чиқарувчи учун хом ашё сифатида, назарий жиҳатдан товар сифатида уни тайёр маҳсулотга айлантирувчиларга етказилади) ҳамда уни охирги босқичи, яъни тайёр маҳсулотларни (товарларни) ишлаб чиқаришдан савдо соҳасига етказиш жараёнида намоён бўлади.

Назарияда ва амалиётда товар муомаласи билан боғлиқ харажатларни такрор ишлаб чиқаришнинг бошланғич жараёни билан боғлиқ қисми маҳсулотнинг таннархига киритилади, аслида у иқтисодий табиати бўйича ва назарий нуқтаи назардан товар муомаласи харажатлари ҳисобланса ҳам. Ушбу масаланинг моҳиятини ёритишда ҳозирги даврда муомала харажатларини ном-

ланишига бўлган муносабат тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунки бўлажак мутахассислар (бакалаврлар, магистрлар) ва илмий тадқиқотчилар ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий категорияларни назарий жиҳатдан тўғри талқин қилиш билими ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бу билан нарсалар, ҳодисалар, жараёнларни ўрганишда, баҳолашда тўғри, илмий асосланган хулосалар яратишга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 февраль 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомда негадир муомала харажатлари «давр харажатлари» деб номланган.

Умуман олганда, ҳар қандай моддий, номоддий харажатлар қандайдир замон ва макон доирасида вужудга келади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (Москва «Рус тили» нашриёти, 1981. 204-бетида) «Давр» сўзига қуйидагича изоҳ берилган.

«Давр 1. Жамият тараққиётида муҳим воқеа, ҳодиса юз берган, ҳукм сурган ёки ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадиган маълум вақт оралиғи. 2. Бирор иш-ҳаракат, жараён, воқеа, ҳодиса содир бўладиган ёки бажариладиган муайян вақт. 3. Такрорланувчи процессининг ҳар бир такрорланишида бошланишидан то охиригача ўтиладиган вақт».

Ушбу луғат (481 бетда) «Муомала» сўзига қуйидагича таъриф берилган:

«Муомала. 1. Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини. 2. Иш, хизмат билан боғлиқ бўлган алоқа. 3. Пул ва савдо иши билан боғлиқ муносабат, алоқа».

Ҳаётда табиат нарсаларини, жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг номланиши, уларнинг сиёсий, иқ-

тисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий ва бошқа унинг келиб чиқишига оид табиатидан келиб чиққан ҳолда аниқланган ва тегишли ном берилган.

Бизга тушунарли эмас, қандай қилиб товар муомаласи жараёни билан боғлиқ харажатлар «Давр харажатлари» деб номланиб қолган. Биз юқорида айтганимиздек ҳар қандай харажат бирон-бир даврда вужудга келади, жумладан муомала харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳоказолар. Агар сўзни мазмун-моҳиятидан келиб чиқсак, «таннархни» ҳам «давр харажатлари» деб айтиш керак бўлмайди-ми? Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизни фикримизча, «Давр харажатлари» сўзини, унга киритилган харажатларнинг асл мазмунидан келиб чиқиб, «Муомала харажатлари» деб юритилиши лозим!

Муомала харажатларини савдо бажарадиган функцияларидан, савдода содир бўладиган иқтисодий, техник-технологик жараёнлар ва харажатларнинг иқтисодий табиатидан келиб чиқиб, икки турга бўлинади. Бунда савдонинг соф ижтимоий-иқтисодий функцияси, яъни олди-сотди жараёнини амалга ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига мансуб бўлган техник-технологик функцияларни бажаришдан келиб чиқиб, муомала харажатлари соф муомала харажатлари ва қўшимча муомала харажатларига ажратилади.

Соф муомала харажатлари – бу харяжатлар товар қийматини айирбошлаш, яъни олди-сотди жараёни (Т-П; П-Т) билан боғлиқ (пул, кредит, молиявий муносабатларга сарфлар, ҳисоб-китоб билан боғлиқ реклама га ва бошқа тўловлар ва харажатлар) киради.

Қўшимча харажатларга товарларни ташиш, қадоқлаш, сақлаш, саралаш, ишлов бериш ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнига яқин харажатлар киради.

Амалиётда муомала харажатлари соф ва қўшимча турларда ҳисоботи юритилмайди. Уларнинг миқдорини махсус танлов тадқиқотлари асосида тахминан ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Савдо соҳасида умумий харажатлар таркиби

12.1.1-чизма



Муомала харажатлари таркибини ўрганиш амалиётда шундан дарак беради-ки, унинг таркибида соф муомала харажатларини ҳиссаси ортиб бориш тенденциясига эга. Чунки ҳаётда бир томондан, савдо фаолиятининг сервис фаолиятига эга ва маданият кундан-кунга талаб ортиб бориши қонуниятга айланиб бормоқда. Иккинчи томондан ишлаб чиқариш жараёнида техник-технологик жараёнларни такомиллаштириш, илмий-техник тараққиётни жорий қилиниши олдин савдо жараёнида бажариладиган ишлаб чиқаришга тааллуқли техник-технологик функцияларни қисқаришига ва уларни ишлаб чиқариш корхоналарида бажарилишига олиб келмоқда (товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва ўраш, уларни ташиш, сақлаш ва сотиш даврида йўқотилиши билан боғлиқ ва бошқа харажатлар). (Буларнинг таркибини кейинги параграфда (12.1.2) чуқурроқ кўриб чиқамиз).

Муомала харажатлари абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ҳисобга олинади, таҳлил қилинади ва режалаштирилади. Муомала харажатларининг абсалют кўрсаткичи сўмда, нисбий кўрсаткичлари унинг даражаси, яъни товар айланишига нисбатан фоиз ҳисобида, таркиби эса муомала харажатларининг умумий суммасида унинг алоҳида моддаларининг ҳиссаси фоизларда кўрсатилади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг умумий суммасига алоҳида моддаларнинг суммасини бўлиб юзга кўпайтириш орқали аниқланади.

Муомала харажатлари фақат савдола эмас, (улгуржи ва чакана) у ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа тармоқларда ҳам мавжуд бўлади, агарда улар истеъмол товарларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланса. Муомала харажатларининг оммавий овқатланиш соҳасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олди-сотди жараёни билан шуғулланувчи хўжалик субъектларида ҳам алоҳида ҳисоботи киритилади. Булардан ташқари, муомала харажати ҳар бир турдаги савдо билан шуғулланувчи бозорларда ҳам мавжуд,

лекин уларда уни ҳисоботи юритилмайди.

Ўзбекистон Республикасида муомала харажатларини ҳолатига назар солсак, охирги йилларда уни абсолют суммаси ва даражасини камайиб бериши кузатилади. Муомала харажатларининг ҳолати 12.1.1., 12.1.2. ва 12.1.3-жадвал маълумотларида келтирилган.

12.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2002--2006 йилларда товар айланиши ва муомала харажатлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2002	2003	2004	2005	2006
1.	Чакана товар айланиши жами млрд. сўм. Жумладан:	3786,3	4289,7	4787,5	5577,4	7453,8
	1.1. Чакана савдода	1069,6	1004,8	1151,3	1458,4	2072,4
	1.2. Оммавий овқатланишда	64,7	82,9	109,0	114,2	128,4
	1.3. Чакана савдо ва оммавий овқатланишда	1134,3	1087,7	1260,3	1572,6	2200,8
	1.4. Бозорларда	2652,0	3202,0	3527,2	4004,8	5253,0
2.	Муомала харажатлари – жами, млрд. сўм	99,2	109,1	105,8	41,3[1]	51,1[1]
	Жумладан: 2.1. Чакана савдо	86,7	91,7	86,3	31,8	41,1
	2.2. Оммавий овқатланишда	12,5	17,4	19,5	9,5	10,0
3.	Муомала харажатларини даражаси, % - жами	10,0	10,0	9,0	6,5[1] /3,0	6,5[1] /3,0

Жадвалнинг давоми

	$\left(\frac{2 \cdot 100}{1.3}\right)$					
	3.1. Чакана савдода $\left(\frac{2.1 \cdot 100}{1.1}\right)$	9,0	9,2	8,0	6,5[1] /3,0	6,5[1] /3,0
	3.2. Оммавий овқатланишда $\left(\frac{2.2 \cdot 100}{1.2}\right)$	23,0	20,7	21,1	23,5[1] /9,0	21,9[1] /8,0

* Маълумотлар микрофирма ва кичик корхоналарсиз келтирилган.

Манба: Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике «Торговля в Узбекистане 2005» и «Торговля в Узбекистане 2006» статистические сборники. Соответственно Т., 2006, 2007.

12.1.2-жадвал

Республика ҳудудлари бўйича муомала харажатлари даражасини динамикаси *

	Чакана савдода				
	2002	2003	2004	2005	2006
Чакана савдо товар айланишига нисбатан, %					
Ўзбекистон Республикаси	9,0	9,2	8,0	6,5	6,5
Қорақалпоғистон Республикаси	8,9	9,5	7,6	12,5	9,8
Вилоятлар:					
Андижон	13,2	11,7	10,1	3,7	5,6
Бухоро	11,9	6,3	4,6	3,4	3,1
Жиззах	10,8	11,7	6,3	5,1	4,4
Қашқадарё	9,5	8,1	10,4	6,5	4,0
Навоий	8,3	8,1	12,5	5,6	6,1
Наманган	8,5	9,7	9,0	8,6	6,1
Самарқанд	10,1	11,0	10,9	5,6	4,9
Сурхондарё	9,6	8,9	8,9	6,7	5,0

жадвалнинг давоми

Сирдарё	7,5	8,4	6,7	5,5	5,2
Тошкент	7,5	9,5	6,0	6,3	4,8
Фарғона	10,3	9,8	10,8	8,5	7,6
Хоразм	8,9	8,8	5,5	3,4	3,5
Тошкент ш.	9,8	12,2	8,9	7,3	8,2

* Маълумотлар микрофирма ва кичик корхоналарсиз келтирилган.

12.1.3-жадвал

Республика ҳудудлари бўйича муомала харажатлари даражасини динамикаси *

	Чакана савдода				
	2002	2003	2004	2005	2006
Оммавий овқатланишни умумий товар айланишига нисбатан, %					
Ўзбекистон Республикаси	23,0	20,7	21,1	23,5	21,9
Қорақалпоғистон Республикаси	12,2	13,6	18,2	13,2	14,1
Вилоятлар:					
Андижон	30,8	29,9	7,7	14,4	26,3
Бухоро	15,3	13,1	14,2	19,3	19,1
Жиззах	19,8	23,0	11,9	19,7	12,2
Қашқадарё	15,7	16,4	15,6	17,5	17,5
Навоий	29,7	27,9	15,7	28,1	21,9
Наманган	21,2	21,0	17,6	22,4	21,1
Самарқанд	28,1	33,0	19,1	20,9	15,3
Сурхондарё	13,2	14,0	11,8	15,9	15,3
Сирдарё	15,3	10,9	14,1	13,8	9,1
Тошкент	15,5	11,0	21,2	20,1	16,1
Фарғона	17,2	17,0	18,2	20,3	27,0
Хоразм	11,8	13,5	11,5	15,9	11,0
Тошкент ш.	28,6	27,1	27,4	29,2	26,8

* Маълумотлар микрофирма ва кичик корхоналарсиз келтирилган.

12.1.1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, республика миқёсида товар айланиши суммаси чакана савдода ва оммавий овқатланишда икки баробар ортган. Бунга баҳоларни ортиб боришини таъсири катта. Муомала харажатларининг суммаси ва даражасини ўзгариш тенденцияларига баҳолашни ўқувчилар семинарларда муҳокама қилишини тавсия қиламиз.

12.1.2 ва 12.1.3-жадваллар маълумотларидан кўриниб турибдики, муомала харажатлари динамикаси чакана савдода ҳам, оммавий овқатланишда ҳам умуман камайиш тенденциясига эга, лекин ҳудудлар бўйича ҳар хил кўринишлар мавжуд.

Муомала харажатларини даражаси ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Уни максимал даражаси 2006 йилда савдода 9,8 % – Қорақалпоғистон Автоном Республикасида, ўртача республикада эса – 6,5 %, оммавий овқатланишда 27,0 % – Фарғона вилоятида, ўртача республика бўйича – 21,9 % ташкил қилган.

Минимал даражаси чакана савдода 3,1 % – Бухоро вилоятида, оммавий овқатланишда – 9,1 Сирдарё вилоятида.

Муомала харажатларини максимал даражасини минимал даражадан фарқи чакана савдода 9,8–3,1=6,7 пунктни, оммавий овқатланишда 27,0–9,1=17,9 пунктни ташкил қилган.

Ушбу маълумотлар муомала харажатларининг вилоятлар, ҳудудлар миқёсида чуқур ўрганишни, уни илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқот қилишни, унга таъсир қилган омилларни аниқлашни ва унинг даражасини оптималлаштириш муаммоларини хал қилишни тақозо қилади.

12.2. Муомала харажатларининг таснифи

Биз юқорида айтганимиздек муомала харажатлари иқтисодий табиати, йўналтириш мақсадлари, савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг функцияларидан,

жадвалнинг давоми

Сирдарё	7,5	8,4	6,7	5,5	5,2
Тошкент	7,5	9,5	6,0	6,3	4,8
Фарғона	10,3	9,8	10,8	8,5	7,6
Хоразм	8,9	8,8	5,5	3,4	3,5
Тошкент ш.	9,8	12,2	8,9	7,3	8,2

* Маълумотлар микрофирма ва кичик корхоналарсиз келтирилган.

12.1.3-жадвал

Республика ҳудудлари бўйича муомала харажатлари даражасини динамикаси *

	Чакана савдода				
	2002	2003	2004	2005	2006
Оммавий овқатланишни умумий товар айланишига нисбатан, %					
Ўзбекистон Республикаси	23,0	20,7	21,1	23,5	21,9
Қорақалпоғистон Республикаси	12,2	13,6	18,2	13,2	14,1
Вилоятлар:					
Андижон	30,8	29,9	7,7	14,4	26,3
Бухоро	15,3	13,1	14,2	19,3	19,1
Жиззах	19,8	23,0	11,9	19,7	12,2
Қашқадарё	15,7	16,4	15,6	17,5	17,5
Навоий	29,7	27,9	15,7	28,1	21,9
Наманган	21,2	21,0	17,6	22,4	21,1
Самарқанд	28,1	33,0	19,1	20,9	15,3
Сурхондарё	13,2	14,0	11,8	15,9	15,3
Сирдарё	15,3	10,9	14,1	13,8	9,1
Тошкент	15,5	11,0	21,2	20,1	16,1
Фарғона	17,2	17,0	18,2	20,3	27,0
Хоразм	11,8	13,5	11,5	15,9	11,0
Тошкент ш.	28,6	27,1	27,4	29,2	26,8

* Маълумотлар микрофирма ва кичик корхоналарсиз келтирилган.

12.1.1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, республика миқёсида товар айланиши суммаси чакана савдода ва оммавий овқатланишда икки баробар ортган. Бунга баҳоларни ортиб боришини таъсири катта. Муомала харажатларининг суммаси ва даражасини ўзгариш тенденцияларига баҳолашни ўқувчилар семинарларда муҳокама қилишини тавсия қиламиз.

12.1.2 ва 12.1.3-жадваллар маълумотларидан кўриниб турибдики, муомала харажатлари динамикаси чакана савдода ҳам, оммавий овқатланишда ҳам умуман камайиш тенденциясига эга, лекин ҳудудлар бўйича ҳар хил кўринишлар мавжуд.

Муомала харажатларини даражаси ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Уни максимал даражаси 2006 йилда савдода 9,8 % – Қорақалпоғистон Автоном Республикасида, ўртача республикада эса – 6,5 %, оммавий овқатланишда 27,0 % – Фарғона вилоятида, ўртача республика бўйича – 21,9 % ташкил қилган.

Минимал даражаси чакана савдода 3,1 % – Бухоро вилоятида, оммавий овқатланишда – 9,1 Сирдарё вилоятида.

Муомала харажатларини максимал даражасини минимал даражадан фарқи чакана савдода 9,8–3,1=6,7 пунктни, оммавий овқатланишда 27,0–9,1=17,9 пунктни ташкил қилган.

Ушбу маълумотлар муомала харажатларининг вилоятлар, ҳудудлар миқёсида чуқур ўрганишни, уни илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқот қилишни, унга таъсир қилган омилларни аниқлашни ва унинг даражасини оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилишни тақозо қилади.

12.2. Муомала харажатларининг таснифи

Биз юқорида айтганимиздек муомала харажатлари иқтисодий табиати, йўналтириш мақсадлари, савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг функцияларидан,

савдога кўрсатиладиган бошқа тармоқларнинг хизмати турларидан, ҳисобот нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳажми ва таркиби бўйича ҳар хилдир.

Муомала харажатларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

– тармоқлар ва соҳалар бўйича;

– истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича;

– бажариладиган функциялар ва вазифалар бўйича;

– йўналтирилиш мақсадлари бўйича;

– муомала харажатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича;

– харажатларни турлари (номенклатураси) бўйича.

Муомала харажатларини таснифланиш белгилари бўйича таснифлаб чиқамиз.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича:

– ишлаб чиқариш тармоқларида;

– қишлоқ хўжалик субъектларида;

– чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи бошқа тармоқларда;

– ишлаб чиқариш воситаларини айирбошлаш соҳасида;

– истеъмол товарларини айирбошлаш соҳасида;

– ташқи савдо соҳасида.

Истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича:

– савдо соҳасида (чакана ва улгуржи савдода);

– оммавий овқатланиш соҳасида;

– махсус қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчи ва сотувчи хўжалик субъектларида;

– микрофирмалар ва кичик корхоналарда. Булар харажатлар тўғрисида статистик ҳисобот топширмайдилар;

– фермер ва деҳқон хўжаликлари. Буларда маҳсулотларни сотиш билан (улгуржи ёки чакана) боғлиқ харажатлари мавжуд.

Савдонинг функциялари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда:

– [illegible]

– [illegible] билан;

– операцион ва маъмурий бошқарув.

Йўналтириш мақсадлари бўйича:

– ходимлар иш ҳақи;

– бошқа тармоқлар хизмати ҳақи;

– моддий харажатлар;

– моддий йўқотишлар;

– солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва ижтимоий суғурта;

– бошқа харажатлар.

Муомала харажатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича (ушбу турдаги харажатлар бўйича соф ва қўшимча харажатлар каби алоҳида ҳисобот юритилмайди, бундай таснифлаш муомала харажатларининг турларидан келиб чиқиб, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўлланилади):

- шартли-ўзгарувчан;

- шартли-ўзгармас.

Буларнинг таснифини 12.3-§да батафсил кўриб чиқамиз. **Муомала харажатлари турлари (номенклатураси) бўйича.** Бундай таснифлашда муомала харажатлари фаолиятга йўналтирилишига қараб моддаларга бўлинади. Статистика ҳисоботида (5-с (савдо шакли)[1] муомала харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган:

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар:
улардан темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш;
иш ҳақи харажатлари;
ижтимоий суғурта харажатлари;
савдо эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш:
шу жумладан:

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган.

жорий таъмирлаш харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
ижара тўлови;
асосий воситалар аммортизацияси;
ёқилғи, газ ва электр энергия харажатлари;
товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари;
савдо рекламаси харажатлари;
ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши;
тара харажатлари;
инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш ва бошқа харажатлар (таъмирлаш, ювиш, тузатиш ва бошқа харажатлар);
ўз транспорти харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар;
давлат мақсадли фондларига ажратмалар (ижтимоий суғурта ажратмаларидан ташқари);
бошқа харажатлар: банк кредитлари ва бошқа молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат сафари харажатлари; улардан: кунлик чиқимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари тўлови; бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низом бўйича давр харажатлари таркибидаги сотиш харажатлари – 22-моддага, маъмурий харажатлар – 15-моддага ва бошқа операция харажатлари – 21-моддага ажратилган.

12.3. Муомала харажатларига таъсир қилувчи омиллар

Муомала харажатларининг суммаси ва нисбий кўрсаткичлари табиатдан ўзгарувчан ҳисобланади. Унинг суммасига ва даражасига кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ушбу омилларнинг айримлари унинг суммаси ва даражасининг ортишига олиб келса, айримларни уларнинг қисқаришига олиб келади. Бу омилларнинг бири савдо корхоналари ва шаҳобчалари фаолиятига бевосита боғлиқ, бошқалари эса улар фаолиятидан келиб чиқмайди, яъни ташқи омиллардир.

Муомала харажатларининг даражаси ҳудудлар, савдо корхоналари, турлари унинг шахобчаларининг типлари бўйича бир-биридан фарқланади, чунки транспорт коммуникацияси, турлари, йўл шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ҳудудлараро жойлашиши, уни ривожланиш даражаси, савдо корхоналарини ва шаҳобчаларининг жойлашиши (дислокацияси); аҳолининг харид қилиш қобилияти, товар айирбошлаш тезлиги, товар айланишининг ҳажми ва таркиби, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳар хилдир. Шунинг учун муомала харажатларининг сумма ва даражаси замонда ва маконда барқарор хусусиятга эга эмас.

Муомала харажатларига таъсир қилувчи, савдо фаолиятидан боғлиқ бўлган омилларга савдони ташкил қилиш даражаси, иқтисодий ва тижорий (коммерция) ишларнинг ҳолати, савдо корхонаси ёки шахобчаси хусусий ва қарз маблағларининг миқдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланиши ҳажми ва таркиби, товар айирбошлаш тезлиги, ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги, қўлланилаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш тизими кабилар киради.

Савдо фаолиятидан келиб чиқмайдиган омилларга баҳо ва таърифлар, фойдаланилаётган транспорт турлари, йўл шароити, ҳар хил солиқлар ва тўловлар миқдори, банк фоизлари миқдори, ижара миқдори, инфляция даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда объектив ва субъектив омилларга ажратиб ўрганишни тавсия қиламиз.

Объектив омиллар таркибига, бизнинг фикримизча уларнинг таъсир даражасини статистик нуқтаи назардан

ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд кўрсаткичларни киритиш зарур.

Субъектив омиллар – булар инсон омили билан боғлиқ, яъни савдо ходимларининг маҳорати, билимдонлиги, кўникмалари, тадбиркорлиги (ишбилармонлиги), жавобгарликни ҳис қила билиши, тезкор хизмат қилиши ва ҳозиржавобгарлиги каби хислатларига боғлиқ фаолият натижалари ҳисобланади. Амалиётда муомала харажатларига таъсир қилувчи омиллар бундай таснифлаб ҳисоб-китоб, таҳлил қилинмайди ҳам, режалаштирилмайди ҳам. Лекин илмий талқиқотларда амалиётда уни таҳлил қилишда бундай таснифлаб ўрганиш фойдадан холи эмас.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– товар айланиши ҳажми (чакана товар айланиши, улгуржи товар айланиши, оммавий овқатланишда - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг умумий товар айланиши ҳажми;

– товар айланишини таркиби (ассортименти)ни ўзгариши (оммавий овқатланишда - маҳсулот турлари, товар айланиши турлари (сотиб олинган товарлар қамда ўз маҳсулотини сотиш билан боғлиқ товар айланиши) ҳамда ассортименти;

– товар айирбошлаш тезлиги (кунларда ва маротаба);

– истеъмол товарларига баҳони ўзгариши;

– савдога хизмат кўрсатувчи соҳаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алоқа, аудит ва бошқалар;

– моддий ресурслар баҳосини (қоғоз, инвентарлар, тара материаллари, хўжалик буюмлари, махсус кийимкечаклар, қадоқлаш (ўраш), биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;

– солиқлар, тўловлар, ижтимоий суғурталар миқдорини ўзгариши;

– банк ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узоқ муддатли кредитлари бўйича фоизларини ўзгариши;

– тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизларни ўзгариши;

– қисқа муддатли кредитлар фоизини ўзгариши;

– ходимлар сонини ўзгариши;

– минимал иш ҳақи ва нафақалар миқдорини ўзгариши;

– савдо шаҳобчаларида савдо-технологик жараёнларини такомиллаштирилиши;

– товар айирбошлаш жараёнидаги иштирокчилар сонини ўзгариши, яъни товарларни силжитиш бўғинлари сонини ўзгариши ва ҳоказолар.

12.4. Муомала харажатларини иқтисодий таҳлили

Муомала харажатлари таҳлили мунтазам ва узлуксизлик (ой, квартал, йил) ўтказилиб борилиши лозим. Чунки уни суммаси ва даражасини ўзгарилиш миқдори савдо корхоналари ҳамда шахобчаларини самарадорлигига бевосита таъсир қилади.

Муомала харажатларини таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

– муомала харажатлари бўйича тузилган режани умумий ҳажмини, таркибини (моддалар бўйича) бажарилишини ўрганиш (абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича);

– муомала харажатларини умумий ҳажмини ва таркибини бир неча йилларга (3–5 йил) ўзгариш суръатларини (абсолют ва нисбий кўрсаткичлар бўйича) кузатиш;

– муомала харажатларини суммаси ва даражасига таъсир қилувчи омилларни таъсир даражасини аниқлаш;

– унумсиз харажатларни вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– таҳлил натижаси бўйича хулосалар қилиш ва келгуси даврга тузиладиган режалар учун таклифлар тайёрлаш.

Таҳлил қилиш учун тегишли дазрдаги ахборотлар ишлатилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори, тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва бошқаларнинг қарорлари ва топшириқлари;

– оператив маълумотлар (савдо корхоналарининг оператив ҳисоботлари, мутахассисларни кузатувлари, бухгалтерия, маркетинг бўлимларини оператив ҳисоботлари, рўзнома ва ойномаларда ушбу корхонага ёки унинг конкурентлари ва алоқадор хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар кабилар);

– бухгалтерия ҳисоботи (бухгалтерия баланси 1-сонли шакл);

– молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;

– харажатлар тўғрисидаги ҳисобот 8-сонли шакл;

- статистик ҳисоботлар – «Корхоналар харажатлари тўғрисида 5-с (савдо шакли)», «Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида 3-савдо шакл», «Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида 1-савдо шакли», «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида 4-савдо шакли», «Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида 5-Ф шакли» кабилар.

Муомала харажатларини таҳлили ҳам бошқа кўрсаткичлар таҳлили каби алоҳида кетма-кет бажарилиши лозим бўлган босқичлардан иборат бўлади. Уларни кетма-кет бажарилиши таҳлил жараёнини мантиқий мазмунини таъминлайди.

Уларга қуйидагиларни киритиш лозим бўлади:

– ахборотлар ва маълумотларни тўплаш;

— ахборотлар ва маълумотларга ишлов бериш (уларни тегишли жадвалларга жойлаштириш, солиштирма юзага келтириш ва бошқалар);

— муомала харажатларига тегишли ва алоқадорлар кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинаётган даврга режаларни бажарилиши;

— муомала харажатларига тегишли ва алоқадор кўрсаткичларни бир неча йиллар (ой, квартал)га ўзгариш суръатларини ўрганиш;

— муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни уни суммаси ва даражасини ўзгаришига таъсирининг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;

— таҳлил натижаси бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлаш.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда ҳар хил статистик, иқтисодий математик ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш зарур: солиштириш, гуруҳлаш, техник-иқтисодий ҳисоблар, индекс, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик тадқиқот кабилар.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади.

I. Муомала харажатларини абсолют суммасини ўзгариш миқдори

Муомала харажатларини режадаги ва ҳақиқий суммасини фарқи (+;-) уларнг абсолют ортиқча харажати ёки тежами (ΔМх) деб юритилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\pm\Delta Мх = Мх^{I} - Мх^{P}$$

бу ерда: «I» ва «р» — тегишлича ҳақиқий ва режадаги даврни билдиради.

Шунга ўхшаш ҳолда муомала харажатлари суммасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини ҳам

аниқлаш мумкин. Бунда, «$Mx^{р}$» ўрнига «$Mx^{і}$» ёки «$Mx^{б}$» белгиларини ишлатиш лозим бўлади. Бу ерда, «і» - ўтган йиллардан бири, «б» — базис йили билан солиштирилаётган йил маълумоти ишлатилади.

II. Муомала харажатлари суммасининг нисбий миқдори

Муомала харажатларини таҳлил қилишда унинг суммаси ўзгаришининг нисбий миқдорини аниқлаш муомала харажатларини ўзгаришига реал баҳо беришни таъминлайди. Чунки муомала харажатларининг режадаги суммаси режада мўлжалланган товар айланиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган бўлиб, у ҳақиқий товар айланиш миқдорини ҳисобга олмайди. Шу сабабли режадаги муомала харажатлари суммаси ($Mx^{р}$) ҳақиқий товар айланиши суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади ($Mx^{р}_{ҚҚ}$). Ушбу сумма қуйидагича аниқланади.

$$Mx^{р}_{кх} = \frac{У^{р}_{мх} \cdot TA^{і}}{100}; \text{ унинг даражаси } Умх^{ркх} = \frac{MX^{р}_{кх}}{TA^{р}};$$

Муомала харажатлари суммасини нисбий миқдори тенг бўлади.

$$\pm\Delta M^{р}_{ҚҚ} = MX^{/} - MX^{р}_{ҚҚ} \quad \text{ёки} \quad \pm\Delta M^{р}_{кх} = \frac{\Delta У^{р}_{мх} \cdot TA^{і}}{100};$$

Муомала харажатлари динамикасини ўрганишда ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган тегишли даврга олинади («р», «і», «б»).

III. Муомала харажатларини нисбий даражаси (Умх)ни ўзгариш миқдори

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

1. Ҳисобот йилида муомала харажатини нисбий ортиқча ёки ўзгариш тежами даражаси

$$\pm\Delta У^{р}_{мх} = \frac{MX^{і} \cdot TA^{і}}{100} - \frac{MX^{р}_{кх} \cdot TA^{і}}{100} = У^{і}_{мх} - У^{ркх}_{мх};$$

2. Муомала харажати даражасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариши

$$\pm \Delta У^{i}_{мх} = У^{'}_{мх} - У^{i}_{мх} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta У_{мх} = \frac{МХ^{'} \cdot 100}{ТА^{'}} - \frac{МХ^{i} \cdot 100}{ТА^{i}};$$

3. Базис йили билан солиштирилмаси

$$\pm \Delta У^{б}_{мх} = У^{'}_{мх} - У^{б}_{мх} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta У_{мх} = \frac{МХ^{'} \cdot 100}{ТА^{'}} - \frac{МХ^{б} \cdot 100}{ТА^{б}};$$

IV. Муомала харажати даражасининг ўзгариш суръати (темпаси)

Ушбу кўрсаткич ҳисобот йилидаги муомала харажатлари даражасини режадаги, ўтган йиллардаги ёки базис йилдаги миқдорларга нисбатан фоиз ҳисобида (Умх^{ўс}) ёки индексларда ($J_у$) ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

1. Режадаги даражасига нисбатан

$$У^{ус.р}_{мх} = \frac{(У_{мх}^{\ 1} - У_{мх}^{\ р}) \cdot 100}{У^{рж}_{мх}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У_{мх}^{\ 1} - У^{рж}_{мх}}{У^{рж}_{мх}}$$

2. Ўтган йилларга нисбатан

$$У^{ус.i}_{мх} = \frac{(У_{мх}^{\ 1} - У^{i}_{мх}) \cdot 100}{У^{i}_{мх}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У^{1}_{мх} - У^{i}_{мх}}{У^{i}_{мх}}$$

3. Базис йилга нисбатан

$$У^{ус.б}_{мх} = \frac{(У^{1}_{мх} - У^{б}_{мх}) \cdot 100}{У^{б}_{мх}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У^{1}_{мх} - У^{б}_{мх}}{У^{б}_{мх}}$$

Ушбу кўрсаткичлар муомала харажатларини ўзгаришида рўй браётган интенсив ҳолатни билдиради.

V. Муомала харажатлари ҳажмида унинг моддалари ҳиссаси

Ушбу кўрсаткич муомала харажатлари моддалари суммасини 100,0 кўпайтириб унинг умумий суммасига

бўлиш орқали аниқланади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг таркиби деб юритилади.

Юқорида келтирилган (I—V) кўрсаткичлар муомала харажатларининг моддалари бўйича ҳам ҳисобланади.

Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражасининг таҳлилини шартли мисолида кўриб чиқамиз.

12.4.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда чакана товар айланиши ва муомала харажатларининг суммаси ортиб бориш тенденциясига эга. Бу ҳол режага нисбатан ҳам тегишлича 104,7 % ва 102,9 %, ўтган йилга нисбатан ҳам тегишлича 110,5 % ва 107,8 %ни ташкил қилган.

Муомала харажатларини даражаси эса қисқариш тенденциясига эга, бу кўрсаткич (ўзгариш суръати) режага нисбатан $\left(\frac{9,020-9,607}{9,607}x100=\frac{-0,587}{9,607}x100\right)$ -6,131%≈6,1 %.

Ўтган йилга нисбатан $\left(\frac{9,020-9,250}{9,250}x100=\frac{-0,230}{9,250}x100\right)$ -2,486 %≈ 2,5 % ташкил қилган.

Жадвалдаги маълумотнинг 2,2-бандига эътибор берсангиз, режага нисбатан муомала харажатларининг ўзгариш суръати 98,3 %ни ташкил қилганлигини, яъни камайиш суръати — 1,7 % ташкил қилганини кўрамиз. Ушбу ҳолда товар айланишининг ўзгариш миқдори ҳисобга олинмаган. Лекин муомала харажатларининг суммаси (шартли ўзгарувчан қисми ҳисобидан) товар айланишининг ортиши билан, пропорционал бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда ортиб боради. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткични аниқлашда муомала харажатларининг режадаги даражасига ўзгартиришлар киритилади.

12.4.1-жадвал

Савдо корхонаси муомала харажатларини таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Ўзгариш суръати			
				режа	ҳақиқатда	режадан	ўтган йилдан	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Чакана товар айланиши	млн. сўм	9028,0	9528,0	9976,0	+448,0	+948,0	104,7	110,5
2	Муомала харажатлари: 2.1. Суммаси 2.2. Даражаси	млн. сўм %	835,09 9,250	874,29 9,176	899,84 9,020	+25,55 -0,156	+64,75 -0,230	102,9 98,3	107,8 97,5
3	Муомала харажатларидан 3.1. Шартли ўзгарувчан 3.2. Шартли ўзгармас	млн. сўм млн. сўм	501,05 334,04	524,57 340,72	559,12 340,72	+34,55 --	+58,07 +66,8	106,6 100,0	111,6 102,0
4.	Муомала харажатларининг ўзгартириш киритилган суммаси, режа бўйича 4.1. Унинг даражаси $\left(\frac{9,176 \cdot 9976}{100} = 9,607\right)$	млн. сўм %	835,09 9,250	915,39 9,607	899,84 9,020	-15,55 -0,587	+64,75 -0,587	98,3 93,9	107,8 97,5

жадвалнинг давоми

11	Баҳони ўзгариши натижасида муомала харажатлари даражасини ўзгариш миқдори $\left(\frac{559,12 \cdot 100}{9976,0} - 5,986 = 5,605 - 5,986 = -0,381\%\right)$	%	–	–	–	-0,381	–	–	–

ИЗОҲ: Баҳолар индекси ЎзР Президентининг 8 февраль 2008 йил ЎзРВМнинг «2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» мавзусидаги маърузасида келтирилган инфляция даражаси (6,8 %)га тенглаштириб олинди (муаллиф томонидан). Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль №28 (4438).

жадвалнинг давоми

5.	Муомала харажатлари суммаси ўзгаришининг нисбий миқдори 5.1. унинг даражаси	млн. сўм %	–	– –	– –	-15,55 -0,587	– –	– –	– –
6.	Муомала харажатларини шартли ўзгармас қисмини даражаси	%	3,700	3,576	3,415	-0,161	-0,285	95,5	92,3
7.	Чакана товар айланиши суммасини 448,0 млн. сўмга ортиши муомала харажатлари даражасини камайтириш миқдори	%	–	–	–	-0,161	–	–	–
8.	Баҳолар индекси	Jp	–	–	1,0681	–	–	–	–
9.	Чакана товар айланиши солиштирма баҳоларда	млн. сўм	–	–	9340.8	–	–	–	–
10	Муомала харажатларини шартли ўзгарувчан қисмини солиштирма баҳодаги чакана товар айланмасига нисбатан даражаси	%	–	–	5.986	–	–	–	–

Муомала харажатларини юқорида айтганимиздек режага нисбатан ҳам, ўтган йилга нисбатан ҳам абсолют суммаси айтган. Унинг абсолют миқдори режага нисбатан +25,55 млн. сўмга, ўтган йилга нисбатан эса +64,75 млн. сўмга ортган.

Ҳисобот йили учун муомала харажатлари суммасини (товар айланиши ўзгаришига қараб) нисбий миқдорини аниқласак, товар айланишини (режада – 9528,0 млн. сўм) ҳисобга олган ҳолда режадаги суммаси 874,29 млн. сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Ҳақиқатда товар айланиши суммаси 9976,0 млн. сўмни ташкил қилган. Муомала харажатларини режадаги даражаси ва ҳақиқий товар айланиш суммасидан келиб чиқиб муомала харажатларини режадаги суммасини аниқласак, у $\left(\frac{9,176 \cdot 9976,0}{100}\right)$915,39 млн. сўмини ташкил топиши керак бўлган.

12.4.1-жадвал маълумотларидан кўринииб турибдики, таҳлил қилинган даврда чакана товар айланиши ва муомала харажатларининг суммаси ортиб бориш тенденциясига эга. Бу ҳол режага нисбатан ҳам тегишлича 104,7 % ва 102,9 %, ўтган йилга нисбатан ҳам тегишлича 110,5 % ва 107,8 %ни ташкил қилган.

Муомала харажатларининг даражаси эса қисқариш тенденциясига эга, бу кўрсаткич (ўзгариш суръати) режага нисбатан $\frac{9,020-9,607}{9,607} \cdot 100 = \frac{-0,587}{9,607} \cdot 100)$ -6,131 % ≈6,1 % ўтган йилга нисбатан $\frac{9,020-9,250}{9,250} \cdot 100 = \frac{-0,230}{9,250} \cdot (100)$-2.486 % ≈ 2,5 % ташкил қилади.

Жадвалдаги маълумотни 2.2-бандига эътибор берсангиз режага нисбатан муомала харажатларини ўзгариш суръати 98,3 %ни ташкил қилганлигини, яъни камайиш

суръати 1,7 %ни ташкил қилганини кўрамиз. Ушбу ҳолда товар айланишини ўзгариш миқдори ҳисобга олинмаган. Лекин муомала харажатларининг суммаси (шартли ўзгаувчан қисми ҳисобидан) товар айланишининг ортиши билан, пропорционал бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда ортиб боради. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткични аниқлашда муомала харажатларининг режадаги даражаси корректировка қилинади.

Муомала харажатларини юқорида айтганимиздек режага нисбатан ҳам, ўтган йилга нисбатан ҳам абсолют суммаси ортган. Унинг абсолют миқдори режага нисбатан +25,55 минг сўмга ўтган йилга нисбатан эса 164,75 минг сўмга ортган.

Ҳисобот йили учун муомала харажатлари суммасини (товар айланиш ўзгаришига қараб) нисбий миқдорни аниқласак, товар айланишини (режада 9528,0 минг сўм) ҳисобга олган ҳолда режадаги суммаси 874,29 минг сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Ҳақиқатда товар айланиши суммаси 9976,0 минг сўмни ташкил қилган. Муомала харажатларининг режадаги даражаси ва ҳақиқий товар айланиш суммасидан келиб чиқиб муомала харажатларини режадаги суммасини аниқласак, у $(\frac{9{,}176 \cdot 9976{,}0}{100})$ 915,39 млн. сўмни ташкил топиши керак бўлади. Бу ҳолда муомала харажатларининг суммасини нисбий ўзгариш (тежаш) миқдори – (899,84–915,39) – 15,55 минг сўмни ташкил қилганининг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳисоб-китоблар натижасида муомала харажатлари даражасининг нисбий ўзгариш миқдори (9,020–9,607) – 0,587 %ни ташкил қилади, яъни уни тежалиш даражаси жадвалнинг 2.2-бандидаги – 0,230 % эмас, – 0,587 % экан.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда ҳамда режалаштиришда унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини сон меъёрини ҳисоб-китоб қилиш зарур. Биз 12.3-§да муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни мазмунини ёритганмиз. Уларнинг айримларини

муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш усулларини кўриб чиқамиз.

Товар айланишининг умумий ҳажми ва унинг таркиби (ассортименти)

Товар айланишининг умумий ҳажми ортиши билан одатда, муомала харажатлари даражасининг камайиши кузатилади, чунки товар айланиши пропорционал суръатда бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда муомала харажатларидан тезроқ суръатларда ортиб боради. Бунда муомала харажатларини моддалари товар айланишга нисбатан ҳар хил даражада ўзгариб боради. Ушбу нуқтаи назардан муомала харажатлари «шартли ўзгарувчан» ва «шартли-ўзгармас» гуруҳларига ажратилади.

Товар айланиши ортиб бориши билан «шартли-ўзгарувчан» (транспорт харажатлари: иш ҳақи; банкнинг қисқа муддатли кредитлари фоизи каби) харажатлар қандайдир (корреляцион боғлиқликда) миқдорда ортиб боради. Худди шундай шароитда «Шартли-ўзгармас» (ижара, жорий таъмирлаш, бинолар, иншоотлар, хоналар ва жиҳозларни сақлаш, амортизация, маъмурий бошқарув каби) харажатлар суммаси одатда, ўзгармайди ва уларни даражаси табиий қисқариб бориш тенденциясига эга бўлади.

Лекин, амалда товар айланишини ўзгариши «шартли-ўзгарувчан» харажатларнинг доимо ортиб боришига, «шартли ўзгармас» харажатларни ҳар доим бир хил миқдорда туришига олиб келмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бошқа тенденциялар кузатилиши ҳам мумкин, шунинг учун ҳам харажатларнинг тақсимланиши «шартли» деб юритилади. Ушбу харажатларни айрим моддалари ва элементлари товар айланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бошқа омиллар таъсири остида у ёки бу томонга ўзгариши мумкин. Шу сабабли таҳлил қилиш жараёнида ундай ҳолатлар рўй берган бўлса, улар эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Товар айланишини муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш усули 12.4.1-жадвалда келтирилган. Бизнинг мисолда ҳисобот йили даврида чакана товар айланишини +448,0 млн. сўмга ижобий ўзгариши, муомала харажатларини (шартли ўзгарувчан харажатлар даражасини қисқартириш орқали) умумий даражасини — 0,161 % камайишига олиб келган деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар хил товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга силжитиш жараёни ҳар хил шароитда амалга оширилади ва тегишлича уларга сарфланган жонли ва жонсиз меҳнат миқдорини пулдаги ифодаси ҳар хил миқдорда шаклланади. Бунга товарлар ассортиментини физик-кимёвий хусусиятлари, уларни ташиш, сақлаш, ишлов бериш, саралаш, жойлаш харажатлари, ушбу жараёнларда уларни йўқотилиши, тара харажатлари, иш ҳақи учун ишлатиладиган расценкалар (товар ассортиментлари бўйича) ва бошқалар таъсир қилади.

Ушбу омилни таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун товар гуруҳлари бўйича муомала харажатларини миқдори (даражаси) маълум бўлиши керак. Бундай кўрсаткичлар назарий жиҳатдан мумкин бўлса ҳам амалиётда ҳисоб-китоб қилиш мушкул. Бундай таҳлил эксперт баҳолаш, монографик тадқиқотларда алоҳида товар гуруҳлари савдосига ихтисослашган, махсус савдо шахобчалари маълумотларини ишлатиш асосида ўтказилиши мумкин.

Ушбу таҳлилни ўтказиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

12.4.2-жадвал

Товар айланиш таркибини муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоби

(суммаси млн. сўм)

Т/р	Товар гуруҳлари номи	Товар айланиши суммаси ёки таркиби		Товар гуруҳлари бўйича муомала харажатлари даражаси, %	Муомала харажатлари суммаси ёки фоиз сони	
		ўтган йил	ҳисобот йили		ўтган йил	ҳисобот йили
А	Б	1	2	3	4	5
1.	Озиқ-овқат товарлари					
	Товар гуруҳлари келтирилади					
2.	Ноозоқ-овқатлар: товар гуруҳлари келтирилади					
3.	Жами товарлар бўйича	9028,0	9976,0	Х	835,09	914,21

Изоҳ: Маълумотлар 12.4.1-жадвалдан олинган.

Масалан, айтайлик ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот йилининг муомала харажатлари товар айланишининг ҳақиқий таркибини инобатга олганда 914,21млн. сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Унинг даражаси $\frac{914,21 \cdot 100}{9976,0} = 9,164\%$. Товар айланиш таркибини ўзгарниш натижасида бошқа шароитлар бир хил

деб ҳисобланганда муомала харажатларини даражаси (9,164-9,250) – 0,086 пунктга камайишга олиб келиши мумкин бўлган. Ушбу омил натижасида муомала харажатлари даражасини ўзгариш суръати $\left(\frac{9,164-9,250}{9,250}x100\right)$ 9,297 %ни ташкил қилади.

Товар айланишининг умумий ҳажми бир томондан, сотилган товарлар миқдоридан (сонидан), иккинчи томондан истеъмол товарлари баҳосидан боғлиқ бўлади. Баҳо ортса товар айланиши ҳажми ортади, баҳо камайса тескари ҳол юз беради. Шу сабабли баҳо муомала харажатларининг даражасига бевосита эмас, билвосита, товар айланиши орқали таъсир қилади.

Муомала харажатларига баҳони таъсирини ўрганишда муомала харажатлари моддаларини баҳодан боғлиқ бўлмаганлар ва боғлиқ бўлганларга ажратиш зарур бўлади. Муомала харажатларини баҳодан боғлиқ бўлмаган турларига товар айланиши ҳажмига кам боғлиқ бўлган, яъни барча «шартли ўзгармас» харажатлар ва улар қаторига транспорт, товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш), тара харажатлари киритилиши лозим. Чунки ушбу харажатлар суммаси баҳо ўзгариши билан ўзгармай қолади, лекин уларни даражаси қисқаради. Қолган харажатлар даражаси баҳо ўзгаришига нисбатан тегишли даражада ўзгаради. Шундай қилиб муомала харажатлари суммасини баҳодан боғлиқ бўлмаган қисми баҳони ўзгаришн билан ўзгармай қолади ва бундай харажатларнинг даражаси баҳони ўзгаришдан боғлиқ бўлади, яъни баҳо ортса бу харажатлар даражаси камаяди, агар баҳолар камайса муомала харажатларининг ушбу қисмининг даражаси ортади. Бу харажатларнинг суммаси баҳога боғлиқ бўлмаса ҳам, уларнинг даражаси боғлиқ ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, 12.4.1-жадвал маълумотлари асосида баҳони муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китобини кўриб

чиқамиз. Бу холда бизлар муомала харажатларининг баҳодан боғлиқ бўлмаган моддалари суммасини жадвалда келтирилган «шартли-ўзгарувчан» харажатлар суммасига шартли даражада тенг деб олдик.

Баҳолар индекси 1,068 бўлган ҳолда товар айланишини ҳисобот йилдаги ҳақиқий суммаси солиштирма баҳоларда, яъни баҳо ўзгармади деб ҳисоблаган қолда 9976,0:1,068=9340,8 млн. сўм. Муомала харажатларини баҳодан боғлиқ бўлмаган моддаларининг суммаси ҳақиқатда 559,12 млн. сўм деб олинди. Унинг ҳақиқий даражаси $\frac{559,12 \cdot 100}{9976,0} = 5,605\%$. Ушбу кўрсаткич солиштирма баҳоларда $\frac{559,12 \cdot 100}{9340,8} = 5,986\%$ ёки 5,605·1,068=5,986%. Ушбу маълумотлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Агарда ҳисобот йилида истеъмол товарларига баҳолар 6,8 % ортмаганда муомала харажатларини баҳодан боғлиқ бўлган моддаларини даражаси 5,605% эмас, балки 5,986%ни ташкил қилган бўлар эди. Шундай қилиб бақони 6,8 % ортиши натижасида муомала харажатларининг даражаси – 0,381 пунктга (5,605-5,986) камайган, уни ўзгариш суръати $\frac{-0,381 \cdot 100}{5,605} = -6,797\%$. Бу демак, баҳони ҳар 1,0 % миқдорга ортиши, бошқа шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда муомала харажатлари даражаси $\frac{-6,797 \cdot 100}{6,800} = -0,999 \approx -1,0\%$ камайишига олиб келиши мумкинлигини билдиради. Бундай кўрсаткичлардан муомала харажатларини қисқа ва узоқ муддатларга прогноз қилишда фойдаланиш мумкин.

Муомала харажатларига савдога хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар ва соҳаларининг маҳсулоти (иши, хизмати)га баҳолар ва таърифларни ўзгариш бевосита, унинг тегишли моддаларини суммаси ва даражасига

таъсир қилади. Уларнинг баҳолари ва таърифларини ўзгариши харажатларни суммаси пропорционал равишда, даражасини тегишли миқдорда ўзгаришига олиб келади. Бундай тармоқлар ва соҳаларга транспорт, алоқа, коммунал хизматлари, электр, газ, ёқилғи тармоқларини киритиш мумкин. Уларни таъсир қилиш миқдорини техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ёки индекслар орқали аниқлаш мумкин. Масалан, ҳисобот йилидаги харажатлар суммасини (тегишли модда ёки унинг элементлари бўйича) режалаштирилаётган баҳо ёки таърифнинг индексига кўпайтириш.

Муомала харажатларига товар айирбошлаш тезлиги кўрсаткичини ўзгариши ҳам таъсир қилади. Товар айирбошлаш тезлиги муомала харажатларининг «банк кредитлари бўйича фоизлар», «товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш)», «ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» каби моддалари суммасини у ёки бу томонга ўзгаришига бевосита таъсир қилади ҳамда товар айланиш ҳажмининг орттириш ҳамда камайтириш сабабларидан бири сифатида билвосита муомала харажатларини даражасига таъсир қилади.

Масалан, товар айирбошлаш тезлиги 80 кунга режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда у 76 кунга тенг бўлди десак, муомала харажатларини банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг даражаси 0,676 % миқдорда белгиланган бўлса, ушбу харажатлар даражаси товар айирбошлаш тезлиги 76 кунни ташкил қилган ҳолда $\frac{0,676 \cdot 76}{80} = 0,642\%$ тенг бўлади, яъни товар айирбошлаш тезлиги 4 кунга қисқариши натижасида муомала харажатлари 0,642−0,676=-0,034 пунктга камайган бўлади. Агар ҳақиқий товар айирбошлаш суммаси 9976,0 млн. сўмга тенг десак, унда муомала харажатларини суммаси $\frac{9976 \cdot (-0,034)}{100} = -3,392 \approx 3,4$ млн. сўмга камай-

ган бўлади.

Ушбу ҳисобларни товар айирбошлашнинг тезлигини ортиш натижасида банк кредитларига бўлган эҳтиёжини қисқариш миқдорини аниқлаш ва банк фоизлари орқали ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, бизнинг мисолда бир кунлик товар айланиш 9976,0:360=27,711 мон. сўм. Товар захиралари товар айирбошлашни 4 кунга тезлашиши натижасида 27,711x4=110,844 млн. сўмга қисқаради. Товарлар қийматини тўлашда савдо шаҳобчасини (корхонасини) ўз маблағларини қатнашишини 30,0 % деб олсак, унда банк кредитлари-

ни суммаси $\frac{110,844 \cdot 70}{100} = 77,591$ млн. сўмга камаяди.

Банк кредитларини фоизи ўртача 4,4 % бўлса, банк кредитлари фоизи бўйича тўлов $\left(\frac{-77,591 \cdot 4,4}{100}\right) = -3,414 \approx -3,4$

млн. сўмга камаяди.

Юқорида келтирилган ҳисоблар каби муомала харажатларига таъсир қилиш даражасини ҳисоблаш имконияти бор. 12.3-§да келтирилган омиллар таъсири миқдорини тегишли усуллар орқали ҳисоб-китоб қилиш лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналари, шаҳобчалари ўз рақобатчилари фаолиятини, жумладан, муомала харажатларининг ҳолатини ўрганиб бориши, уларни тажрибаларидан (М.: харажатларни тежамли ишлатиш борасида) фойдаланиш мақсадида ўз кўрсаткичларни рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражасини таҳлили даврида аниқланган тенденциялар, қамчиликларга аниқлик киритиш мақсадида муомала харажатлари моддалари ва уларни элементларини чуқур таҳлил қилиш зарур бўлади. Бундай таҳлил муомала харажатларини моддалари ва уларни элементлари бўйича харажатларни рационаллаштириш, уларни тежамли хашлаш

йўлларини аниқлаш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишга имконият яратади.

Муомала харажатлари моддаларини ва уларни элементларини таҳлил қилишда биз юқорида келтирган (муомала харажатларини умумий суммаси ва даражасини таҳлилида) усуллардан тегишлича фойдаланиш мумкин. Бундай таҳлил жараёнида муомала харажатларини ҳар бир моддасига тегишли омиллар таъсирини алоҳида ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир.

12.5. Муомала харажатларини режалаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий туридан қатъий назар, жумладан, савдо корхоналари ва шаҳобчалари ҳам ўз хўжалик фаолияти кўрсаткичларини узоқ муддатга прогнозлаш ва жорий режалаштирилиши зарур. Акс ҳолда уларни инқирозга учраши эҳтимолдан узоқ бўлмайди.

Муомала харажатларини режалаштиришни асосий мақсади савдо корхоналари ва шаҳобчаларининг мақсадига («Х» – миқдорда даромад ёки фойда олиш ва «У» – даражадаги талабни қондириш) эришишни таъминлаш, савдо хизматини маданияти юқорилаштириш ва тежамкорлик асосида уни миқдорини иқтисодий асослаган ҳолда ҳисоб-китоб қилишдан иборатдир.

Муомала харажатларини режалаштириш жараёнини ташкиллаштириш асосида мантиқий фикр юритишни анализ ва сентиз усулларидан, яъни «Умумийликдан хусусийликка» ёки «хусусийликдан умумийликка» қараб иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Муомала харажатларини режалаштиришда ушбу усуллар, муомала харажатларини олдин умумий суммаси ва даражасини аниқлаш, кейин моддаларини ҳисоб-китобига ўтиш ёки бу ҳолни тескариси, аввал муомала харажатларини моддалари бўйича режани ишлаб чиқиш,

кейинги босқичда, уларни суммалаштириш йўли билан, муомала харажатларини умумий миқдорий кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Муомала харажатларини умумий суммасини ва моддаларини режалаштиришда тажрибавий статистик, техник-иқтисодий, индекс, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик (корреляция, регрессия) безарарлик нуқтасини аниқлаш, усуллардан эластиклик коэффициентидан, норма ва нормотивлардан фойдаланилади.

Муомала харажатларини режалаштириш умумий ҳажми ва даражасини аниқлашдан бошланса, бу ҳолда уни ўтган йиллар учун таҳлили натижалари, унга таъсир қилувчи омилларни режалаштириладиган даврларга ўзгаришини эксперт баҳолаш, айрим кўрсаткичларни индекслари, эластиклик коэффициентлари кабилардан фойдаланган тарзда ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчи босқичда уни моддалари миқдори аниқланади.

Муомала харажатларини умумий ҳажмини режалаштиришда, фараз қилайлик уни ўтган йилларда товар айланиши таъсири остида «шартли-ўзгарувчан» моддаларни ўзгариши нисбатини ҳисобга олган қолда ҳисоб-китоб қилмоқчимиз.

Агарда «шартли-ўзгарувчан» харажатлар (МХш.х) товар айланишига нисбатан аниқ миқдорда ўзгариш тенденциясига эга бўлса, ушбу харажатлар суммасини қуйидаги формула орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкин:

$$МХ^{р}_{ш.х} = МХ^{т}_{ш.х} \cdot \left[1 + \left(\Delta ТА^{р}_{у.с} \cdot \frac{\Delta \overline{МХ}^{п}_{у.с}}{\Delta \overline{ТА}^{п}_{у.с}}\right)\right]$$

Бу ерда, $МХ^{т}_{ш.х}$ - муомала харажатларини «шартли-ўзгарувчан» қисмини ҳисобот йилидаги миқдори, сўмда;

$\Delta ТА^{р}_{у.с}$ – режалаштирилаётган йилга товар айланишини қўшимча ўсиш суръати, %;

$\Delta \overline{МХ}^{п}_{у.с}$ – ўтган йилларда «шартли-ўзгарувчан» муо-

мала харажатларини ўртача қўшимча ўзгариш суръати, %;

$\Delta\overline{TA}^{n}_{y.c}$ – ўтган йилларда товар айланишини қўшимча ўзгариш суръати, %.

Муомала харажатларини «шартли-ўзгармас» (МХш.у) қисмини суммаси қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$MX^{p}_{ш.у} = MX^{x}_{ш.x} \cdot \left(1 + \Delta\overline{MX}^{n}_{ш.у}\right).$$

Бу ерда, $MX^{p}_{ш.у}; MX^{x}_{ш.у}$ - тегишли «шартли-ўзгармас» харажатларни режалаштирилган ва ҳисобот йилларига суммаси;

$\Delta\overline{MX}^{n}_{ш.у}$ - «шартли-ўзгарувчан» харажатларни ўтган йиллар даврида қўшимча ўсиш суръати.

Муомала харажатларини умумий суммаси тенг бўлади. $MX^{p} = MX^{p}_{ш.x} + MX^{p}_{ш.у}$;

Унинг даражаси $У_{мх} = \dfrac{MX^{r} \cdot 100}{TA^{p}}$.

Худди шундай муомала харажатлари даражасини баҳолар ўзгаришига нисбатан ёки бошқа омилларни таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилиб, умумий оптимал вариантни аниқлаш мумкин. Бундай ҳисоботларни ўтказиш учун корроляцион анализ, экстрополяция, эластиклик коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомала харажатларини режалаштиришда дастлаб унинг моддалари миқдорини аниқлаш ва кейин умумий ҳажмини ҳисоблаш орқали реал, ҳақиқатга яқин натижага эришиш мумкин.

Муомала харажатларини айрим моддаларини режалаштириш усулларини кўриб чиқамиз.

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича харажатлар таркибида асосий ўринни «темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш харажатлари эгаллайди. Ушбу харажатлар алоҳида транспорт турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бу масалани ҳал қилишда транспорт турлари бўйича ташиладиган юклар миқдорини аниқлашдан бошлаш керак.

Чакана савдо ва оммавий овқатланиш корхоналари ва шаҳобчалари одатда, автомобил ва от-улов транспортлари харажатларини қоплайди. Улгуржи савдо базаларига асосан темир йўл, сув, ҳаво транспортлари харажатлари ва қисман автомобил транспорти харажатлари тўғри келади.

Товарларни автомобил транспорти билан ташишда савдо ва оммавий овқатланиш корхоналари базалари, алоҳида магазинлар, овқатхоналар ўз транспортидан ва четдан жалб қилинган транспорт корхоналари хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муомала харажатлари моддалари таркибида «Ёз транспорт харажатлари» (иш ҳақи харажатларидан ташқари, чунки бу харажатлар иш ҳақи фондида ўз аксини топади) моддаси алоҳида кўрсатилади. Шу сабабли транспорт харажатларини юқорида келтирилган моддаси бўйича четдан жалб қилинган транспорт корхоналарини хизмати харажатлар акс эттирилади.

Ушбу харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун дастлаб транспортни физик юк айланиши ($q_ф$) ва транспорт юк айланиши ($q_т$) аниқланади.

Физик юк айланиши товарларни нетто ва брутто ҳажми бўйича ҳисобланади.

Нетто юк ҳажми ($q_{нi}$) товар гуруҳлари бўйича режалаштирилган товар айланиш ($ТА^р_i$) суммасини ушбу товарни 1 тоннасини ўртача қийматига, сўмда ($\overline{T}^{f}_{кi}$) бўлиш билан аниқланади.

Брутто юк ҳажми ($q_{бi}$) нетто юк ҳажмига ($q_{нi}$) тарани (одатда, товар оғирлигига нисбатан фоиз ҳисобидан

олинади) оғирлиги қўшилади.

Брутто юк ҳажми физик юк айланишига тенг бўлади.

Транспорт юк айланиши физик юк ҳажмини ($q_ф$) юкларни қайта ташиш коэффициентига ($К_К$) (ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотлари асосида аниқланади) кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Яъни у қуйидаги формула орқали ҳисобланиши мумкин:

$$q_{тi} = q_{фi} \cdot К_К$$

Барча товар гуруҳлари бўйича бу кўрсаткич бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{mi} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{фi} \right) \cdot K_к$$

Транспорт юк айланиши аниқлангандан сўнг, уни ўз транспорти ва четдан жалб қилинган транспорт ташкилотлари орқали ташиш ҳиссаси аниқланади. Уларнинг ҳиссаси фоизга ўтган йиллар маълумотлари, режалаштирилган йилга тузилган шартномаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва ушбу кўрсаткични транспорт юк айланишига кўпайтириб, юзга бўлиш орқали уларнинг миқдори (тоннада) ҳисоб-китоб қилинади ва юклар классларга ажратилади.

Кейинги босқичда товар ишлаб чиқарувчилардан (агар улар савдо ва оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаҳобчасига товарларни воситачиларсиз, ўзлари тўғридан-тўғри юборишса) ёки улгуржи савдо база ва омборларидан чакана савдо ва оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаҳобчаларигача бўлган масофа (Sкм)ни ўртача миқдори (ўтган йиллар маълумотлари ва шартномалар асосида) ҳисобланади.

Транспорт юк айланиши ($q_{т.км.i}$) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$q_{т.км.i} = q_{т.i} \cdot S_{км}$$

Юк айланишни умумий миқдори (т.км) тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{т.км.i} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{mi} \right) \cdot S_{км}$$

Ушбу юк айланиши юкларни классларига тақсимланади ва уларни транспорт тарифларига кўпайтириш орқали юк ташиш харажатлари суммаси аниқланади.

Юкларни юклаш ва тушириш харажатлари ушбу модда таркибига киради, агарда бу ишни штатдан ташқари ходимлар бажарса. Харажатлар суммаси юкни транспорт юк айланиши $\sum_{i=1}^{n} q_{mi}$ ва белгиланган расценкалар орқали ҳисобланади.

Юқорида келтирилган усул орқали алоҳида савдо шаҳобчалари бўйича транспорт харажатларини режалаштириш кўп меҳнат қилишни, вақтни талаб қилади. Бундан ташқари бу жараён иқтисодий-техник ҳисоблар нуқтаи назардан мушкул иш. Шу сабабли оддийроқ тажрибавий-статистик усулдан фойдаланиш қам мумкин.

Масалан, ўтган йиллар (камида 3 йил) маълумотлари асосида товарларни ташишда ҳар бир уларни келтирилиши неча сўмга (Р) тушушини аниқлаб, 1 тонна юкни ташиш қиймати ва режалаштирилган йилга мўлжалланган товарларни келтириш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт юк айланиши (q_i) миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Транспорт юк айланиши, ишлатиладиган автотранспортни юк кўтара олиш имконияти миқдори (q_{iat}) ва юк кўтара олиш имкониятини ишлатиш коэффициентидан (Kq_{iat}) келиб чиқиб, автотранспорт орқали товарларни неча маротаба келтирилиши миқдорини (Z) ҳисоблаб олиш мумкин. Бундай ҳисобот қуйидагича амалга оширилиши мумкин

$$Z = ч_т : ч_{ват} : Кч_{ват}$$

Ушбу кўрсаткични бир маротаба юк ташиш учун кетган транспорт харажатлари суммасига кўпайтириш орқали четдан жалб қилинган автотранспорт учун тўлов харажатларини ҳисоблаб олиш кўп қийинчилик туғдирмоқда. Бу харажатлар суммаси ($И_{хат}$) қуйидагича аниқланади:

$$И_{хат} = Z \cdot Р$$

Ушбу суммага юклаш ва тушириш харажатларини (агар бу ишни ёлланма ишчилар бажарса) қўшиш керак бўлади.

«Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар» моддасида бошқа ташкилот хизмати учун тўловлар қам кўрсатилади. Уларга алоқа, ахборот-ҳисоблаш хизмати, ташқи идора қўриқлаш хизмати, аудитор ташкилотлар, реклама агентликлари, натурал ва юридик муассасалар ва бошқа хизматлар ҳам киради.

Ушбу харажатлар суммаси ўтган йиллар маълумотларини таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда аниқланган, уларнинг ҳажмини режалаштирилган йилга белгиланган тариф тўловлари миқдорига (ёки тарифларни ўзгариш индексларидан фойдаланган ҳолда) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Муомала харажатларида энг катта ҳиссага эга бўлган модда – бу «Иш ҳақи харажатлари»дир. Ушбу моддани режалаштириш масаласи 11.5-§да батафсил ёритилган.

«Ижтимоий суғурта харажатлари» белгиланган нормалардан келиб чиққан қолда аниқланади.

«Савдо эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш» харажатлари ижарага олинган бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сони, тури ва бошқа жиҳатлардан келиб чиққан ижара ҳақи миқдоридан (шартномалар асосида) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Қолган харажатлар иншоотларни таъмир-

лаш ишлар сметасидан, хоналар ва жиҳозларни сақлаш нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Асосий воситалар амортизацияси». Ушбу харажатлар хусусий асосий фондларнинг бошланғич қиймати (баланс қиймати) ва уларнинг турлари бўйича белгиланган амортизация нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Амортизация тушунчаси, нормалари дарсликнинг биринчи қисмини 117—119-бетларида ёритилган.

«Ёқилғи, газ ва электроэнергия харажатлари» ушбу харажатларни суммаси ёқилғи, газ ва электроэнергия истеъмол қиладиган асосий воситаларни тегишли ўлчов бирликлари (масалан, бинони кубатураси, транспорт воситаларини ҳар 100 км ёқилғи ишлатиш нормаси ва бошқалар) бўйича сони, ҳажми, улар учун белгиланган харажатлар нормаларидан ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари» ўтган йиллар таҳлили натижалари, режалаштирилган йилга ушбу харажатларни талаб қиладиган товар гуруҳлари бўйича товар айланмаси ҳажми ва тегишли норма ва нормативлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Савдо рекламаси харажатлари» маркетинг бўлимини иш режаларидан ва реклама учун харажатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда ва ўтган йиллардаги ушбу харажатларни ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

«Ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» бўйича харажатлар тегишли товар гуруҳлари бўйича товар айланиши режаси (сотиб олиш баҳоларида) ва белгиланган нормалар асосида ҳисобланади.

Муомала харажатларини қолган моддалари ҳам тегишлича норма ва нормативларни қўллаган ҳолда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

Таянч иборалар

Товар айланиши, харажатлар, муомала харажатлари, давр харажатлари, муомала харажатлари даражаси, муомала харажатлари таркиби, иш ҳақи, амортизация, ижтимоий суғурта. «шартли-ўзгарувчан», «шартли-ўзгармас», норма, норматив, омиллар.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Харажатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Муомала харажатлари тушунчасини айтинг.
3. Умумий харажатлар муомала харажатларидан нима билан фарқланади?
4. Муомала харажатлари даражаси қандай аниқланади?
5. Муомала харажатлари даражаси мазмунини тушунтиринг.
6. Муомала харажатлари таркиби деганда қандай кўрсаткичларни тушунасиз?
7. Муомала харажатларига қандай омиллар таъсир қилади?
8. Муомала харажатларига товар айланишини таъсирини қандай аниқлаймиз?
9. Муомала харажатларига баҳо ва ҳар хил тарифлар таъсир қилиш моҳиятини ёритиб беринг.
10. Муомала харажатлари таҳлилини вазифалари нималардан иборат?
11. Муомала харажатлари таҳлилини ўтказишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади?
12. Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражаси қандай таҳлил қилинади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
13. Муомала харажатларини режалаштириш мақсади ва вазифаларини айтинг.
14. Муомала харажатларини режалаштириш усулларини айтинг.
15. Муомала харажатларини умумий қажми қандай режалаштирилади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
16. Муомала харажатларини моддалари қандай режалаштирилади?

13-боб. САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ, ФОЙДАСИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИ

13.1. Савдо корхоналари даромадлари.

13.1.1. Савдо корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари.

13.1.2. Савдо корхоналари даромадлари таҳлили.

13.1.3. Савдо корхоналарида даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш.

13.1.1. Савдо корхоналарида даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари

Умуман олганда «Даромад» сўзининг мазмуни «Давлат, савдо саноат муассасалари, корхоналар, колхоз, совхоз, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига тушадиган соф пул ва бошқа маблағлар» деб ўзбек тилининг изоҳли луғатида (Москва «Рус тили» нашриёти 1981, 211-бет) таърифланган. Аслида сўзнинг мазмунини корхона, хўжалик субъектлари ёки шахснинг қандайдир фаолияти натижасида унинг тасарруфига тушадиган соф пул ёки моддий неъматларни англатади.

Собиқ иттифоқ даврида ва ҳозир ҳам савдо соҳасига бағишланган иқтисодий адабиётларда уларнинг даромадларини моҳиятига юзаки таъриф бериб келинган ва шундай қарашлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу сабабли бизлар «даромад» категорияси моҳиятини қисқача бўлса ҳам иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан ёритиб ўтмоқчимиз.

Иқтисодиётга оид адабиётларда савдо соҳаси даромадига берилган таърифларни умумлаштириб қуйидагиларга бўлиш мумкин:

– савдо ва оммавий овқатланиш кохоналарининг ялпи даромади деганда барча фаолият турларидан олинган даромадларнинг мажмуаси тушунилади[1];

– даромадлар деганда иқтисодий манфаатларнинг ўсиши натижасида капиталнинг ортиб бориши тушунилади[2];

– ялпи даромад деганда, савдо корхоналарига савдо жараёнидан ва бошқа фаолиятлардан тушадиган даромадлар суммаси назарда тутилади[3];

– савдо корхонасининг ялпи даромади деганда савдо хизматларини сотишдан тушган умумий тушум суммаси, яъни товар айланиш ва товарлар сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ ҳамда товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятлардан олинган даромадлар тушунилади[4];

– савдо корхоналари ва ташкилотларининг ялпи даромади деганда муомала харажатларини қоплаш ва фойдани шакллантиришга йўналтириладиган товарлар сотишдан ва бошқа ишлар ва хизматлардан тушган пул маблағлари суммаси тушунилади[5];

– савдонинг ялпи даромади – бу товарларни ва хизматларни сотишдан тушган тушум ва товарлар билан таъминловчиларга товарлар қийматини тўлаш билан боғлиқ харажатлар фарқидир[6].

Бундай таърифлар сонини кўплаб келтириш мумкин.

---

[1] Ўрозов К.Б. «Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш», Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004, 184-бетда.

[2] «Экономика предприятия (Фирмы)», Учебник, Коллектив авторов, –М.: ИНФРА-М, 2004, 211-с.

[3] Сребник Б.В. «Экономика торговли», Учебник, –М.: «Высшая школа», 1989. 172-с.

[4] «Экономика торговли», Учебник, Коллектив авторов. –М.: «Экономика», 1990. 192-с.

[5] «Экономика торговли», Учебник, Коллектив авторов. –М.: «Экономика», 1980, 307-с.

[6] «Торговая дело: экономика и организация». Учебник. Коллектив авторов. –М.: ИНФРА-М, 1997, 122-с.

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики «даромад» категориясига ҳисоб-китоб нуқтаи назаридан қараш мавжуд, уни табиати ва моҳияти иқтисодий категория сифатида ёритилмаган.

Савдо корхоналари (шаҳобчалари)нинг ҳамда бошқа хўжалик субъектлари ва алоҳида шахслар даромади улар фаолияти натижасида яратилган қиймат нуқтаи назаридан қаралиши назарий жиҳатдан тўғри бўлди. Савдода даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи харажатлари) қиймати ва қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан у «c + v+ m» -га тенг. Бу ерда «c + v» жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни савдо харажатларини англатса, «m» – уларни соф фойдасини миқдорини англатади.

Савдода ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умуман ишлаб чиқаришда «даромад» категорияси ишлатилмайди, у ерда «даромад», «ялпи фойда» деб юритилади. Савдо фаолияти қиймати (c + v + m), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча савдо соҳасидаги «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Шундай қилиб, савдо корхоналари (шахобчалари) нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у савдо соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромад товарлар баҳосининг бир элементи ҳисобланади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада даромад улар томонидан сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Савдо соҳасида даромадларни асосий қисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсатгич сифатида савдо корхона (шаҳобча)ларини, товарларни сотиб олиш баҳосига қўйиладиган устамалар ҳисобланади. Ушбу корхона (шаҳобча) лар товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган, бажарган бошқа ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олади.

Савдо корхоналари фаолиятларини тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши, моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда савдо корхона (шахобча)ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш татиби тўғрисида Низом»да (5 феврал 1999 йил 54-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан, савдо корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан савдо корхоналарини сотишдан олган даромади уларни муомала харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у савдонинг истеъмол товарлари баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, савдонинг сотишдан олган даромади савдо хизматларини сотишдан тушган тушум, яъни савдо хизматлари қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф сотишдан олган даромадни моҳиятини очиб беради.

Савдони товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш, у билан боғлиқ бўлган савдо хизматларини тўлаш товарларни чакана баҳоси

ҳисобидан амалга оширилади ва у савдо хизматининг қиймати бўлиб, ҳисобланади.

Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат қилади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Савдо корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. Сотишдан олинган даромад. Савдонинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Сотишдан олинадиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматига киритиладиган, (ишлаб чиқариш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташқари) сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни (божхона тўловлари — акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи ва йиғимлари; воситачилик ёки брокерлик ҳаражатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аниқланади.

2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

3. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулотдаги даромадлар киради.

Савдо корхона (шахобча)лари даромадининг таркибий турлари 13.1.1-чизмада келтирилган.

Савдода товарларни сотишдан олинган даромадига кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Чакана савдо корхона (шаҳобча)лари товарлари эркин чакана баҳоларда сотади. Лекин бозорда баҳо сиёсатига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар ёки чет эл таъминотчилари хийла даражада таъсир қилади. Яъни уни шаклланишига асос солади, бу ҳолатга савдонинг таъсири катта эмас. Шу сабабли савдо корхона (шаҳобча)лари товар ишлаб чиқарувчиларини баҳо сиёсатини ҳисобга олмай иложи йўқ.

Савдо корхона (шахобча)ларининг даромадлари турлари

13.1.1-чизма



Шу билан бир қаторда чакана савдо корхона (шахобча)лари, бошқа савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар, якка тартибда савдо қилувчилар талаб ва таклифга нисбатан шаклланган ҳудудий бозор конъюнкту-

расидан товар ва хизматларни миқдори ва сифатидан, ишлаб чиқарувчи ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи баҳоларидан келиб чиқиб, ўз савдо устамасини ва товарларини чакана баҳосини белгилайди.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики чакана баҳоларни асосий қисми ишлаб чиқарувчилар ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи ёки товарларни сотиш баҳосидан иборат эканлиги.

Савдо устамасини белгилашда, улар муомала харажатлари миқдори товарларни сотиб олиш баҳосига киритиладиган айрим қўшимча харажатлар (божхона тўловлари ва йиғимлари ҚҚС акциз солиғи, божхона божи, божхона йиғими, ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқа харажатлар)ни ва режалаштирилган товарларни сотишдан олинган фойдани ҳисобга олади. Айрим ҳолларда давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан савдо устамалари чегараларини ўрнатиш, рентабеллик чегарасини белгилаш ва бошқа чоралар орқали тартибга солиниши мумкин.

Савдо корхона (шахобча)лари фаолияти учун, уларни молиявий барқарорлигини таъминлашда, самарадорлигини оширишда савдо устамаларининг аҳамияти жуда катта. У савдо хизмати баҳосини тавсифлайди ва уларни товарлар сотишдан оладиган даромади миқдорини белгилайди.

Товарларни сотишдан олинадиган даромадни режалаштириш савдо устамаларини асослаш орқали амалга оширилади.

13.1.2. Савдо корхоналари даромадларининг таҳлили

Савдода даромадларнинг таҳлилининг вазифаси ялпи даромад, унинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларнинг динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир қилган омилларни таъсир даражасини аниқлаш асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига

баҳо бериш бўлиб ҳисобланади.

Даромадларни таҳлил қилишда бухгалтерия, молиявий, статистик ҳисоботлар ва танлаб кузатиш, эксперт баҳолаш натижалари каби маълумотлар ишлатилади.

Ҳисоботларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот – 9-шакл;
- корхона харажатлари тўғрисидаги ҳисобот – 5-С (савдо) шакли;
- улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги ҳисобот – 1-савдо шакли;
- товарлар сотиш ва қолдиқ тўғрисидаги ҳисобот – 3-савдо шакли;

Булардан ташқари, бухгалтериядаги товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар ишлатилади.

Даромадлар миқдори абсолют – сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланишига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни асосий фондларга; айланма мабалағларга, молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташқари, даромадларни таркиби ҳар бир элементини уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисми сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади.

Даромадларнинг ҳажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

• товар айланишининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;

• товарларни келтириш шартлари;

• товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) миқдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, складлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар қанча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлиқ.

• савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);

• товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланишининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки қанча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юқори бўлади.

Товарлар ассортиментига қараб ҳар хил устамалар белгиланади, бу эса агар юқори устама қўйилган товарлар кўпроқ сотилса, улар учун устама суммаси юқори бўлади ёки тескари ҳолат рўй бериши мумкин.

Товарларни келтириш шартларига эътибор қаратсак, баҳолар ўзгармаган шароитда товарларни силжитиш бўғинлари қанча кўп бўлса, чакана савдо бўғинлари шунча кам даромад олишлари мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналари савдо устамаларини мустақил белгилайди. Айрим товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан чегараланиши мумкин. Буни улар аҳолининг кундалик эҳтиёжига тааллуқли товарларни баҳосини чегаралаш мақсадида ҳам амалга оширади. Бу жаҳон амалиётида ҳам мавжуд. Лекин бундай шароитда бир томондан даромадни камайтирмаслик керак, иккинчи томондан, истеъмол товарларига рақобатбардош баҳоларни ушлаб туриш зарар бўлади.

Даромадларни бошқа турларига таъсир қилувчи омиллар уларнинг иқтисодий табиатидан ва шаклланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (масалан: ҳар хил хизматлар ва уларнинг тарифлари, қимматбаҳо қоғозлар баҳоси, ҳар хил фоизлар ва ҳ.к.)

Фавқулотда даромадларнинг вужудга келиши, уларни иқтисодий табиатидан маълум, лекин буларни ҳам сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, хулосалар қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида биз юқорида келтирган кўрсаткичларни режага нисбатан ўзгариш миқдори, бир неча йилларга динамикаси ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Даромадларни таҳлили фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили билан тиғиз боғлиқ бўлганлиги муносабати билан уларнинг таҳлили фойда ва рентабелликни таҳлили параграфида кенгроқ ёритилади (13.2.2 ва 13.2.3-§).

13.1.3. Савдо корхоналарида даромадларни режалаштириш ва прогнозлаш

Бозор иқтисодиёти шароити савдо корхоналарини даромадлари уларни шаклланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва прогнозлаштиришни талаб қилади.

Савдо корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларига қараб товарларни сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқимлардан олинган фойда, бошқа активларни сотишдан ва берилишидан олинган фойда, ундирилган жазо, жарима ва боқимандалар, қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар ва бошқалар). молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (роялти кўринишидаги нау-хоу, лицензия, компьютер дастурларини ижарага бериш ва сотиш), дивидентлар, фоизлар, валюта курслари фарқлари ва ҳоказолар.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштириш авваламбор, ўтган йиллар маълумотларини таҳлил натижалари ва хулосаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш уларнинг турлари ва шакллантириш манбаларидан келиб чиқиб, тегишли усулларни ишлатиш асосида амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштиришда тўғридан-тўғри техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар усули, корреляцион усул, эластиклик коэффициенти орқали аниқлаш, безарарлик нуқтасини аниқлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, товарларни сотишдан олинган даромад товар айланиши режасини (сотиб олиш баҳоларида) товарлар ассортименти бўйича ва товаларга қўйилган савдо устамаси даражасига (% ҳисобида сотиб олиш баҳоларига нисбатан) кўпайтириш ва 100 га бўлиш

ҳамда барча товар гуруҳлари бўйича суммалаштириш орқали ҳисобланади.

Даромадларни прогнозлаш юқорида келтирилган усуллардан ташқари иқтисодий математик моделларни қўллаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Даромадларни режалаштириш масаласи кенгроқ фойдани режалаштириш параграфида ёритилади.

Таянч иборалар

Товар айланиши, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Савдонинг даромадини таърифини айтинг.
3. Савдонинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Савдонинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?

13.2. Савдо корхоналаря фойдаси ва рентабеллигини моҳияти ва аҳамияти

13.2.1. Фойда ва рентабелликни моҳияти ва аҳамияти.
13.2.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар.
13.2.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили.
13.2.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш.
13.2.5. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти.

13.2.1. Фойда ва рентабелликни моҳияти ва аҳамияти

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йўналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга қараб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида юқори фойда олиш, эҳтиёжларни қондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашаётган ресурсларни самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим аҳамият топди. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкини кўпайишини таъминлайди; акциядорларни да-

ромадини (дивидендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини сақлашга имконият яратади, ниҳоят у савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар қийматининг (c+v+m) асосий элементларидан бири, яъни «m» ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо фойдасини савдо фаолиятида яратилган қўшимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шундай қилиб, фойда савдо фаолияти қийматининг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Бу ерда ҳам юқорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан (c+v+m) келиб чиқсак фойда «m»да ифодаланади.

Иқтисодиётга тааллуқли, жумладан, савдо иқтисодиётига тааллуқли адабиётларда фойдани таърифлашда унга ялпи даромад ва муомала харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб келинган[1]. Юқоридаги таърифда, яъни фойдага ялпи даромад ва муомала харажатларини фарқи деб қаралганда унга тўғри ёндошаяпти деб айтиш қийин. Чунки савдо фаолиятида муомала харажатларидан ташқари унга кирмайдиган, лекин даромад ва товарлар қиймати ҳисобидан қопланадиган бошқа харажатлар ҳам мавжуд. Улар тўғрисида ушбу дарсликни 12.1-§да ёзилган.

Бозор иқтисодиёти фойданинг иқтисодий мазмунини ва моҳиятини, уни шаклланишини тубдан ўзгартириб юборди.

---

[1] Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 168 ст.; «Торговое дело: Экономика и организация». Учебник, коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 1997. 124-ст.; Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учибник, М.: ИНФРА-М, 1999. 460 ст.; Хейнс П. «Экономический образ мишления», Пер.с англ. М.: «Новости», 1991. 312 ст.

Охирги вақтларда расмий ҳужжатларда, йўриқ хатларда, бухгалтерия, молия ва статистик ҳисоботларда, савдога тегишли илмий адабиётларда ҳам фойда савдо фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида ҳар хил номланмоқда. Ажабланарли ҳолат шундаки, «даромад» ва «фойда» тушунчалари синоним сифатида ишлатилмоқда.

Масалан: «ялпи фойда» аслида бу ерда «ялпи даромад» тўғрисида фикр юритилаяпти ёки ҳисоб-китоб қилинаяпти; «асосий фаолиятнинг бошқа даромадли» бу ерда термин тўғри ишлатилган, юқоридаги «ялпи фойда» тушунчасидан келиб чиқилса, нега бу кўрсаткич «асосий фаолиятнинг бошқа фойдалари» - деб юритилмаяпти; худди шундай бошқа турдаги даромадлар ва фойдалар ҳам.

Бу ерда, тушунмовчиликни келиб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом Республикадаги барча хўжалик субъектлари учун бухгалтерия, молиявий ва статистик ҳисоботларни юритишда, уларни фаолият турларидан қатъий назар ўзгартирилмасдан, (айниқса, унинг «А. Молиявий натижаларни шакллантириш» бўлими) қабул қилинганлигида ҳамда ушбу низом солиқлаштириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилганлигида.

Назарияда, амалиётда, бухгалтерия, молиявий ва статистик ҳисоботларда таянч иборалар, тушунчалар аниқ ва равшан ҳолда ишлатилиши зарур. Бундай қарашлар кўрсаткичларни моҳиятини тушунишда, уларни ҳисоб-китобида таҳлил қилишда ва режалаштиришда хатоларга йўл қўйишдан асрайди.

Масалан, молиявий ва статистик ҳисоботларда ишлаб чиқришда «даромад» тушунчаси ишлатилмайди, у ерда «фойда» тушунчасини қўллаш назарий жиҳатдан

окланган. Савдода узига хос тушунчалар мавжуд. Булар «ялпи даромад», «асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар», «Молиявий фаолиятнинг даромадлари», «Фавкулотда даромадлар» хамда уларга тегишлича харажатлар ва фойда тушунчаси кабилардир. Бундай хисоботлар каторига «Молиявий натижалар тугрисидаги х#собот», 2-сонли шакл; «Корхона харажатлари тугрисида хисобот», 5-С (савдо) шакли кабиларни киритиш мумкин.

Савдода даромадларни шаклланиши 12.1-§да келтирилган.

Савдода фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик курсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо хам солиштириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий курсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади. Ушбу курсаткични хдсоблаш усулларини кейинги 13.2.2-§да батафсил изохлаймиз.

Рентабеллик х.ар к.андай хужалик субъектининг, жумладан, савдонинг жуда мух.им курсаткичларидан хдсобланади. Ушбу курсаткичда савдо корхона (шахобча)ларини даромади, харажатларини, товар айирбошлаш, мех.нат унумдорлиги каби курсаткичлар х.олати уз аксини топади.

Рентабеллик микдорига к.араб савдо фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йук>1И каби х,олатларга бах.о берилади.

Савдода фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан к.опланадиган айрим харажатларни кушиш ва улар суммасидан муомала харажатларини айириш нули билан аникданди.

«Корхона харажатлари тугрисида^ги статистик хисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «Картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, сакдаш; к,айта ишлаш ва сотиш буйича харажатларни к.оплаш, бошка

қоплашлар»ни ўқиш ва муомала харажатларини олиш натижасида аниқлаш кўрсатилган.

Унда «Сотишдан соф тушум»дан «Сотилган товарларни харид қиймати тан-нархи»ни айириш орқали аниқланган.

Бу ерда қам «ялпи фойда» «ялпи даромад» деб юритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу ҳисоботда «Товарларни сотишдан келган фойда»ни аниқлашга назарий ва амалий нуқтаи назардан тўғри ёндошилган деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ корхоналарнинг, жумладан, савдонинг ҳам фойдаси ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва зарарни) аниқлаш усулларини ҳамда савдо, корхона (шакобча)ларини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичларни, бизларни фикримиз юзасидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулларини қуйидаги 13.2.1.1 -чизмада келтирамиз.

Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари (фойда)нинг кўрсаткичларини аниқлаш усуллари

13.2.1.1-чизма

Низомда		Савдода	
Кўрсаткични номи	Аниқлаш усули ва кўрсаткичларнинг белгиси	Кўрсаткичнинг номи	Аниқлаш усули ва кўрсаткичларнинг белгиси
I. Маҳсулотни сотишдан	ЯФ=ССТ-ИТ ССТ-сотишдан олинган соф тушум;	Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад	I. ЯД=ССТ-СТХҚ СТХҚ-сотилган

жадвалнинг давоми

олинган ялпи фойда (ЯФ)	ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	(ЯД)	товарларни харид қиймати
II. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ЯФ--ДХ+БД-БЗ; ДХ-давр харажатлари; БД,БЗ-тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар	II. Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ)	ТСЯФ=ЯД+БҚ--МХ; Мх-муомала харажатлари; БҚ-бюджетдан қопланмалар
--	--	III. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ= ТСЯФ+БД--БЗ;
III.Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД--МХ; МД,МХ-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар	IV.Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)	УФ= АФФ+МД--МХ
IV. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФП++ФЗ; ФП,ФЗ-тегишлича фавқулотда фойда ва зарар	V. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ= УФ+ФФ--ФЗ;
V. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ДС--БС; ДС-даромад (фойда)дан тўланадиган	VI. Соф фойда (СФ)	СФ= СТФ-ЯСТ--ММС; ЯСТ-ялпи солиқ тўлови;

жадвалнинг давоми

	солиқ; БС-бошқа солиқлар ва тўловлар		ММС-мол-мулк солиғи

13.2.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланганлиги сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб товар айланиш суммасига (ТА) бўлиш орқали аниқланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиққан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

$$P_{TA} = \frac{[(CCT - UT) - Mx] \cdot 100,0}{TA}$$

Рентабелликни бошқа кўрсаткичларини пастда изоҳлаймиз.

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• товар айланиши ҳажми (ТА) ва таркиби ($ТА_{i-n}$), сўмда;

• сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;

• товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ), сўмда;

• асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;

• умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;

• солиқ тўланигунча олинган фойда (СТФ), сўмда;

• соф фойда (СФ), сўмда;

• муомала харажатлари (Мх), сўмда;

• муомала харажатларини даражаси (Умх), %;

• асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланишини тавсия қиламиз:

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \qquad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

бу ерда, А – асосий фондлар аммортизацияси суммаси.

• Айланма маблағларни рентабеллиги ($Рай._{м}$) ва уларни даромадликлиги (Рай.д), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Р_{ай.м} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{АйМ(ёки\overline{З})}; \qquad Р_{ай.м} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(ёки\overline{З})}$$

бу ерда, Ай.М - ўртача айланма маблағлар суммаси; $\overline{З}$ - ўртача товар заҳиралари суммаси.

• ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ри.х) ва даромадлилиги (Ри.д), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Р_{и.х} = \frac{УФ}{\bar{Х}}; \qquad Р_{и.д} = \frac{ЯД}{\bar{Х}}$$

бу ерда, $\bar{Х}$ – ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- муомала харажатларини рентабеллилиги (Мх.р):

$М_{х.р} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{Мх}$; бу ерда, Мх – муомала харажатлари суммаси.

- Иш ҳақи фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %. Булар тегишлича қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{х.ф.р} = \frac{УФ}{И_{х.ф}}; \qquad И_{х.ф.р} = \frac{УФ \cdot 100}{И_{х.ф}}$$

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюнктураси, жумладан, истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;

• товар айирбошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);

• ўз маблағларининг миқдори;

• асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

13.2.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилишда унинг мақсад ҳамда вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Ушбу мақсад ва вазифаларга эришиш учун таҳлил жараёнида қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни ўрганиш кераклигини аниқлаб олиш ҳам муҳим ақамиятга эга (13.2.2-§).

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан, саьдо фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиқсак, уларни таҳлилини асосий мақсади савдо корхона (шахобча)ларининг ҳисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатдир.

Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани юқорилаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулкдорларни мулкини оширилиши, корхонани тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

• ҳисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш;

• ҳисобот йили кўрсаткичларини ўтган йиллар,

бошқа рақобатдош корхоналар, ҳудуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

• фойда ва рентабелликка таъсир қилган омилларни ўрганиш ва баҳолаш;

• фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари бўйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

• фойда ва рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

• фойдани тақсимланишини ўрганиш, шу билан бир қаторда жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капиталнн ҳолатини баҳолаш, акциядорларни дивидендлари қандай ҳолатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир қилади.

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнида юқоридагилардан ташқари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга ҳам баҳо берилади.

Бундай таҳлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига ҳам баҳо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни таҳлили биз 13.2.1 ва 13.2.2-§ларда келтирган кўрсаткичларни аниқлаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш ва ўтган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални (13.2.3.1) тавсия қиламиз.

Ушбу жадвал маълумотларини ҳисоб-китоб қилгандан кейин биз юқорида келтирган рентабеллик кўрсаткичларини алоҳида жадвалда ҳисоблаш, кўрсаткичларга баҳо бериш, уларга таъсир қилган омиллар таъсир миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Фойдани таҳлил қилишда уни тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш, уни кўрсаткичларини жадвалга солиб, режага нисбатан, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини, суръатларини ҳисоблаш, баҳолаш зарур бўлади.

Ҳисобот йилидаги соф фойда тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ бўлади.

Масалан, акциядор жамиятларда, хусусий корхоналарда, қўшма корхоналарда фойдани тақсимланиши низом ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

жадвалнинг давоми

	4.2.Маъмурий харажатлар													
	4.3.Бошқа операцион харажатлар													
	4.4. Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари													
5	Товарларни сотишдан олинган фойда: суммаси (3-4)													
	Товар айланишига нисбатан, %													
6	6.1.Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 6.2. Асосий фаолиятнинг бошқа харажатлари													
7	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-4+5)													
8.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (8,1+8,2+8,3+8,4+8,5), шу жумладан													
	8.1.Дивидендлар шаклидаги даромадлар													
	8.2.Фоизлар шаклидаги даромадлар													

Молиявий натижаларни _____ йилларга таҳлили

13.2.3.1-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йиллар			Ҳисобот йили		Ҳақиқийси режага нисбатан		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши					
									сўмда			%		
		x_1	x_2	x_3	режа	ҳақи-қий	фарқи (+;-)	%	x_3	x_2	x_1	x_3	x_2	x_3
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (товар айланиши)													
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи (сотилган товарларни сотиб олиш баҳосида)													
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг сотишнинг ялпи даромади (зарари) суммаси (1-2)с.													
	Товар айланишига нисбатан, %													
4	Давр харажатлари, жами: суммаси (4,1+4,2+4,3+4,4)													
	Товар айланишига нисбатан, %													
	Шу жумладан:													
	4.1.Сотиш харажатлари													

13.	Даромад (фойда) соли÷и (ялпи даромад соли÷и)													
14.	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар													
15.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари): суммаси (12—13—14).													
	Товар айланишига нисбатан, %													
16.	Баҳолар индекси[1]													

[1] Статистик муассасалар, марказий банк маълумоти ёки эксперт кузатиш натижалари бўйича.

жадвалнинг давоми

	8.3. Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар													
	8.4. Валюта курси фарқидан даромадлар													
	8.5. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари													
9	Молиявий фаолият бўйича харажатлар (9,1+9,2+9,3+9,4) шу жумладан:													
	9.1. Фоизлаш шаклидаги харажатлар													
	9.2. Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар													
	9.3. Валюта курси фарқидан зарарлар													
	9.4. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар													
10	Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) (7+8-9)													
11	Фавқулотдаги фойда ва зарарлар													
12	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (10±11)													

Соф фойдани тақсимоти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида тақсимланган соф фойда суммаси;

– корхонанинг резерв капиталга ажратма суммаси;

– тақсимланмай қолган фойдани ўтган йиллар жамланган фойдасига қўшилган сумма (жамланган фойда ҳисобига).

Ушбу кўрсаткичларни иқтисодий йўналтирилиши моҳиятидан келиб чиқиб, уларни ўзгариш суръатларига алоҳида баҳо бериш керак.

Фойда даромадлар ва харажатлар тафовутидан шаклланган кўрсаткич бўлганлиги сабабли, уни нисбий кўрсаткичи рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаш даромадни ошириш ва харажатларни қисқартириш тадбирларидан келиб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаймиз.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Товар айланиши ҳажмини ошириш ва ассортиментини такомиллаштириш.

2. Товарларни силжитиш бўғинлари қисқартириш.

3. Товар айирбошлаш тезлигини таъминлаш (кунлар ва маротаба ҳисобида).

4. Муомала харажатларини тежамкорлик билан сарфлаш.

5. Мавжуд ресурслардан (моддий, меҳнат ва молиявий) самарали фойдаланиш.

6. Савдони янги технологияларини жорий қилиш ва бошқалар.

Фойдани оширишнинг асосий йўли даромадларни оширишдир.

Савдо фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши ҳажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган савдо устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва рақобатбардош баҳонинг миқдоридан боғлиқ. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар миқдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганлиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлиқ.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва боқимандаларни ўз вақтида қайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун савдо корхонаси мулки бўлган нау-хау, лицензия, компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиш.

Бошқа корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали дивидендлар ишлаш каби фаолиятларни юритиш.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўлларини ахтарганда, бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал қарорлар қабул қилиш, фан техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Муомала харажатлардан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида норационал харажатларга йўл қўймаслик савдонинг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман фойдани миқдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали қарорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, касбий маҳорати, малакаси каби омиллардан ҳам анча боғлиқдир.

13.2.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

Фойда ҳар қандай хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. У хўжалик фаолиятини самарадорлигини кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда корхоналарни, жамиятни иқтисодий тараққиётига асос солади ва инновация жараёнини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятини натижаси бўлиш билан бирга уни ривожлантиришга шарт-шароит яратади. Чунки фойда барча хўжалик фаолияти тараққиётини таъминловчи янгиликлар, ихтироларни жорий қилишга имконият яратадиган манбадир.

Жамиятни барча хўжалик субъектлари каби савдо ҳам ўз мулкларини тўлдириш, асосий фондларга капитал маблағларини молиялаштириш, доимо янгиликлар, ихтироларни жорий қилиш масаласини қисқа муддатда ҳал қила олмайди. Маблағларни жамғариш учун вақт керак, иқтисодий ва молиявий шарт-шароит яратилиши зарур.

Ушбу ҳолат корхоналарни, барча турдаги хўжалик субъектларини, қолаверса ҳудудни ва жамиятни молиявий имкониятларини жорий ва стратегик режалаштирлишини талаб қилади. Савдо корхона (шахобча)лари учун ҳам юқорида келтирилаги ҳолатлардан келиб чиқиб, фойдасини қисқа муддатларга режалаштириши ва келажакка прогнозлаштириши объектив заруриятдир.

Фойда тўғрисидаги маълумотлар корхоналар учун хўжалик фаолияти келажагини белгилаш учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдани режалаштириш ва прогнозлаштиришда қуйидаги маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади.

Биринчидан, корхонани даромадини, муомала харажатларини умумий ҳажми ва моддалари бўйича, фойдасини ва тегишли бўлган бошқа кўрсаткичларини ўтган

даврга таҳлили натижалари.

Иккинчидан, даромадларни барча турларини, муомала харажатини ҳажми ва моддаларини, ретабелликни барча кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари (тенденциялари)ни ўрганиш натижалари.

Учинчидан, товар айланиши ҳажми ва ассортименти, товар таъминоти товар гуруҳлари ва манбалари бўйича режалар ва прогноз маълумотлари.

Тўртинчидан, савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар.

Бешинчидан, мўлжалланган даврга баҳолар, солиқлар, ҳар хил тўлов тўғрисидаги маълумотлар.

Олтинчидан, муомала харажатларини прогнози.

Еттинчидан, келажакда корхонани ўз айланма маблағлари миқдори, асосий фондларни янгилаш, реконструкция қилиш тўғрисидаги прогноз маълумотлари ва бошқалар.

Фойдани унинг таркибий турлари, яъни товарларни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятдан кўрилган фойда, умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда ва йилнинг соф фойдаси бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар қилиниб, алоҳида режалаштирилиши ва прогноз қилиниши лозим.

Юқоридагилар фойдани режалаштириб қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришда қандай мақсад назарда тутилади?

Асосий мақсад корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш. Ушбу мақсад қандай таъминланади деган савол табиий туғилади.

Унга эришиш учун корхона аҳоли талабига жавоб берадиган, юқори сифатли товарларни сотилиши ва истеъмол қилиниши учун юқори даражадаги хизматни ташкил қилишидан боғлиқдир. Шундай қилиб фойдани режалаштириш мақсадини иккинчи томони намоён бўлади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштиришда қуйидаги вазифалар қўйилиши шарт.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ғояларини аниқлаш;

– фойдага таъсир қилувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс таҳлил қилиш ва келажакка башорат қилиш;

– фойдага бевосита таъсир қилувчи омиллардан келиб чиқиб, корхонани безарарлик нуқтасини аниқлаш;

– бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан оқилона, рационал фойдаланиш, харажатларни тежамлигини, натижаларини оптималлигини таъминлаш;

– режани бозор конъюнктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантларини тайёрлаш;

– ишлаб чиқарилган ҳолда қабул қилинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– даромадлар ва харажатлар баланси;

– техник-иқтисодий ҳисоб-китоб усули;

– тажрибавий-статистик усули;

– безарарлик нуқтасини аниқлаш усуллари;

– эластиклик коэффициентларини қўллаш усули;

– иқтисодий-математик усуллар (корреляция ва регрессия усуллари).

Баланс усули амалиётда энг кенг қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, унда баланснинг чап қисмида савдо корхонасининг барча даромадлари миқдори келтирилади, ўнг қисмида харажатларнинг барча турлари миқдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади. Баланс таркибини қуйидаги шаклда тузишни тавсия қиламиз.

Савдо корхонасининг даромадлар, харажатлар ва фойдаси баланси

(минг сўм)

13.2.4.1-чизма

Даромадлар	**Сумма**	**Харажатлар ва фойда**	**Сумма**
1. Сотишдан олинган даромадлар 2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар 4. Фавқулотда даромадлар		1. Сотиб олиш баҳосига киритилган харажатлар 2. Давр харажатлари 2.1. Сотиш харажатлари 2.2. Маъмурий харажатлар 2.3. Бошқа операция харажатлари 3. Келгуси давр харажатлари 4. Муддати узайтирилган харажатлар 5. Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар 6. Молиявий фаолиятга доир харажатлар 7. Фавқулотдаги харажатлар	
Ялпи даромад (баланс)		8. Жами харажатлар	
		9. Солиқ тўлангунча фойда	
		10. Ялпи даромад солиғи 11. Мол-мулк солиғи 12. Соф фойда	

Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб усулидан балансдаги кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алоҳида турларини аниқлашда ишлатилади.

Фойдани алоҳида турларини аниқлаш усуллари:

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ)

$$ТСЯФ=ЯД+Бқ-Мх$$

Бунда: Бқ – бюджетдан қопланмалар;

Мх – муомала харажаталри.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)

$$ТСЯФ + БД - БЗ;$$

Бунда: ДХ–давр харажатлари;

БД,БЗ–тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар.

3. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)

$$УФ=АФФ+МД-МХ;$$

Бунда: МД,МХ-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)

$$СТФ=УФ+ФП+ФЗ;$$

Бунда: ФП,ФЗ-тегишлича фавқулотда фойда ва зарар

5. Соф фойда (СФ)

$$СФ=СТФ-ЯСТ-ММС;$$

Бунда: ЯСТ – ялпи солиқ тўлови;

ММС – мол-мулк солиғи.

Безарарлик нуқтасини аниқлаш орқали фойдага таъсир қилувчи омиллар ҳисобидан қанча миқдорида соф фойдага эришиш мумкинлиги аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

$$1.\ БН = \frac{ДХ}{1-\frac{УХ}{ЧТА}};$$

Бунда, ДХ – доимий харажатлар (муомала харажатларини ўзгармас қисми, УХ – савдо корхоналарнинг ўзгарувчан харажатлари, ЧТА – чакана товар айланиши.

$$2.\ БН = \frac{ДХ \cdot 100}{\frac{Д \cdot 100}{ЧТА}};$$

Бунда, Д – даромадлар.

$$3.\ БН = \frac{ЧТАхДХ}{ЧТА - Ух};$$

Эластиклик коэффициенти фойдага таъсир қилувчи омилларнинг 1 % ўзгариши фойдани қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш орқали ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирлиган йилга таъсир қилувчи омилни ўзгариш миқдорига коэффициентни кўпайтириш орқали фойдани ўзгариш даражаси аниқланади.

Эластиклик коэффициентини умумий кўриниши қуйидаги формулала намоён бўлади.

$$Кэ = \frac{\Delta У \cdot 100}{У} : \frac{\Delta Х \cdot 100}{Х} = \frac{\Delta У}{\Delta Х} \cdot \frac{Х}{У};$$

Бунда, У – фойданинг миқдори, Х – таъсир қилувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори «ΔУ» унга таъсир қилувчи омилнинг «ΔХ» ўзгариш миқдорига нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни ҳисоблаш учун корреляцион тегламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғлиқлик тўғри чизиқли бўлса у=а+вх, унда $Кэ = в \cdot \frac{Х}{У}$; «в» – регрессия коэффициенти уни юқорида келтирилган тенглама орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади, агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса, масалан, кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойда ва рентабелликни режалаштириш унинг муддатига қараб узоқ муддатларга (5 йилдан юқори), ўрта муддатга (1 йилдан 5 йилга) ва қисқа муддатга (1 йилгача) ишлаб чиқилади.

Фойдани миқдори аниқлангандан кейин рентабеллик кўрсаткичлари аниқланади.

13.2.5. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида, соҳаларида, жумладан, савдода ҳам ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш улар тараққиётининг асосий омилидир.

Самарадорлик натижа деган маънони англатади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона, тежамли фойдаланган ҳолда эришилган натижани, яъни савдода аҳолининг истеъмол даражасини юксалтириш орқали тегишли рентабелликка эришишни англатади.

Савдонинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади.

Самарадорлик умуман олганда «натижавийлик» мазмунини билдиради. Қандайдир бир натижага эришиш экстенсив ва интенсив омилларни қўллаш асосида эришилади.

Савдода ушбу йўналишларни қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин.

Ҳар қандай тармоқда, жумладан, савдо соҳасида тараққиётни таъминлашда юқорида келтирилган экстенсив ва интенсив омиллардан оптимал фойдаланиш зарур.

Савдони стратегик ривожланишини белгилашда, унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини прогнозлашда назарий жиҳатдан қуйидаги самарадорликни ошириш моделлардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

I – модел $Q \rightarrow max$; $Мх \rightarrow min$.

II – модел $Q \rightarrow max$; $Мх \rightarrow const$.

III – модел $Q = const$; $Мх \rightarrow min$.

IV – модел $Q \rightarrow max$; $Мх \rightarrow max$, агар $\Delta Q > \Delta Мх$ бўлса бу ерда. Q – фаолиятни ҳажмий кўрсаткичи (ТА) ёки молиявий натижа – даромад ёки фойда; Мх – муомала харажатлари const – ўзгармаслик; Δ – қўшимча ўзгариш миқдори.

Савдо фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари

13.2.5.1-чизма

Ушбу моделлардан савдони ривожлантириш режалари ёки прогнозлари вариантларини солиштиришда фойдаланиш мумкин.

Савдо фаолияти мақсадидан бири бўлмиш талаб ва таклифни мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқилса, уни ривожлантириш модели қуйидагича моделларда ифодаланиши керак:

I – модел $ТА_i < АТ_i$ бўлса $ТА_i - АТ_i = ИМ_i$. бунда $ИМ_i > ЭК_i$

II – модел $ТА_i > АТ_i$ бўлса $АТ_i - ТА_i = ЭК_i$. бунда $ИМ_i < ЭК_i$

III – модел $ТА_i = АТ_i$ бўлса $ИМ_i = ЭК_i$ бўлади.

бу ерда, **$ТА_i$ –i -** ***товар гуруҳи бўйича чакана товар айланиши;*** **$АТ_i$ –i –** ***товар гуруҳига аҳолини талаби;*** **$ИМ_i$ – i –** ***товар гуруҳи бўйича товарларни импорти;*** **$ЭК_i$ –i –** ***товар гуруҳи бўйича товарларни экспорти.***

Ушбу кўрсаткичлар ҳудуд, республика миқёсида суммалаштирилади.

Савдони асосий мақсади бир томонидан, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талабини ҳар томонлама қидириш бўлса, иккинчи томонда ўз фаолиятидан тегишли фойда (даромад) олишдир. Мақсаднинг биринчисига эришиш натижасида савдо корхоналари ижтимоий самарадорликга эришади. Иккинчисида иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан белгиланади.

Савдо жараёнида моддий, меҳнат, молиявий ресурслар сарфланади ва унинг натижасида маълум ҳажмда товар айланиши ва хизматларга эришилади ва фойда (даромад) яратилади. Шу сабабли савдонинг иқтисодий самарадорлигини ошириш жамият манфаатини таъминлаш, аҳолини талабини қондириш, такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш каби натижаларни ҳам беради.

Унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг аҳамияти юқоридагилардан келиб чиқади.

Савдонинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда унинг умумий фаолиятига баҳо бериш ва унда сарфланган барча ресурсларни алоҳида-алоҳида самарасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалалар дарсликнинг тегишли мавзуларида ёритилган.

Таянч иборалар

Фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безарарлик нуқтаси, эластиклик коэффициенти, баланс, харажатлар, даромадлар, самарадорлик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Фойдани режалаштириш ва прогнозлашни аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай маълумотлардан фойдаланилади.
3. Фойда ва рентабелликни режалаштиришни мақсади нималардан иборат?
4. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай вазифалар ҳал қилинади?
5. Фойдани режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?
6. Фойдани режалаштиришда тузиладиган баланс мазмунини ёритиб беринг.
7. Техник-иқтисодий ҳисоблар усули қандай ва қайси ҳолда ишлатилади?
8. Безарарлик нуқтаси қандай аниқланади?
9. Эластиклик коэффициентининг моҳиятини ёритинг.
10. Савдода самарадорликнинг моҳиятини ёритиб беринг.

14-боб. ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА УНИ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ

14.1. Оммавий овқатланишни моҳияти, функциялари ва вазифалари.

14.2. Оммавий овқатланишни иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти.

14.3. Оммавий овқатланишни ташкилий шакллари ва корхоналарининг турлари.

14.4. Оммавий овқатланиш корхоналарининг кўрсаткичлари.

14.1.Оммавий овқатланишни моҳияти, функциялари ва вазифалари

Жамиятда бутун жонзотни тириклиги, улар организми талаб қилган озуқаларни истеъмол қилиш билан таъминланади.

Инсон яралгандан тортиб унинг биринчи эҳтиёжи озиқ-овқат бўлиб, у бор имкониятини табиатда мавжуд озиқаларни топишга ва уларни истеъмол қилишга йўналтирган.

Озиқани топиш, уни истеъмолга тайёрлаш инсоният тараққиётидаги бирламчи ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, уни асосида иқтисодий муносабатлар шаклана бошлаган. Ушбу жараённи бошланғич даври ҳисобланган ибтидои жамиятда озуқаларни жамоа бўлиб топиш, тайёрлаш ва истеъмол қилиш бошланган. Астасекин тараққиёт озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва истеъмол қилишни индивидуаллашишига ва оилавий, уй (ҳужра) шароитда озиқ-овқатларни тайёрлаш ҳамда истеъмол қилишга олиб келган. Уларни топиш ва тақсимлаш эса жамоатчилик асосида бажарилган.

Тараққиётни кейинги босқичларида жамоавий овқатланишга эҳтиёж туғилган, оммавий овқатланиш махсус тармоқга айланиш жараёни бошланган. Шундай қилиб овқатланиш жараёни ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши ва ихтисослашиши натижасида қуйидаги тарзда ривожланган:



Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар қандай жамиятда, уларни ижтимоий-иқтисодий шаклларидан қатъий назар инсонларни овқатланиш жараёнини ташкилий жиҳатдан икки хил шаклга ажратиш мумкин:

I уй шароитида, яъни индивидуал ёки оилавий.

II жамоатчилик асосида, яъни оммавий овқатланиш.

Жамоавий овқатланиш ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши, ҳаётда ҳар хил тармоқларни вужудга келиши натижасида, бундай хизмат турига объектив эҳтиёжларни туғилиши сабабли алоҳида хизмат соҳаси сифатида келиб чиққан. Унинг оммавий тус олиши бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланишини бошланғич даврларига тўғри келади. Ушбу даврдан бошланиб оммавий (жамоавий) овқатланиш иқтисодиётнинг тармоғи сифатида шаклана бошлаган.

Оммавий овқатланиш тарихан товар айирбошлаш жараёнини бир тури сифатида қаралиб келинган, ҳозир ҳам у савдо соҳаси каби товар айирбошлаш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Лекин, оммавий овқатланиш соҳасидаги жараён савдодан тубдан фарқ қилади. Ушбу фарқлар улар бажарадиган ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик функциялардан келиб чиқади.

Оммавий овқатланишнинг яна бир хусусияти у нафақат савдодан, балки у ишлаб чиқаришдан ҳам фарқланади.

Савдонинг бажарадиган функциялари ушбу дарсликнинг биринчи бобининг 2.2.1-§да ёритилган.

Савдодан ва ишлаб чиқаришдан (озиқ-овқат саноати) фарқли оммавий овқатланиш соҳаси қуйидаги ижтимоий-иқтисодий ташкилий – иқтисодий ва техник-технологик функцияларни бажаради. Унинг айрим функциялари савдога, айримлари эса ишлаб чиқаришга мос келади ва улардан фарқланадиган функцияларни ҳам бажаради.

Оммавий овқатланиш соҳаси такрор ишлаб чиқариш жараёнини барча фазаларида иштирок этади.

Яъни:

– ишлаб чиқариш;

– тақсимот;

– айрибошлаш;

– истеъмол:

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари ишлаб чиқариш фазасида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш (ишлаб чиқариш) функциясини бажаради.

Уларни тақсимот функцияси аҳолини пулсиз ёки имтиёзли овқатлар билан таъминлаш жараёнида намоён бўлади. Уларга шифохоналар, боғчалар, санаториялар, интернатлар, дам олиш уйлари, қуролли кучлар соҳасида, айрим хўжалик субъектларида (бепул овқат тарқатиш ишлатилса), ишсизларни овқат билан таъминлашда (бу тартиб чет эл амалиётида мавжуд).

Айирбошлаш жараёнида оммавий овқатланиш соҳаси биринчидан, товар айирбошлаш шакли сифатида олди–сотди жараёнида иштирок этади ва товарлар қийматини айирбошлаш функциясини бажаради;

иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиш функциясини бажаради.

Истеъмол фазасида иштироки тайёр овқатларни ишлаб чиқариш жойларида истеъмол қилинишини таъминлаш функциясини бажаришда намоён бўлади.

Оммавий овқатланиш соҳаси бозорни барча элементларини функцияланиш жараёнида қатнашиб, қуйидаги ташкилий-иқтисодий функцияларни ҳам бажаради;

– таклифни ўрганиш;

– талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;

– баҳони шакллантириш;

– товарлар рекламасини ташкил қилиш;

– шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш.

Оммавий овқатланиш соҳасини техник-технологик функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин;

– хом ашёни пиширишга тайёрлаш;

– ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотни пиширишга;

– тайёр маҳсулотни порцияларга ажратиш;

– тайёр маҳсулотни истеъмол қилиш жойига етказиш;

– товарларни хом ашё сифатида ишлаб чиқарувчилар ва бошқа таъминотчилардан маҳсулот тайёрлаш жойларига оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларига ташиб келишни ташкиллаштириш;

– хом ашё ва товарларни сақлаш.

Юқоридаги келтирилган функцияларни бажариш орқали оммавий овқатланиш иқтисодиётни бошқа тармоқларидан фарқланади ва у махсус иқтисослашган ва универсал функциялар бажарадиган ягона соҳа (тармоқ) ҳисобланади.

Ушбу соҳани такрор ишлаб чиқариш жараёнини барча функцияларида иштироки, уни жамиятни ижтимоий-иқтисодий ҳаётига фаол таъсир қилишини намоён қилади.

Оммавий овқатланиш соҳасини ривожлантириш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо қилади.

Биринчидан, оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларини типларини (аҳолини минталитетига мослаб) такомиллаштириш, уларни жойлашишини рационаллаштириш.

Иккинчидан, маҳсулотлар сифатини яхшилаш уларни рационал истеъмол сифатини илмий асосланган нормаларга мослаштириш.

Учинчидан, овқатларни истеъмол комплексига мослаштириш (наҳорлик, тушлик, кечлик, тўй маросимлар ва ҳ.к.)

Тўртинчидан, овқатланиш жараёнини эстетик – маданий жиҳатларини таъминланувчилар (истеъмолчилар) талабларига мослаш.

Бешинчидан, овқатланиш соҳасини индустриялаштириш, технологиясини такомиллаштириш хизматини янги прогрессив усулларини жорий қилиш.

Олтинчидан, аҳолини менталитетидан келиб чиққан ҳолда хизматларни чет эл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш кабилар.

14.2.Оммавий овқатланишни иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти

Оммавий овқатланиш соҳасини жамиятда ва иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, аҳамияти жуда юқори.

Авваламбор, уни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдаги аҳамиятини юқорилигини таъкидлаш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу фаолият янада ривож топди. Бу у билан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга таъсир қилади.

Ўзбекистонда оммавий овқатланиш товар айланмаси 1995 йили 4,0 млрд сўм, 2000 йилда -52,9 ва 2006 йилда 97,2 млрд. сўмни ташкил қилган. 2006 йил 2000 йилга нисбатан 183,7 %га, 1995 йилга нисбатан эса 24,3 баробарга ортган. Бу албатта, ҳақиқий баҳолардаги кўрсаткич бўлишига қарамай, аҳолини турмуш даражасини тез суръатларда ривожланаётганидан дарак беради.

→Оммавий овқатланишни жамиятдаги роли тўғрисида гапирганда, унинг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни, оддий уй, оилавий ёки индивидуал овқат тайёрлашга нисбатан самаралироқ кечишини эътироф этиш

зарур. Буларга қуйдагиларни киритиш мумкин;

– озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, тез ва сифатли қондириш;

– оқилона ва рационал овқатланиш психологиясини шакллантириш;

– илмий асосланган килоколорияни истеъмол қилишни таъминлаш;

– истеъмол харажатларини камайтириш (аҳолини вақтини тежаш орқали) натижасида уларга дам олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, оилада таълим-тарбия ишларига кўпроқ эътибор қаратиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга имконият яратиш ва бошқалар.

Оммавий овқатланиш жамиятда, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятига *биринчидан,* ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромадни ортишига қўшган ҳиссаси;

иккинчидан, ходимларни меҳнатга лаёқатлилик салоҳиятини ва уларни меҳнат унумдорлигини оширишга яратиб берадиган имкониятлари;

учинчидан, аҳолини бандлигини таъминлаш, янги иш жоиларини яратишдаги ўрни;

тўртинчидан, аҳолини пул даромадларини ошириши, уларни харид қобилиятини ортишига таъсири;

бешинчидан, моддий ва маънавий ресурсларни тежамли сарфлаш орқали озиқ-овқат ресурсларини ошириши. Уй шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини тежамли ва рационал ишлатиш оммавий овқатланишдай ташкил қилинмайди. Уй шароитида ҳар бир оила овқат тайёрлаш учун камида 2–3 соат вақт сарфлаб, 4–5 кишини таъминлайди.

Бу республика миқёсида (оилани ўртача 5 киши дан деб ҳисобласак) 2678900:5=535780 оилани (аҳолини сони 2007 йил бошида) ташкил қилган. Ҳар бир оила икки маҳал овқат пиширса, ўртача ҳар бир овқат тайёрлашга 2,5 соатдан ҳисобласак, бир йилда 535780.2,5.2.365=

977798500 соат сарфлаши зарур бўлади. Ушбу иш оммавий шаклда ташкил қилинса, ҳар бир оммавий овқатланиш корхонасини ўртача хўрандаларни қабул қилиш имконияти (икки маҳал овқатланиш учун) 100 киши деб ҳисобланса, овқат тайёрлашга 2,5х2=5 соатдан сарфланганда умуман (5х2678900/100х365)= 48889925 соат сарфланади. Шундай қилиб, тахминан республика миқёсида бир йилда (977798500-4888925)=928908575 соат иш вақти тежалади.

– Оммавий овқатланишни ташкиллаштириш натижасида инсон меҳнати тежалади, уларга шароит яхшиланади, қанчалаб аёллар уй меҳнатидан озод бўлади, озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ресурслардан, газ, электроэнергия, ёқилғи кабилар тежалади.

14.3.Оммавий овқатланишни ташкилий шакллари ва корхоналарининг турлари

Оммавий овқатланиш соҳасини ташкиллаштириш, уни ташкилий шакллари ва турлари, унинг қатор хусусиятларидан келиб чиқади:

– маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилинишини ташкил қилиш, сотиб олган товарларни сотиш каби функцияларни мужассамлаштириши;

– овқатлар ва кулинар маҳсулотларни ҳар куни ўзгариб турувчи талабга қараб ассортиментини шаклланиши, уларни сақлаш ва сотиш муддатини қисқалигига қараб тайёрлаш;

– маҳсулотлар ассортиментини (овқатлар турлари) хизмат қилинаётган контенгентини хусусиятлари, талаби, уларни касбий, миллий, ёш бўйича таркибига, харид қилиш қобилиятига, меҳнат қилиш ва ҳаёт тарзига боғлиқлиги;

– уларнинг маҳсулотлари ва хизматига талабни ҳар соатда, кунда, мавсумларда ўзгариб туриши;

– ишлаб чиқариш, муассасалар, ўқув юртлари ва бошқа оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг ишлаш вақтидан келиб чиқиб, уларга хизмат кўрсатиш. Масалан, шаҳарларда умум кирадиган ошхоналар, оилавий тантаналар, юбилейлар, байрам кечаларини ўтказишга мослашган, шифохона, дам олиш ва даволаниш муассасаларига мослашган, тез хизмат қилиш шахобчаларини ташкиллаштирилиши.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лар юқорида келтирилган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда таъминланувчи контенгент, ишлаб чиқариш хусусияти, ишлаб чиқариш ассортименти, хизматлар ҳажми ва турларига қараб таснифланади. Уларни аломатларига (белгиларига) қараб ҳар хил типларга (турларга) таснифланиши 14.3.1-чизмада келтирилган.

Оммавий овқатланиш корхоналарини таснифи

14.3.1- чизма

Т/р	Аломатларни белгилари	Турлари
1.	Таъминланувчи контенгентига қараб	1.1.Ташкиллашган контенгентларни таъминловчи (ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, ўқув юртлари)
		1.2 Умум кирадиган корхоналар
2.	Савдо-ишлаб чиқариш фаолияти тавсифига қараб	2.1 харид қилувчи
		2.1.1 контенгентларга хизмат кўрсатмайди
		2.1.2 контенгентларга хизмат кўрсатувчи
		2.2 Тайёрловчи (булар маҳсу - лотларини ўзлари тайёрлайди ва харид қилувчилардан олинган хом маҳсулотларни қайта тайёрлайди ва аҳолига хизмат қилади).

жадвалнинг давоми

3.	Ишлаб чиқариш ассортименти бўйича.	3.1. Комплекс корхоналар (бу ҳар хил типдаги шахобчалар бирлашмаси). 3.2. Универсал корхоналар. 3.3. Ихтисослашган.
4.	Хизмат тавсифи ва иш ҳажмига қараб	4.1. Люкс категорияли. 4.2. Олий категорияли. 4.3. I категорияли. 4.4. II категорияли. 4.5. III категорияли.
5.	Ишлаш даврига қараб	5.1. Доимий 5.2. Мавсумий
6.	Жойлашиши ва харакатига қараб	6.1. Стационар. 6.2. Ҳаракатдаги (автоошхона вагон-ресторан, купе-буфет, автобуфет ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари»да умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги турларга бўлинади.

Ресторан, вагон ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона.

Ушбу типлар иқтисодиётда ўтказилаётган ислоҳотлар, жамиятни тараққиётига мос ҳолда такомиллашиши ва уларни янгилари вужудга келиши мумкин.

14.4. Оммавий овқатланиш корхоналарини кўрсаткичлари

Оммавий овқатланиш корхоналарининг кўрсаткичлари уларнинг хусусиятлари (бажарадиган функциялари)дан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Уларнинг асосий ҳажмий кўрсаткичлари бўлиб товар айланмаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ҳисобланади.

Оммавий овқатланиш корхоналари товар айланмаси қуйидагилардан таркиб топади.

1. Чакана товар айланмаси жами, жумладан.

сотиб олинган товарларни сотиш.

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш (улгуржи товар айланмасидан ташқари).

Улардан:

Овқат (тушлик) маҳсулотини сотиш.

Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш.

3. Бошқа оммавий овқатланиш корхоналарига ўз маҳсулотларини чиқариш (улгуржи товар айланиши)

5. Ялпи товар айланиши (1+3).

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларини алоҳида ҳисоботи олиб борилади. Булар тушлик маҳсулотлари, кулинар маҳсулотларга, кондитер маҳсулотлар ва ярим-фабрикатларга бўлинади.

Оммавий овқатланиш корхоналарида унинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда юқоридагилардан ташқари қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ошхонадаги технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш қуввати, овқатланиш хоналарини асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари оммавий овқатланиш корхоналарини сони ва улардаги ўтириш жойлари уларни моддий-техник базасини ишлатиш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Айланма ва молиявий маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига тааллуқли кўрсаткичлар.

Меҳнат ресурслари ва иш ҳақига боғлиқ кўрсаткичлар.

Даромад, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари.

Оммавий овқатланиш корхоналарини асосий ҳажмий ва сифат кўрсаткичлари 14.4.1-чизмада келтирилган.

14.4.1-чизма


Оммавий овқатланиш корхоналарининг асосий ҳажмий ва сифат кўрсаткичлари таснифи
Овқатланиш шахобчалари
Ялпи товар айланиши
Маҳсулот ишлаб чиқариш
Хом ашё ва материаллар
Ресурслар
Иш ҳақи
Чакана товар айланиш
Улгуржи товар айланиши
Тушлик овқатлар
Кулинар маҳсулотлар
Хом ашё ва маҳсулотлар
Жиҳозлар, материаллар таъминоти
Асосий фондлар
Айланма маблағлар
Шахобчалар сони
Шахобчалардаги ўтиради ган жойлари
Сотиб олинган товарларни сотиш
Ёз маҳсулотларини сотиш
Бошқа овқатланиш корхоналарига маҳсулотлар чиқариш
Кондитер маҳсулотлар
Ярим фабрикатлар
Хом ашё ва маҳсулотлар (ишлаб чиқариш) захираси
Меҳнат ресурслари
Моддий ресурслар
Иш ҳақи
Иш ҳақи фонди
Товар захиралари
Товар таъминоти

14.4.1-чизманинг давоми



Таянч иборалар

Жамоа бўлиб овқатланиш, индивидуал овқатланиш, оммавий овқатланиш, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол, талаб, таклиф, хом ашё, товар, ресторан, вагон ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона, маҳсулот, товар айланмаси, ресурслар (асосий, айланма, молиявий, меҳнат), даромад, фойда рентабеллик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Овқатланиш жараёнини тавсифлаб беринг.
2. Оммавий овқатланиш таърифини айтинг.
3. Оммавий овқатланишнинг моҳиятини ёритинг.
4. Оммавий овқатланишнинг функцияларни ёритинг.
5. Оммавий овқатланиш соҳасининг вазифалари нималардан иборат.
6. Жамиятда оммавий овқатланиш қандай аҳамиятга эга?
7. Оммавий овқатланишнинг ташкилий шаклларини ёритиб беринг.
8. Оммавий овқатланиш корхоналари қандай турланади?
9. Оммавий овқатланиш корхоналарининг асосий кўрсаткичларини айтиб ўтинг.

15-боб. ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТИ ВА ТОВАР АЙЛАНИШИ

15.1. Оммавий овқат ланиш корхоналари товар айланиши кўрсаткичларининг хусусиятлари.

15.2. Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таҳлили.

15.3. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар заҳираларининг хусусиятлари.

15.4. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар айланишини режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури.

15.5. Оммавий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлар баланси.

15.1. Оммавий овқатланиш корхоналари товар айланиши кўрсаткичларининг хусусиятлари

Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши таснифи 14.4-§да ёзилган. Ушбу кўрсаткичлар шаклан чакана ва улгуржи савдо корхоналари кўрсаткичларига мос келади. Лекин уларни таркиби, шаклланиши бир-биридан фарқланади. Дарсликни биринчи қисм 9.1.1 ва 10.2-§га қаралсин.

Чакана савдо корхоналарининг товар айланиши асосан икки турдан иборат бўлиб, у аҳолига сотилган товарлар ва жамоавий эҳтиёжларини қондириши учун корхона, ташкилот ва муассасаларга майда улгуржи сотишдан ташкил топади.

Оммавий овқатланишда чакана товар айланиши «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида ҳисобот»да (4-савдо шакли) қуйидаги таркибда ҳисоботга олинади.

1. Овқатланиш корхоналари чакана товар айланиши

(1.1.+1.2.) (бу ерда воситачисиз, тўғри истеъмолчиларга сотиш назарда тутилаяпти.)

Шу жумладан:

1.1. Сотиб олган товарларни сотиш (бу ерда четдан сотиб олинган товарларни ҳеч қандай ишлов бермасдан сотиш ҳисоботга олинади).

1.2. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш (улгуржи айланмасиз).

Улардан:

1. Овқат маҳсулотини сотиш.

2. Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш.

Статистик ҳисоботда овқатланиш корхоналари улгуржи товар айланиши тўғрисида маълумот бермайди.

Овқатланиш корхоналарининг умумий чакана товар айланиши «Овқатланиш корхоналари чакана товар айланиши» (1) ва «чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш» (2)лар йиғиндисидан иборат.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар бундай ҳисобот бермайдилар.

Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига сотишнинг қуйидаги турлари кирмайди:

– буюртмачининг хом ашёси қиймати;

– етказиб берувчининг қайтариб олган тарасининг қиймати;

– маҳсулот ва товарларнинг ички силжиши (омборхонадан ошхонага, товарларни базага ёки омборхонага қайтариш, товарларни буфет ва ошхоналарга тақсимлаш);

– овқатланиш корхона ва ташкилотларига тегишли бўлган сартарошхона, биллиард, рақс заллари, видеосалон, ўйин заллари ва бошқа корхоналар даромадлари ҳамда концерт дастурлари кўришдан тушган даромадлар. Бу фаолият даромадлари хизмат кўрсатиш таркибида ҳисобга олинади.

Овқатланиш корхоналарида чакана товар айланиши билан бир қаторда улгуржи товар чиқариш (улгуржи товар айланиши) ҳам мавжуд. Бу турдаги товар айланиш тайёр маҳсулотлар ва яримфабрикатларни бошқа

овқатланиш (ўз филиалларидан ташқари) корхоналари ва чакана савдо корхоналарига қайта сотиш учун сотилганлар миқдоридан ташкил топади.

Чакана ва улгуржи товар айланишлар йиғиндиси овқатланиш корхонасини ялпи товар айланишини ташкил қилади ва у корхонанинг умумий савдо ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифлайди.

Оммавий овқатланишда «Майда улгуржи товар айланиши» тушунчаси ишлатилмайди.

Овқатланиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш дастури тузилади. Унда ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни турлари, ассортименти, сони ва баҳоси ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш дастурини пулдаги ифодаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича товар айланишини (чакана+улгуржи) ифодалайди.

15.2. Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таҳлили

Оммавий овқатланиш корхоналари товар айланишини таҳлилининг мақсади, вазифалари ва усуллари чакана савдо товар айланиши таҳлили билан бир хил. (дарсликни биринчи қисм 9.2.1-§га қаралсин).

Унинг хусусиятлари овқатланиш корхонасини чакана товар айланиши таркибидан келиб чиқади.

Оммавий овқатланиш корхоналари чакана товар айланишига, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан омиллар таъсир қилади.

Улар қаторига дарсликнинг 9.2.2-§да келтирилган омиллардан ташқари қуйидагиларни киритиш мумкин:

— оммавий овқатланиш корхонасининг товар айланишига, у хизмат қилаётган контингентини таркиби (ишчилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, раҳбарлар, мутахассислар, тадбиркорлар, талаба ва ўқувчилар, бозор иқтисодиёти шароитида юқори, ўртача ва минимал даромад олувчилар, ишсизлар, нафақахўрлар, аҳолини ёши

бўйича табақаланиши ва ҳ.к.);

– корхона ёки шахобча маҳсулотининг ассортименти;

– корхона ёки шахобчанинг тури, жойлашган жойи, ўтириш ўринлари сони;

– шаҳарда, қишлоқда, умуман оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ни жойлашган ерида рақобатчиларни мавжудлиги;

– овқатларни сифати, баҳоси кабилар.

Овқатланиш корхоналарини товар айланишини таҳлил қилганда чакана савдо товар айланишини таҳлилида аниқланган кўрсаткичларни (дарсликни 9.2.3 ва 9.2.4-§) ишлатишни тавсия қиламиз.

Овқатланиш корхоналари товар айланиш таҳлилини бошлашда қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз.

15.2.1-жадвал

Овқатланиш корхонасининг чакана товар айланиши ва маҳсулот ишлаб чиқариши (млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлари	Ўтган йиллар			Ҳисобот йили			Ўтган йилларга нисбатан, % ёки фарқи (+;-)		
		x_1	x_2	x_3	Режа	Ҳақиқатда	режани бажарилиши, % ёки фарқи (+;-)	x_3	x_2	x_1
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Чакана товар айланиши – жами.									
2	Сотиб олган товарларни сотиш суммаси... ҳиссаси, %...									

жадвалнинг давоми

3	Ўз маҳсулотини сотиш (улгуржи айланмасиз)-суммаси... ҳиссаси, % ...									
4	Овқат (тушлик) маҳсулотларини сотиш суммаси... 4-даги ҳиссаси,% ...									
5	Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш суммаси... 4-даги ҳиссаси,% ...									
6	Ўз маҳсулотларини улгуржи сотиш суммаси... ялпи товар айланишидаги ҳиссаси, %...									
7	Ялпи товар айланиши (1+2)									
8	Хизмат қилинаётган контенгент сони									
9	Контенгент жон бошига тўғри келган:									
10	Таомлар сони									
11	Ўз маҳсулотини сотиш									
12	Ўртача бир таомни баҳоси (1.2:4), сўмда									

жадвалнинг давоми

13	Булардан ташқари ўз маҳсулотини:									
14	уйга сотиш: – таом... – суммаси...									
15	тушликни иш жойларига етказиш: – таом... –суммаси...									
16	мактабларга етказиш: – таом... –суммаси...									
17	Ўз маҳсулотлари таркибида:									
18	биринчи таомлар, дона									
19	иккинчи таомлар, дона									
20	салатлар, сўмма									
21	ва ҳоказолар...									

Кейинги босқичда корхонани маҳсулотлар харажатини (улгуржи айланмани қўшган ҳолда) ассортиментини ўрганиш зарур.

Бундай таҳлилни статистик ҳисоботнинг 4-савдо шаклида келтирилган маҳсулотлар турлари бўйича таҳлил қилишни тавсия қиламиз. Бунинг учун қуйидаги 15.2.2-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Товар айланишини таҳлил қилиш жараёнида (юқоридаги 15.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики) овқатланиш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бирга кўрилаяпти. Шу сабали таҳлил жараёнида корхонани ишлаб чиқариш қуввати ва хўрандаларга хизмат

қилиш имконияти қандай ишлатилаётганлигига баҳо бериш зарур бўлади. Бунинг учун ушбу кўрсаткичларни овқатланиш корхонасининг жиҳозлари қувватини, ўтириш жойларидан фойдаланиш имкониятларини, уларни иш режимидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилиб чиқиш зарур бўлади.

Ушбу кўрсаткичларни шартли мисоллар асосида ҳисоблаш усулини кўриб чиқамиз.

Масалан, ошхона икки хил биринчи овқат пиширадиган қозонга эга. Уларнинг ҳар бири 60 литрли сиғимга эга. Биринчи овқатни ҳажми 0,5 литрга тенг. Қозонни тўлдириш коэффициенти – 0,85 га тенг. Овқатни тайёрлаш учун 2,5 соат вақт сарфланади. Ҳар бир маротаба овқатни пиширгандан кейин, уни кейинги тайёрловга тайёрлаш учун 60 минут вақт сарфланади.

Ошхона суткада танаффузсиз 14 соат ишлайди. Ошхона ҳафтада бир кун дам олиш куни, ойда 1 кун санитар куни қилади. Байрам кунлари ошхона ишламайди. Шундай қилиб, ошхона 52 кун дам олиш, 12 кун байрам ва 12 кун санитар кунлари, жами 76 кун ишламайди.

жадвалнинг давоми

	овқатлар														
5	Жами ноозиқ-овқатлар	минг сўм	х		х		х		х		х				
6	Умумий товар айланма (13+17)	минг сўм	х		х		х		х		х				

15.2.1-жадвал

Овкатланиш корхонасининг чакана товар айланнши ва махсулот ишлаб чикаринш

№	Махру-лотлар ва товарлар	Ул чов бир-лиги	Мах;сулотни тайёрлашга сарфланган хом ашё ва сотиб олинган товарларни буфет ва савдо тармоги оркали сотиш						^згаришлар (+;-)				Бакоси		Бахр ин-декси
			утган йил		хисобот йили				режага нисбатан		утган и ил га нисбатан		Утган йил	хаки-катда	
			со^ни	Чака-на бахр-да, минг сум	режада		хакикатда								
					сон и	чакана бахрда, минг	со-ни	чакана бахрда, минг	со-ни	сум-маси	со-ни	сум-маси			
i	2	3 1	"~1Г	[1] 5	6	7	8	9					14	15	16
1	Гушт ва парранда	тонна													
2	Жами озик.-	минг сум	х		х		х		х		х				
3	Тамаки максулот-лари	минг дона													
4	Бошка ноозик,-	минг сум	х		х		х		х		х				

^ШШеёШ&ш***;*

Ш»ШаШ

Ошхонани ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Бир маротаба овқат тайёрлаш учун сарфланадиган вақтни минут ҳисобида аниқлаймиз. (2,5х60)+60=210 минут ёки 3,5 соат.

2. Қозонларни тўлдириш ҳажмини аниқлаймиз. У баробар (2х60)х0,85= 102 литр.

3. Озқат пиширишни бир маротаба амалга оширганда 102:0,5=204 порция овқат тайёрланади.

4. Ошхона бир суткада қанча маротаба (цикл) овқат пишира олишини аниқлаймиз. (14х60):210=840:210=4 маротаба ёки 14:3,5=4

5. Ошхонани суткалик ишлаб чиқариш қуввати 204х4=816 блюда.

6. Ошхонани йиллик ишлаб чиқариш қуввати = (365−76)х816=289х816=235824 блюда.

Ошхонада йил давомида ҳақиқатда ишлаб чиқарган овқатлар сони − 200000 минг деб ҳисобласак, унинг қувватини ишлатиш коэффициенти= 200000:235824=0,84 яъни, унинг қуввати 84,0 % ишлатилаётган бўлиб чиқади.

Ошхонада хўрандаларга хизмат қилиш қобилияти қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

Масалан, ошхонани хўрандаларга хизмат қиладиган залининг майдони 140.8 м^2 бўлсин. Бир хўрандага ажратиладиган майдон нормаси, умуман 1,6 м^2. Зал суткада 20 % тўла ҳолда ва қолган вақтда зални 30 % ишлатилади.

Ошхона суткада 14 соат ишлайди. Бир хўрандага хизмат қилиш даври 30 минут. Ошхонани хўрандаларга хизмат қилиш қобилиятини аниқлаймиз:

1. Залдаги ўтириш жойлари сони 140,8:1,6=88 ўриндиқ.

2. Зални тўла ҳолда *ишлаш вақти* = $\frac{14 \cdot 20}{100} = 2{,}8$ соат, яъни 2,8х60=168 минут тўла ишлайди.

3. Зал 30 % ишлатилиш вақти= $\frac{14 \cdot (100-20)}{100} = 11{,}2$ соат ёки 11,2х60=672 минут.

4. Зални хизмат қилиш қуввати:

Тўла ишлатилганда $\frac{168}{30} x88 = 5{,}6 \cdot 88 = 493$ киши.

Зал 30 % тўлдирилган ҳолда = $\frac{672}{30} \cdot \frac{88x30}{100} = 22{,}4x26{,}4 = 591$ киши.

Суткалик қуввати = 493+591=1084 кишига хизмат қила олади.

5. Агар ошхона хизматидан фойдаланадиган хўрандалар ҳақиқатда бир кунда 900 кишини ташкил қилса, бир йилда ошхона хизматидан 900х289=260100 та хўрандалар фойдаланган бўлади.

Бу ҳолда ошхонани хизмат қилиш қувватини ишлатиш коэффициенти = 260100:313276=0,815, яъни 81,5 % ишлатилган бўлади.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткични динамик суръатини ҳисоб-китоб қилиб, унга баҳо бериш лозимдир.

15.3. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар захираларининг хусусиятлари

Оммавий овқатланишда товар захиралари уларни ишлатилишига қараб ҳар хил шаклларга турланади.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, хом ашё захиралари, булар тайёр овқатларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, омборларда, ошхоналарда сақланаётган маҳсулотлардан таркиб топади.

Иккинчидан, сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар захиралари, буларга пиширилган овқатлар, тайёрланган кулинария ва кондетер маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, салатлар кабилар киради.

Учинчидан, буфетлардаги товар захиралари.

Буларни ҳаммаси шакли, мақсадидан қатъий назар товар захиралари деб юритилади.

Оммавий овқатланиш корхоналаридаги товар захираларини таснифи, кўрсаткичлари, уларни таҳлил қилиш усуллари, режалаштириш тартиби чакана савдодаги товар захиралари билан бир хил. Лекин оммавий овқатланишда товар захираларини ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Биринчидан, овқатланиш корхоналарида захиралар ишлаб чиқариш билан ҳамда сотиш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш бир томондан хом ашё билан, иккинчи томондан яримфабрикатлар билан таъминланади, сотиш билан боғлиқ захиралар эса сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, яримфабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинган товар захиралари билан боғлиқ. Шундай қилиб овқатланиш корхоналари захираларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш захиралари ва товар захираларига ажратиш мумкин, лекин амалиётда бундай тақсимланмайди, ҳаммаси товар захиралари деб юритилади.

Иккинчидан, овқатланиш корхоналарининг захираларини хусусияти уларни миқдори (сақланиш нуқтаи назаридан) ва ҳажми чегараланганлигидадир. Чунки овқатланиш корхоналарини товар таъминотчилари яқин масофада жойлашган бўлади, улар товарларни ва хом ашёни кам ҳажмда ва тез-тез етказиб бериши зарур. Булардан ташқари, овқатланиш корхоналарини хом ашёлари тез бузилувчи хусусиятга эгалиги, уларни узоқ муддатга сақлаш мумкин эмаслигини талаб қилади, бу ҳам захираларни миқдорига таъсир қилади.

Учинчидан, овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш захираларини ҳиссаси юқорироқ, яъни ҳажмдан кўпроқ, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини суммаси камроқ бўлсада, уларни нисбий кўрсаткичлари миқдори (кунлар ҳисобида) тескари пропорцияда. Бу хусусиятлар ҳам улардаги хом ашё ва товарларни сақлай олиш муддатларидан келиб чиқади.

Амалиётда товар захираларини ҳисоб-китоби, таҳлил қилиш ва режалаштириш хом ашё, тайёр маҳсулотлар, яримфабрикатлар ва товарларга бўлинмайди, уларни кўрсаткичлари суммаси, натурал (тонна, литр, дона) ҳисобида ва кунлар ҳисобида, товар айирбошлаш тезлиги (кунлар ва маротаба) оммавий овқатланиш корхонасининг умумий товар айланишига нисбатан ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш билан боғлиқ захираларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш айланмасига, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини, сотиб олинган товарларни сотиш айланмасига нисбатан ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ ва бунда захиралар ҳолатига объектив ва реал баҳо бериш имконияти яратилади.

Товар захираларини таҳлил қилишда ва режалаштиришда юқоридаги кўрсаткичларга асосланган ҳолда ва чакана савдода ишлатилган усуллар орқали амалга ошириш лозим бўлади.

15.4. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар айланишини режалаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури

Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури бир-бири билан тиғиз боғлиқликда бўлганлиги учун, ушбу кўрсаткичлар биргаликда режалаштирилади.

Оммавий овқатланиш корхоналарида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан товар айланмасини миқдори улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар (тушлик, кулинар, кондитер, яримфабрикатлар, салатлар, ичимликлар) ҳажми ва уларни баҳосига боғлиқдир. Шунинг учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастури олдин ҳисоб-китоб қилинади ва кейин ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ҳажми аниқланади.

Оммавий овқатланиш корхонасини маҳсулот ишлаб чиқариш дастури қуйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилади:

• ўтган йиллар ва жорий йилга корхонани товар айланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби таҳлили натижалари;

• хизмат кўрсатилаётган аҳолининг ҳолати, ўтган йиллардаги ўзгариш суръати ва келажак даврга ҳисобланган сони, таркиби;

• корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, аҳолини хизмат билан қамраб олиш қобилияти ва ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш коэффициентлари;

• хизмат кўрсатилаётган контингент жон бошига сотилган маҳсулотлар бирлиги (1 кишига тўғри келган таом - I, II) кондитер, кулинария маҳсулотлари, суюқлик ичимликлар, салатлар ва бошқалар;

• аҳолини талабини ўрганиш натижалари ва корхонани режалаштирган менюси;

• корхонани режалаштирган даврга иш тартиби;

• корхонани хом ашё, яримфабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинадиган товарлар билан таъминланиши ҳажми ва таркиби (ассортиментлари бўйича) тузилган шартномалар асосида;

• ҳар хил техник-иқтисодий норма ва нормативлар.

Овқатланиш корхона (шахобча)лари уларни типларидан келиб чиқиб, ҳар хил шароитда ишлайди, ҳар хил ҳажмда ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқаради. Ушбу кўрсаткичлар уларнинг типларидан (ошхона, ресторан, кафе), ихтисослашганлиги (диета овқатлари, тез хизмат қилиш, оилавий маросимлар ўтказиш, ишчи-хизматчиларга, ўқувчиларга хизмат қилиш ва ҳоказолар), хизмат кўрсатилаётган контенгентни стабеллиги (ўзгарувчанлиги) ва таркибига боғлиқдир. Шунинг учун ҳар бир аниқ шароитга қараб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибини тегишли усуллардан фойдаланилган ҳолда режалаштириш зарур бўлади.

Овқатланиш корхона (шахобча)сида маҳсулот ишлаб чиқариш режасини тузишни айрим усулларини кўриб чиқамиз.

- Нисбатан кўп ўзгармас контингентга хизмат қиладиган овқатланиш корхона (шахобча)ларда (ишлаб чиқариш корхоналаридаги, мактаблардаги, олий ва ўрта махсус таълим юртларидаги, қурилишдаги, транспорт корхоналаридаги ва бошқа жойлардаги ошхоналар) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибини хизмат кўрсатилаётган контингент сони ва битта истеъмолчига тўғри келадиган таом (кун, ҳафта, ой, квартал, йил) орқали ҳисоб-китоб қилиш тавсия қилинади.

Ушбу ҳисоб-китобларни қуйидаги формулалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Бир киши бир кунда истеъмол қиладиган таомлар сони ($Б_{і.б}$): ўтган йилларда ўртача ёки жорий (базис) йилда ишлаб чиқарилган таомлар (I, II ва бошқалар) ($\sum Б_б$) бир кунда овқатланган контингентни ўртача сони ($\overline{К}_б$) ва ошхонани ушбу даврда ишлаган кунлари ($Т_б$) орқали аниқланади. Бу ерда:

$$Б_{і.б} = \sum Б_б : (\overline{К}_б \cdot Т_б)$$

Бу кўрсаткич орқали овқатланиш корхона (шахобча)сини, ойлик, кварталлик ёки йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш (блюдалар) миқдорини ($Q_{р.б.л.}$) қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$Q_{р.б.л} = Б_{і.б} \times \overline{К}_л \times Т_л$$

бу ерда, $\overline{К}_л$ ва $Т_л$ — тегишлича режалаштирилган йилга кўрсаткичлар.

Блюдалар сонини режалаштирилган йилга ўртача баҳоларга кўпайтириш орқали тушлик овқатларни сотиш суммаси аниқланади.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари хизмат қиладиган контингенти доимий бўлмаган ҳолларда (ресторан, кафе, умумий ошхоналар, тамаддихоналар) уларни контингентини аниқлаш аллақанча мураккаброқ. Бундай корхона ва шахобчалар учун маҳсулот ишлаб

чиқариш ҳажми аҳолини талабини ўрганиш асосида, хўрандаларни даромади, бир хўрандага тўғри келган блюдалар сони (кун, ҳафта, ой), режалаштирилган меню, корхона (шахобча)ни ишлаб чиқариш қуввати, хўрандаларга хизмат қилиш имконияти ва бошқа омилларни ҳисобга олган қолда ҳар хил усулларни қўллаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

Масалан, режалаштирилган меню орқали ҳисоб-китоб қилинса, ушбу кўрсаткич бир кунга эмас, бир неча кунга, ҳафта, ой, квартал ва йилга ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилинади.

Режалаштирилган меню – бу бирон бир даврга корхона (шахобча) сотишга тайёрлайдиган овқатларнинг рўйхатидир. Ушбу рўйхатда овқатни таркиби, оғирлиги ёки ҳажми ва баҳоси кўрсатилади.

Менюни ҳафталик режасини тузиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

15.4.1-жадвал

Ҳафталик меню ва ўртача бир кишлик овқатлар тайёрлашни ҳисоб-китоби (сони, дона)

Таом турлари	Ҳафта кунлари							Ҳафталик таомлар сони	Ўртача бир сутлик таом тайёрлаш
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жама	Шанба	Якшанба		
Биринчи овқатлар: 1._____ 2._____ 3._____									
Иккинчи овқатлар 1._____ 2._____ 3._____									

жадвалнинг давоми

Салатлар 1._____ 2. _____ 3. _____									
Ширинликлар 1._____ 2. _____ 3. _____									
ва ҳоказолар									

Менюни тузишда уни таркибини ўтган йилларга чуқур таҳлил қилиш, корхона (шахобча)ни имкониятларини эътиборга олиш, контингентни талабини ўзгариб бориш тенденцияларини ва бошқа омилларни ҳисоб-китоб қилиш зарур бўлади.

Режалаштирилган даврга овқатлар тайёрлаш режаси қуйидагича аниқланади: бир суткада тайёрланадиган овқатлар сони (турлари бўйича) ҳисоб-китоб қилинади ва улар овқатхонани режалаштирилган иш кунларига кўпайтирилади. Блюдалар сонини режалаштириш даврига мўлжалланган ўртача баҳосига (бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланади) кўпайтириш орқали овқатлар ишлаб чиқариш бўйича товарлар айланишини ҳисоблаш имкониятини беради.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларида овқатлар тайёрлаш режасини тузиш уларни ишлаб чиқариш қуввати ва хўрандаларга хизмат қилиш имконияти (суткада қатнашувчиларни ўтказиш салоҳияти) кўрсаткичларини ишлатиш ҳам мумкин. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш усули 15.2-§да келтирилган.

Овқатланиш корхона (шахобча)сини ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишдан товар айланмасини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган блюдалар (тушлик

маҳсулоти деб юритилади) билан бир қаторда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш (спиртсиз ичимликлар, кандитор ва кулинар мақсулотлар, яримфабрикатлар ва бошқа ун маҳсулотлари) ҳажми ҳам ҳисоб-китоб қилинади.

Бундай ҳисоб-китоблар учун ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш натижалари, аҳоли талабини қондириш (талабни ўрганиш маълумотлари), контингентни ҳолати ва келажакдаги сони ва таркиби, корхона (шахобча)ни ишлаб чиқариш қуввати, хўрандаларга хизмат қилиш салоҳияти, уларни моддий ресурслар билан таъминланиши каби кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланиши ҳажмини режалаштиришда корхона (шахобча)ларни типига қараб мавжуд буфетлар имконияти, ўтган йиллар кўрсаткичларини таҳлили натижалари, ушбу товарлар билан таъминланиш имконияти кабиларни ҳисобга олинади ва тегишли усуллардан фойдаланади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни улгуржи сотиш овқатланиш корхона (шахобча)сини ишлаб чиқариш қуввати, ўтган йиллар маълумотлари ва режалаштирилган даврга тузилган шартномалар асосида ишлаб чиқилади.

15.5. Оммавий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлар баланси

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларини самарали фаолият юритиши, товар айланиши режасини, ишлаб чиқариш дастурини бажариш, зарурий товарлар ва хом ашёлар захираларини яратиш учун уларни керакли озиқ-овқат маҳсулотлари (хом ашё) ва товарлар билан мунтазам таъминлаш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида таъминот масаласини хўжалик субъектлари мустақил (айрим шароитларда, ҳолларда, маҳаллий ҳокимият ва ҳукумат аралашиши

мумкин бўлган жараёнлар мавжуд) таъминотчилар билан тузган шартномалар ва бозорлардан сотиб олиш орқали ҳал қиладилар.

Овқатланиш корхона (шахобчаларини) хом ашё ва истеъмол товарлари билан таъминлаш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари саноати корхоналари;
- қишлоқ хўжалиги субъектлари (фермер ва деққон хўжаликлари);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи махсус базалар, омборлар;
- истеъмол товарлари савдоси билан шуғулланувчи улгуржи савдо базалари ва омборлари;
- чакана савдо корхона (шахобча)лари;
- ҳар хил воситачилар;
- бошқа оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари (яримфабрикатлар, кондитер ва кулинар маҳсулотларни улгуржи сотувчилар);
- деққон бозорлари.

Ўз маҳсулотларини товар айланишига ва ишлаб чиқариш миқдори ҳамда сотиб олинган товарларни товар айланишидан келиб чиққан ҳолда корхона (шахобча)ни хом ашё ва товарлар билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режа маҳсулотлар балансини ташкил қилади ва унинг таркибида хом ашё ва товарларнинг заҳиралари режалаштирилган даврнинг бошига ва уларнинг нормативлари даврнинг охирига, товар айланиши ҳамда хом ашё ва товарларни келтириш режаси кўрсатилади.

Маҳсулотлар балансини тузиш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ва сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланишини умумий ҳажми, ассортимент таркиби, ишлаб чиқариш дастури билан бир қаторда асос бўлиб, ўртача бир кунлик овқатларни сотиш режаси, ҳар бир овқат турлари бўйича сарфланадиган маҳсулотларни (хом ашё ва товарларни) нормаси (овқатлар рецепти деб юритилади) ҳамда хом ашё ва товарларни ўртача баҳолари ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичлар асосида хом ашё ва товарларга бўлган эҳтиёж миқдори ҳисобланади.

Овқатларнинг турлари ва уларга сарфланадиган маҳсулотлар нормасидан келиб чиқиб, овқатларни гуруҳлари (масалан, гўштли, сутли, сабзавотли ва ҳоказолар) бўйича гўшт, картошка, пиёз, сабзавот, ун, ёрма, макарон ва гуручлар каби асосий маҳсулотларни ўртача тортқичли нормаси аниқлаб олинади. Унинг учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$\overline{X} = \frac{x_1 q_2 + x_2 q_2 + \ldots + x_n q_n}{q_1 q_2 + \ldots + q_n} = \frac{\sum_{i=1}^{n} xq}{\sum_{i=1}^{n} q}$$

бу ерда, X_i – i- блюдага сарфланадиган маҳсулот нормаси (граммда), q_i – i- блюданинг ишлаб чиқариш режаси (дона), ёки унинг овқат гуруҳи таркибидаги ҳиссаси, %.

Маҳсулотнинг умумий ҳажми (Q) ўртача тортқичли нормани ишлаб чиқариладиган овқат гуруҳининг умумий сонига кўпайтириш орқали қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q = \overline{X} \cdot \sum_{i=1}^{n} q$$

Ҳисоб-китобларни осонлаштириш учун маҳсулотларни сарфлаш нормаси 100 та ёки 1000 та блюдага келтирилиб олиниши ҳамда алоҳида овқат турларини умумий овқат гуруҳидаги ҳиссаси, %да ишлатилиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қуйидагича жадваллардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

15.5.1-жадвал

Биринчи овқатлар учун маҳсулотлар сарфини ўртача тортқичли нормаси (граммда)

Таомлар номи	Овқат гуруҳидаги ҳиссаси, %	Гўшт		Картошка		Сабзавотлар	
		бир таомга норма си	фоиз-ли кўр-сат-кич	бир та-омга нор маси	фоиз-ли кўр-сат-кич	бир таомга нор-маси	фоиз-ли кўр-сат-кич
1	2	3	4=2·3	5	6=2·5	7	8=2·7
1. Шурпа							
2.Мастава							
ва ҳоказо	100,0						

Жадвалдаги 4,6,7 ва ҳоказо қаторлар жамини 100 га бўлиш билан маҳсулотларни ўртача тортқичли нормаси аниқланади.

Бошқа ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (ярим фабрикат, кондитер, кулинар таомлар) учун хом ашёга бўлган эҳтиёжи ҳам уларни ишлаб чиқариш миқдори ва сарфланадиган хом ашёлар нормасидан ёки ўтган йиллардаги ҳақиқий сарфлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сотиш учун сотиб олинадиган товарларга эҳтиёж уларни товар айланиши ва товар захираларини давр бошига ҳақиқий суммаси ва давр охирига режалаштирилган норматив миқдоридан келиб чиқиб, уларни баланс боғлиқлиги формуласи билан аниқланади (9.1.4-§).

Оммавий овқатланиш корхона ва шахобчаларида товар захираларини таҳлили ва нормалаштириш чакана савдонинг кўрсаткичларига мос келади. Ушбу масалаларни кўришда товар захираларини ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган хом ашё захиралари ва сотиш учун сотиб олинган товарлар билан боғлиқ товар захираларига ажратиб ўрганиш ва уларни кунлар ҳисобида аниқлашда тегишли товар айланишларига ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Биринчи таом		Иккинчи таом				ва ҳоказо овқатлар турлари бўйича	жами	ўртача бозор баҳоси, сўмда	харажатлар суммаси, минг сўмда
		режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$		гўштли		унли					
				режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$		режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$					
		$\overline{X}$	Q	$\overline{X}$	Q	$\overline{X}$	Q				
1	2	3	4	5	6	7	8		П-2	П-1	П
Гўшт											
Ун											
Картошка											
Балиқ											
ва ҳоказо											

Таянч иборалар

Товар айланиши, товар захиралари, товар таъминоти, хом ашё, ишлаб чиқариш қуввати, хўрандаларга хизмат қилиш салоҳияти, хом ашёларни сарфлаш нормаси, рецепт, ишлаб чиқариш дастури.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Оммавий овқатланиш соҳасининг товар айланиши кўрсаткичини моҳиятини ёритинг.
2. Товар айланиш қандай таснифланади?
3. Ишлаб чиқариш дастури моҳиятини ёритинг.
4. Товар айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишни хусусиятлари нималардан иборат?
5. Товар айланишни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади? Уларни ҳисоблаш усулларини айтинг.
6. Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари товар айланиш режалаштириш усулларини ёритинг.
7. Ишлаб чиқариш қуввати моҳиятини айтинг. Бу кўрсаткич қандай аниқланади?
8. Савдо залини харидорларга хизмат қилиш салоҳияти нима? Бу кўрсаткич қандай ҳисобланади?
9. Ишлаб чиқариш дастурини тузиш хусусиятларини ёритинг.
10. Хом ашёга бўлган эҳтиёж қандай ҳисобланади?

16-боб. ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

16.1. Оммавий овқатланишда асосий фондларнинг хусусиятлари, уларнинг баҳоланиши ва кўрсаткичлари.

16.2. Оммавий овқатланишда айланма маблағларни моҳияти, шаклланиши, ишлатилиши ва кўрсаткичлари.

16.1. Оммавий овқатланишда асосий фондларнинг хусусиятлари, уларнинг баҳоланиши ва кўрсаткичлари

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг асосий фондлари иқтисодиётга оид адабиётларда умуман тан олинган тарифига биноан маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмолини ташкил қилиш жараёни учун зарур бўлган меҳнат воситаларига тушунилади.

Асосий фондлар фаолият жараёнида ўз натурал-моддий шаклини ўзгартирмайди ҳамда ўз қийматини ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини такрорланиш даврида жисмоний ва маънавий эскириши меъёрига қараб, қисман маҳсулот қийматига ўтказиб боради.

Бухгалтерия ҳисобига мувофиқ оммавий овқатланиш корхоналари асосий фондлари (воситалари) деганда «... узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда, шунингдек маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларини бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар тушунилади»[1]. Бухгалтерия ҳисоботида «моддий активлар» қиймат кўрсаткич сифатида ишлатилади.

---

[1] Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш». –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. – 2004. 220-бет.

Назарий жиҳатдан меҳнат воситалари — бу инсонни меҳнат предмет (буюм, нарса)ларига таъсир ўтказиш учун ишлатиладиган воситалар мажмуасидир. Унинг таркибига меҳнат қуроллари (жиҳозлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқалар); бинолар, иншоатлар, транспорт воситалари, меҳнат буюм (нарса)ларини сақлаш учун қурулмалар ва ҳоказолар. Ер умумий меҳнат воситаси ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг асосий фондларига таъриф бериш назарий ва амалий жиҳатдан асосли бўлиб ҳисобланади. Чунки: *биринчидан,* восита — бу натурал моддий шаклдир, у асбоб, қуролни англатади; *иккинчидан,* асосий фондларга нафақат фаолият жараёнида бевосита иштирок этадиган меҳнат воситалари қиймати киради, унга фаолият юритиш учун зарур бўлган маъмурий, ижтимоий-маданий тавсифга эга бўлган меҳнат воситалари қиймати ҳам киради; *учинчидан,* асосий фондларга айрим меҳнат воситалари қиймати киритилмайди; *тўртинчидан,* асосий фондлар қиймат кўрсаткичи бўлиб, уни натурал-моддий шакли (кўриниши) фаолиятда жисмонан ишлатилади; *бешинчидан,* «фонд» сўзи рус тилидан келиб чиқиб, пул маблағларини англатади. Айрим ҳолларда фонд - ғамлаб қўйилган нарса, масалан, айрим ресурсларга уруғлик фонди, нисбатан ишлатиш амалиётда қабул қилинган. Бу тушунчалар умумий «фонд» сўзи мазмунидан истесно деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, **оммавий овқатланиш (бошқа тармоқ ва соҳаларга ҳам тегишли) корхона (шахобча)ларини асосий фонди — бу уларни хўжалик фаолиятини юритишда бевосита ва билвосита иштирок этадиган, бир йилдан кам бўлмаган муддатда хизмат қиладиган, меҳнат воситалари қийматининг пулдаги ифодасидир.**

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, асосий фондлар — бу иқтисодий категориядир ва хўжалик фаолиятидаги

иқтисодий муносабатларни шаклланиш жараёнида иштирок этади.

Асосий фондлар қиймат кўрсаткич сифатида ва унинг натурал-моддий шакли ҳисоб-китоб қилинади, таҳлил қилинади ва режалаштирилади.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари асосий фонди натурал моддий шакли бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш (айрим ҳолларда тақсимлаш) ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўз жойида истеъмол қилинишини таъминлашда ҳамда сотиб олган товарларни сотиш жараёнида иштирок этади. Бу жараёнлардан иштирок этмайдиганлари ҳам мавжуд. Ушбулар нуқтаи назаридан асосий фондларни бошқа тармоқлар ва соҳалардан фарқли ҳолда қуйидаги гуруҳларга тақсимлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситаларига (корхонани кухняси ва ундаги жиҳозлар);
- овқатларни истеъмол қилишни таъминлашда иштирок этадиган меҳнат воситаларига (овқатланиш залига қарашли бино, иншоотлар, жиҳозлар);
- сотиб олган товарларни сотиш жараёнида ишлатилаётган меҳнат воситаларига (буфет ва ундаги жиҳозлар);
- маъмурий, ижтимоий-маданий функция, бажараётган меҳнат воситалари (маъмурий бино, иншоотлар, жиҳозлар, автотранспортлар, медицина, кутубхона, клубларга тегишли, атрофни гўзаллаштиришга, табиатни муҳофаза қилишга, ёнғинга қарши хавфсизликка тегишли ва бошқа меҳнат воситалари)га.

Меҳнат воситаларининг қуйидагилари асосий фонд таркибига киритилмайди: махсус кийимлар; ошхона дастурхони ва сочиқлари, идиш товоғи ва анжомлари. Булар айланма маблағлари таркибига киради.

Бундай тақсимот асосий фондлари функционал вазифаси бўйича ўрганиш ва баҳолашни таъминлайди.

Асосий фондларни натурал-моддий шаклига қараб ҳар хил турларга ҳам ажратилади. Бундай турланиш таркиби, дарсликнинг 6.1.2-§да келтирилган.

Асосий фондларни баҳоланиши, кўрсаткичлари савдонинг асосий фондларига мос келади ва улардан тегишлича оммавий овқатланиш корхоналари кўрсаткичларини ишлатиш орқали фойдаланишни тавсия қиламиз (дарсликни 6.1.2 ва 6.1.3-§лар).

16.2. Оммавий овқатланишда айланма маблағларни моҳияти, шаклланиши ишлатилиши ва кўрсаткичлари

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар-булар меҳнат, капитал (меҳнат воситалари ва предметлари), ер, табиий ресурслардир.

Бу омиллар орқали жамиятда инсон эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилади, истеъмолчиларга етказилади ва истеъмол қилиниши ташкил этилади. Бу жараёнда «ер (табиий ресурслар) – меҳнат-ишлаб чиқариш воситалари (капитал)» бирлаштирилиб такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳаракатлантирилади.

Барча тармоқлар ва соҳаларда фаолиятни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бўлиб, меҳнат воситалари ва предметлари ҳисобланади.

Айланма маблағлар меҳнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситаларини шакллантиришга йўналтирилган пул маблағларидир. Ёки уларни – корхона фаолиятини юргизишда фойдаланиладиган меҳнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситалари қийматини пулдаги ифодаси деб тушуниш керак.

Меҳнат предметлари натурал-моддий, физик-кимёвий хусусиятлари бўйича фаолиятни (ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш ва бошқа фаолият жараёнларини) бир маротаба такрорланиш жараёнида тўла ишлатилади. Булардан хизмат муддати бир йилгача бўлган

меҳнат воситалари иштирокида.

Бир фазада тўла айланиб, бир турдан иккинчи турга ўтиш хусусиятларидан келиб чиқиб, меҳнат предметлари қийматини **айланма маблағ (айланма капитал)** деб юритиш қабул қилинган.

Айланма маблағлар корхонани барча фаолиятини — таъминот, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, молиялаштириш жараёнларини доимийлигини ва маромийлигини таъминлайди.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда ва такрор айланишда корхона фаолиятда қатнашади. Айланма маблағларнинг моҳияти, шаклланиш манбалари барча тармоқлар ва соҳалар бўйича бир хил тусда. Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблағлари бошқа тармоқ ва соҳаларникидан ўз таркиби, ишлатилиш йўналишлари ва ҳаракати билан фарқ қилади.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлиб, бир вақтда ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш (маҳсулотларни сотиш) ва овқатларни жойида истеъмол қилинишига хизмат қилади. Айланма маблағларни айланиши вақт талаб қилади. Улар ҳаракатини олдин пул сифатида бошлайди, кейин бир қанча жараёнларни ўтиб товар шаклига айланади. Товарлар қиймати пулга айлангандан кейин улар яна пул шаклига айланиб, корхона авансланган маблағи ўзига қайтиши таъминланади. «П-ИЧ-Т-П» айланиши бир маротаба айланганда маблағ бирдан қайтарилади. Бу жараён ишлаб чиқаришда ва савдода аллақанча вақт талаб қилади. Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларни ишлаб чиқариш савдо жараёнидаги хусусиятлари натижасида уларда тугалланмаган ишлаб чиқариш қарийб вужудга келмайди, айланма маблағларни айланиши ишлаб чиқаришга, чакана ва улгуржи савдодагига нисбатан тез амалга ошади.

Оммавий овқатланишда ишлаб чиқариш, савдо жараёнида айланма маблағларни бажарадиган функцияла-

ридан келиб чиқиб, улар маҳсулот тайёрлаш, уларни ва товарларни сотишда хом ашё ва товарларга, йўллаги хом ашё ва товарларга, узоқ муддатга картошка ва сабзавотлари тайёрлаш, сақлаш ҳамда уларни қайта ишлаш ва сотиш учун қўйилган пул маблағларига, кўмакчи хўжаликдаги маблағларга, бошқа активларга (тараллар захираси, ёқилғи, инвентарлар ва бошқалар) пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоб рақамлардаги маблағларга бўлинади.

Оммавий овқатланишда айланма маблағларни асосий қисми ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилади.

Оммавий овқатланишда айланма маблағларнинг таркиби, кўрсаткичлари дарсликнинг 6.2.2 ва 6.2.3-§ ларида келтирилган. Фақат ушбу кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилишда оммавий овқаталнишнини умумий товар айланишини ишлатилишини эътиборга олиш зарур.

Оммавий овқоланиш соҳасининг молиявий ва меҳнат ресурсларининг моҳияти, шаклланиши, кўрсаткичлари асосан савдо соҳасига мос келади. Фақат, бу ерда оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларини товар айланишини ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ишлатиш, ходимлар сонида поварлар, официантлар кабиларни борлигини эътиборга олишни тавсия қиламиз (дарсликни 6.3 ва 6.4-бобларига қаралсин).

Таянч иборалар

Ресурс, ер, капитал, меҳнат, моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар, асосий фондлар, амортизация, бошланғич қиймат, тиклаш қиймати, қолдиқ қиймат, самарадорлик, самара, айланма маблағлар, айланма фондлар, айланма капитал, айланма активлар, омиллар, кўрсаткичлар, молия, давлат молияси, хўжалик субъектлари молияси, жисмоний шахслар молияси, молиявий тизим, пул, молиявий ресурслар, пул муносабатлари, савдонинг молияси, молияни функциялари, молиялаштириш, кредитлашти-

риш, меҳнат, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишчилар сони, рўйхатдаги ишчилар, меҳнат салоҳияти.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

11. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат бўлади?
12. Табиий ресурсларга нималар киради?
13. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
14. Асосий фондлар таркибини айтинг.
15. Асосий фондлар таснифини айтинг.
16. Асосий фондлар қандай баҳоланади?
17. Амортизация нима, қандай аниқланади?
18. Асосий фондлар кўрсаткичлари қандай гуруҳларга бўлинади?
19. Қандай кўрсаткичлар асосий фондлар ҳолатини англатади?
20. Асосий фондлар билан савдо корхоналари таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?
21. Асосий фондлар таркиби қандай кўрсаткичлар орқали ҳисоб-китоб қилинади?
22. Айланма маблағлар мазмунини ёритиб беринг.
23. Айланма маблағлар асосий фондлардан қандай фойдаланади?
24. Айланма маблағлар қандай манбалар ҳисобидан шаклланади?
25. Хўжалик фаолиятида ишлатилаётган ресурслар қандай тарзда бир шаклдан бошқа шаклга ўтади?
26. Айланма маблағлар натурал-моддий таркибига нималар киради?
27. Айланма маблағлар қийнатиш бўйича қандай таснифланади?
28. Айланма маблағлари таркибининг қайси бири нормаллаштирилади?
29. Айланма маблағлар қайси қисмини режалаштириш қийин ёки мумкин бўлмайди?

30. Айланма маблағлар ҳолати қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

31. Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

32. Айланма маблағлар таркибини қандай кўрсаткичлар орқали ҳисобланади?

33. Айланма маблағлар билан таъминланганлиги қандай аниқланади?

34. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қандай кўрсаткичлардан иборат?

35. Молия деб нимани тушунасиз?

36. Молиявий тизим нима ва уни тартибга нималар киради?

37. Молиявий ресурслар нима?

38. Молиявий ресурслар қандай манбалардан ташкил топади?

39. Молиявий ресурслар ҳолати ва таркибини англатувчи кўрсаткичларни айтинг.

40. Молиявий ресурслар барқарорлиги қандай аниқланади?

41. Молиявий ресурслар самарадорлиги қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

42. Меҳнатнинг моҳиятини ёритиб беринг.

43. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиз?

44. Меҳнат салоҳияти нима ва у меҳнат ресурсларидан қандай фарқланади?

45. Ишчи кучи нима?

46. Ишчи кучи такрор ишлаб чиқарилиши қандай фазалардан иборат бўлади?

47. Рўйхатдаги ходимлар сони қандай аниқланади?

48. Ходимларни ўртача сони қандай аниқланади?

49. Меҳнат ресурсларини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?

17-боб. ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ХАРАЖАТЛАРИ, ФОЙДАСИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИ

17.1. Оммавий овқатланишда даромадларнинг шаклланиш хусусиятлари.

17.2. Оммавий овқатланиш соҳаси харажатларининг хусусиятлари.

17.3. Оммавий овқатланишда фойда ва рентабеллик.

17.1. Оммавий овқатланишда даромадларнинг шаклланиш хусусиятлари

«Даромад» категориясини табиати ва моҳияти ушбу дарсликнинг 13.1.1-§да ёритилган.

Савдо ва оммавий овқатланишда даромаднинг табиати, моҳияти бир-бирига мос келади.

Уларнинг фарқи шаклланиш манбаларида, таркибида, такрор ишлаб чиқариш жараёнида савдо ва оммавий овқатланишни бажарадиган функциялардан келиб чиқади.

Оммавий овқатланишда даромадлар маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва истеъмол қилинишини ташкил қилиш ҳамда сотиш учун сотиб олинган товарларни айирбошлаш ва бошқа фаолиятларга боғлиқ.

Оммавий овқатланишда даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи харажатлари) қиймати ва қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан у «с + v+ m» - га тенг. Бу ерда «с + v» жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни оммавий овқатланиш харажатларини англатса, «m» – уларни соф фойдасини миқдорини англатади.

Оммавий овқатланишда ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида ўз аксини топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Оммавий овқатланишда фаолияти қиймати (c + v + m), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча, оммавий овқатланишда ҳам савдодаги каби «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Оммавий овқатланиш корхоналари (шахобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у оммавий овқатланиш соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада сотишдан олинган даромадлар улар томонидан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом ашёларга ҳамда сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Оммавий овқатланиш соҳасида савдо соҳасига ўхшаш даромадларни асосий қисми тегишлича ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан шаклланади.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да

(5 февраль 1999 йил 54-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан, оммавий овқатланиш корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан оммавий овқатланиш корхоналарини ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олинган товарлар сотишдан олинган даромади уларни харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у бир томондан оммавий овқатланиш соҳасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қийматидаги, иккинчи томондан, сотиш учун сотиб олинган истеъмол товарлар баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, овқатланиш соҳасининг сотишдан олинган даромади овқатланиш соҳаси хизматларини қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олган даромадни моҳиятини очиб беради.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқларидаги каби янги қиймат яратади. Ушбу нуқтаи назардан оммавий овқатланиш соҳасида ишлаб чиқариш тармоқларида товар қийматини яратилиши ва улар баҳосини шаклланишига мос келади. Шу сабабли уларда ҳам «таннрах» ва «фойда» каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин. Лекин оммавий овқатланишда даромадларнинг шаклланиши ва аниқлаш усуллари савдоникига мослаштирилган.

Оммавий овқатланишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳамда товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш товарларни чакана баҳоси (устамалар) ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий овқатланишда устамалар (хом ашё ва товарлар учун) товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (чакана ва улгуржи савдодан, деҳқон бозорларидан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Оммавий овқатланиш корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1) сотишдан олинган даромад. Оммавий овқатланишнинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади;

2) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

3) асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулотдаги даромадлар киради.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)лари даромадининг таркибий турлари 17.1.1-чизмада келтирилган.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг даромадлари турлари



17.1.1-чизма.

Оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларида 17.1.1-чизмадан кўриниб турибдики, савдодагидан фақат

«товарларни сотишдан олинган даромад»ни шаклланиши билан фарқланади.

Даромадлар миқдори абсолют-сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Даромадлар кўрсаткичларини уларни шаклланиш манбаларидан келиб чиқиб қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз:

- товарларни сотишдан олинган даромадларни оммавий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг умумий товар айланишига (чакана+улгуржи) нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича умумий товар айланиши (чакана+улгуржи)га нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан олинган даромадларни сотиб олинган товарларни сотиш товар айланмасига нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- товарларни сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларни нисбати фоизда ёки коэффициентда, ёки ушбу кўрсаткичнинг тескариси;
- ялпи даромадни барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни амортизация суммаси, айланма маблағлар ва молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициент-да.

Бундан ташқари, даромадларнинг таркиби ҳар бир элементининг уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

17.2. Оммавий овқатланиш соҳаси харажатларининг хусусиятлари

Оммавий овқатланиш соҳасининг фаолияти моддий меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни тақозо

қилади. Назарий жиҳатдан моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва товарларни сотиш жараёнидаги харажатларини пулдаги ифодаси оммавий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари деб юритилади.

Расмий ҳужжатларда ва амалиётда «ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари» атамаси ишлатилмайди, улар «муомала харажатлари» деб юритилади.

Оммавий овқатланиш соҳаси харажатлари бошқа тармоқлар ва савдодан табиати ва таркиби билан фарқ қилади (расмий ҳисоботда савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг ва муомала харажатларининг моддалари бир хил бўлишига қарамай).

Савдо соҳасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар йўқ, ишлаб чиқаришда товарларни жойларда истеъмолини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар йўқ. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришда хом ашё ва материаллар қиймати таннарх таркибига киритилади, оммавий овқатланишда эса ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритилмайди. Шу сабабли оммавий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари таннархини тўла акс эттирмайди, уларда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва сотиб олинган товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар акс эттирилади.

Оммавий овқатланишни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчиларни иш ҳақи; хом ашё ва яримфабрикатларни ташиш, сақлаш билан боғлиқ, ёқилғи ва электрэнергияга харажатлар, асосий фондлар (ишлаб чиқариш билан боғлиқ) амортизацияси, уларни ижараси, таъминлаш харажатлари; муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситаларни эскириши билан; махсус кийим кечакларни эскириши, ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Тайёр маҳсулотларни жойларда истеъмол қилишни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар: ўзи ишлаб чиқарган овқатларни ва сотиш учун сотиб олинган товарларни истеъмол қилишни ташкиллаштириш билан банд бўлган ишчилар иш ҳақи (официантлар, овқатланиш заллари метроделлари, администраторлари, идиш-товоқ ювувчилар, зални тозаловчилар, гардеробчилар ва ҳоказолар); овқатланиш зали билан, жиҳозларни эскириши, ижараси ва таъминлаш билан боғлиқ харажатлари; идиш-товоқларни эскириши; зал ишчиларини махсус кийим-кечакларини ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади.

Товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар: сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш (уларни жойларда истеъмол қилдириш билан боғлиқ харажатлардан ташқари) билан боғлиқ тегишли муомала харажатлари моддаларидан ташкил топади.

Муомала харажатларини юқоридагидек таснифлаш амалиётда ишлатилмайди. Лекин уларнинг миқдорини эксперт текшириш, танлов текширишлар орқали ҳисобкитоб қилиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари ҳар қандай субъектида мавжуд бўлганидек оммавий овқатланиш корхоналарида ҳам «Маъмурий-бошқарув харажатлари» алоҳида ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомга биноан муомала харажатлари сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар; бошқа операция харажатларига бўлинган.

Муомала харажатларини моҳияти, табиати, таснифи, кўрсаткичлари уларни таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари дарсликнинг 12-бобида батафсил ёритилган. Фақат чакана савдо «Чакана товар айланиши» кўрсаткичи ишлатилган жойларда оммавий овқатланишни «Умумий товар айланиши» (чакана+улгуржи) кўрсаткичи ишлатилиши зарур.

17.3. Оммавий овқатланишда фойда ва рентабеллик

Фойда ва рентабеллик моҳияти, аҳамияти таҳлили ва режалаштириш масалалари савдо корхоналарига мос ҳолда дарсликнинг 13.2-бобида ёритилган.

Ушбу жойда бизлар оммавий овқатланиш соҳасининг ҳусусиятларига боғлиқ бўлган, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига тааллуқли масалаларни ёритиш билан чегараланамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54- сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом кўрсатмаларидан келиб чиқиб, оммавий овқатланишда фойдани шаклланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фойда ва рентабелликни шаклланиш кўрсаткичларини аниқлаш усулларини кўриб чиқамиз.

Фойдани алоҳида турларини ҳисоблашда қуйидаги усуллардан фойдаланишни тавсия қиламиз:

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад – (ЯД)

$$ЯД = ООУТА - СТМХҚ$$

бу ерда; ООУТА - Оммавий овқатланишни умумий товар айланиш (чакана+ улгуржи); СТМХҲ - хом ашёлар, ярим фабрикатлар ва товарларни харид қиймати;

Жумладан:

1.1. Ўз маҳсулотларини сотишдан олинган даромад - (ҲМСД)

$$ЎМСД = СМСТ - ХЯХҚ$$

бу ерда, СМСТ – сотилган маҳсулотлардан соф тушум (ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш + маҳсулотни

улгуржи сотиш), ХЯХҚ - хом ашё ва яримфабрикатларни харид қиймати.

1.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан даромад- (СТСД)

$$СТСД=СТССТ - СТХҚ$$

бу ерда, СТССТ- сотиб олинган товарларни сотишдан соф тушум, СТХҚ- сотиб олинган товарларни харид қиймати.

2. Оммавий овқатланишни муомала харажатлари (ООМх) жами:

2.1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш харажатлари (МИЧСМх).

2.2. Сотиб олинган товарларни сотиш харажатлари (СТСМх).

Ушбу кўрсаткичлар бухгалтерия ҳисоботлари асосида эксперт баҳолаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

3. Оммавий овқатланишда маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган ялпи фойдаси - (МТСЯФ)

$$МТСЯФ=ЯД - ООМх.$$

3.1 Ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда – (УМСФ)

$$УМСФ = УМСД - МИЧСМх.$$

1.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда – (СТСФ)

$$СТСФ = СТСД - СТСМх.$$

4. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда – (АФФ)

$$АФФ = МТСЯФ + БД - БЗ.$$

бу ерда, БД, Бз – тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар (17.1.1-чизмада уларни таркиби келтирилган).

5. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда – (УФ)

$$УФ = АФФ + МД - МХ;$$

бу ерда, МД, МХ – тегишлича молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар (17.1.1-чизмага қаралсин).

6. Солиқ тўлангунча олинган фойда- (СТФ)

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ;$$

бу ерда, ФФ, ФЗ – тегишлича фавқулодда фойда ва зарарлар.

7. Соф фойда – (СФ)

бу ерда, ЯСТ – ялпи солиқ тўлови, ММС –мол- мулк солиғи.

Оммавий овқатланишда савдодаги каби фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланди, шу сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб оммавий овқатланишни умумий товар айланиш суммасига (ООУТА) бўлиш орқали аниқланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиққан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта)

(бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

$$Р_{ТА} = \frac{МТСЯФ \cdot 100,0}{ООУТА}$$

Рентабелликни бошқа кўрсаткичларини пастда изоҳлаймиз.

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чакана товар айланиши ҳажми (ООТА) ва таркиби ($ООТА_{i-n}$), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда (СТСФ), сўмда;
- ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда (УМСФ), сўмда;
- маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган фойда (МТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;
- солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Мх), сўмда;
- муомала харажатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %. Бу кўрсаткичларни қуйидагича аниқланишини тавсия қиламиз:

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

бу ерда, А – асосий фондлар аммортизацияси суммаси.

• Айланма маблағларни рентабеллиги (Рай.$_м$) ва уларни даромадликлиги (Дай.д), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Д_{ай.м} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{АйМ(ёки\overline{З})}; \qquad Д_{ай.х} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(ёки\overline{З})}$$

бу ерда, Ай.М – ўртача айланма маблағлар суммаси, $\overline{З}$ – ўртача товар заҳиралари суммаси.

• Ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ди.х) ва даромадлилиги (Ди.х), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Д_{и.х} = \frac{УФ}{\overline{Х}}; \qquad Д_{и.д} = \frac{ЯД}{\overline{Х}}$$

бу ерда, $\overline{Х}$ – ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

• Муомала харажатларини рентабеллилиги (Мх.р):

$$М_{х.р} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{Мх};$$

бу ерда, Мх – муомала харажатлари суммаси.

• Иш ҳақи фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %. Булар тегишлича қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{х.ф.р} = \frac{УФ}{И_{х.ф}}; \qquad И_{х.ф.р} = \frac{УФ \cdot 100}{И_{х.ф}}$$

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнини хусусиятлари, ушбу кўрсаткичларни шаклланиши ва таркиби тўғрисидаги кўрсаткичлардан келиб чиқади.

Биз юқорида оммавий овқатланиш соҳаси корхоналари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уни даромадлари ва фойдасини шаклланиши хусусиятларни, уларни таснифини. кўрсаткичларни ёритиб ўтдик. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш усул ва услублари жараёни савдо корхоналаридаги таҳлил жараёнига мос келади. Фарқи шундаки, бу ерда чакана савдо ўрнига оммавий овқатланишнинг тегишли кўрсаткичлари ишлатилади.

Сўнгги йилларда қатор иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш масалаларига барча соҳалардаги хўжалик юритувчи субъектларда бирмунча эътибор пасайган бўлсада, унинг мазмуни ва аҳамияти пасайганича йўқ Чунки режалаштириш маъмурий буйруқбозлик тизимининг элементи эмас балки, бозор иқтисодиётининг ҳам ажралмас бир бўлаги эканлиги исботланди. Рақобат муҳитининг кучайиши барча бошқа соҳа субъектларидаги каби овқатланиш хизматларини кўрсатувчи субъектларда режалаштиришга кенгроқ эътибор қаратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Овқатланиш корхоналарида барча иқтисодий кўрсаткичлар режалаштирилиши мумкин. Аммо хўжалик фаолиятининг пировард мақсади фойда олиш экан, фойда ва рентабелликни режалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришни асосий мақсади овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари ва уларнинг умумий мақсадидан келиб чиқиши зарур.

Овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари улар фаолиятида ишлаб чиқариш, айирбошлаш, яъни олди-сотди жараёни ва ишлаб чиқарган маҳсулотни ўз жойида истеъмол ташкил қилиш, сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш каби функцияларни бажариш билан белгиланади. Ушбулардан келиб чиқиб; овқатланиш корхоналарининг умумий мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, жойида сотиш, истеъмолни ташкил қилиш сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш асосида даромад ёки фойда олишга эришишдир.

Овқатланиш корхоналарининг фойдаси бир томондан, юқорида келтирилган функцияларни бажарилиш шарт-шароитлари, ҳажми ва таркибига; иккинчи томондан, даромадларнинг турлари ва шаклланишига; учинчи томондан, овқатланиш корхоналарининг харажатлари миқдори ва таркибига боғлиқ бўлади.

Фойда ҳар қандай корхона, жумладан, овқатланиш корхоналари учун ҳам уларнинг ривожланиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг яна бир муҳим томони, жамият тараққиётини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилар фойдани режалаштириш қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришдан асосий мақсад — бирор томондан, корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш бўлса; унга эришиш учун овқатланиш корхоналари аҳоли талабига жавоб берадиган, юқори сифатли озиқ — овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши, сотиши ва истеъмол қилиниши сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш учун юқори даражадаги хизматни ташкил қилишига боғлиқдир. Бу муҳит фойдани режалаштириш мақсадини иккинчи томонини намоён қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштириш қуйидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштириши керак:

— асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ғояларини аниқлаш;

— фойдага таъсир қилувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс таҳлил қилиш ва келажакка башорат қилиш;

— фойдага бевосита таъсир қилувчи омиллардан келиб чиқиб корхонани безарарлик нуқтасини аниқлаш;

— бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан оқилона, рационал фойдаланиш, харажатларини тежамлигини, молиявий натижаларни оптималлигини таъминлаш;

– режани бозор конъюнктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантларини тайёрлаш;

– ишлаб чиқилган ва қабул қилинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

– даромадлар ва харажатлар баланси;

– техник-иқтисодий ҳисоб–китоб усули;

– безарарлик (зарарсизлик) нуқтасини аниқлаш усуллари;

– эластиклик коэффициентларини қўллаш усули;

– иқтисодий- математик усуллар.

Баланс усули амалиётда товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришда, аҳоли даромадлари ва харажатларини аниқлашда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Биз овқатланиш корхоналари фойдасини режалаштиришда баланс усулидан кенг фойдаланишни тавсия қиламиз. Баланснинг чап қисмида оммавий овқатланиш корхонасининг барча даромадлари миқдори, ўнг қисмида харажатларнинг барча турлари миқдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади.

Бизнингча баланс таркибини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқдир.

Овқатланиш корхонасининг даромадлар, харажатлар ва фойдаси баланси (минг сўм)

17.3.1-чизма

Даромадлар	Сумма	Харажатлар ва фойда	Сумма
1. Сотишдан олинган даромадлар — жами Жумладан: 1.1. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олган даромади. 1.2 Сотиб олган товарларни сотишдан олган даромади. 2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. 3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. 4. Фавқулотда даромадлар.		1. Сотиш таннархига киритилган харажатлар. 2. Давр харажатлари. 2. 1. Сотиш харажатлари. 2.2. Маъмурий харажатлар. 2.3. Бошқа операцион харажатлари. 3. Келгуси давр харажатлари. 4. Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар. 5. Молиявий фаолиятга доир харажатлар. 6. Фавқулотда харажатлар.	
5. Ялпи даромад.		7. Жами харажатлар суммаси.	
		8. Солиқ тўлангунча фойда. 9. Ялпи даромад солиғи. 10. Мол мулк солиғи. 11. Соф фойда.	
Баланс		Баланс (7+8)	

Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб усулидан балансдаги кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алоҳида турларини аниқлашда ишлатилади. 1999 йил 5 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўҳрисида»ги Низомга мувофиқ оммавий овқатланиш корхоналарининг фойдасининг ҳисоб-китоб қилиш усули 17.3-§да ёритилган.

Безарарлик нуқтасини аниқлаш орқали фойдага таъсир қилувчи омилларнинг қанча миқдорида соф фойдага эришиш мумкинлиги аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

$$1.\ \textbf{БН} = \frac{ДХ}{1 - \frac{УХ}{ООУТА}};$$

бунда, **ДХ** – доимий харажатлар (муомала ва ишлаб чиқариш харажатларини) ўзгармас қисми; **ООУТА** – овқатланиш корхоналарининг умумий товар айланиши, $\mathbf{У_х}$ оммавий овқатланиш корхонасини ўзгарувчан харажатлари

$$2.\ \textbf{БН} = \frac{ДХ \cdot 100}{\frac{Д \cdot 100}{ООУТА}};$$

бунда, **Д** – даромадлар.

$$БН = \frac{ООУТА \times ДХ}{ООУТА - Ух}.$$

Эластиклик коэффициенти фойдага таъсир қилувчи омилнинг 1 % ўзгариши фойдани қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич

ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш орқали ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирилган йилга таъсир қилувчи омилни ўзгариш миқдорига коэффициентни кўпайтириш орқали фойдани ўзгариш даражаси аниқланади.

Эластиклик коэффициентини умумий кўриниши қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$К_э \frac{\Delta У \cdot 100}{У} : \frac{\Delta Х \cdot 100}{Х} = \frac{\Delta У}{\Delta Х} \cdot \frac{Х}{У} :$$

бунда, у– фойданинг миқдори; Х–таъсир қилувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори «ΔY» унга таъсир қилувчи омилнинг «ΔХ» ўзгариш миқдорига нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни ҳисоблаш учун корреляцион тенгламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғлиқлик тўғри чизиқли бўлса,

$у = а + вх$, унда $К_э = в \cdot \frac{\bar{Х}}{У}$; «в» - регрессия коэффициенти, уни юқорида келтирилган тенгламани ечиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса. Масалан, кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойдани миқдори аниқлангандан кейин рентабеллик кўрсаткичи аниқланади.

Амалиётда рентабеллик асосан фойда суммасини 100 кўпайтириб, оммавий овқатланиш корхонасини умумий товар айланишига бўлиш билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич билан бир қаторда фойдани ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига нисбатан; корхонанинг даромадига нисбатан; иш ҳақига нисбатан ва ҳ.к. нисбатан аниқлаш ҳам мумкин.

Таянч иборалар

Товар айланиши, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар, фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безарарлик нуқтаси, эластиклик коэффициенти, баланс, харажатлар, даромадлар, самарадорлик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Оммавий овқатланишнинг даромадини таърифини айтинг.
3. Оммавий овқатланишнинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Оммавий овқатланишнинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?
12. Фойдани режалаштириш ва прогнозлашни аҳамиятини ёритиб беринг.
13. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай маълумотлардан фойдаланилади.
14. Фойда ва рентабелликни режалаштиришни мақсади нималардан иборат?

15. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай вазифалар ҳал қилинади?

16. Фойдани режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?

17. Фойдани режалаштиришда тузиладиган баланс мазмунини ёритиб беринг.

18. Техник-иқтисодий ҳисоблар усули қандай ва қайси ҳолда ишлатилади?

19. Безарарлик нуқтаси қандай аниқланади?

20. Эластиклик коэффициентини моҳиятини ёритинг.

21. Савдода самарадорликни моҳиятини ёритиб беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонун. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31–33.

2. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида Қонун. 1991 йил 15 феврал Ўзбекистон Республикаси Қонун ва фармонлари. –Т. «Ўзбекистон», - 1992.

4. Ўзбекистон Республикасининг Кооперация тўғрисидаги 1991 йил 14 июн Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил, 8-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида 1991 йил 14 июн Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 8-сон.

6. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахбортномаси. 1992 йил, 1-сон.

7. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 10-сон.

8. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Қонуни. 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.

9. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 1-сон.

10. Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил, 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 6-сон.

11. Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил, 2 сентябр Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил 9-сон.

12. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 4–5 сон.

13. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1991 йил 15 февраль (7 май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Қонун ҳужжатлари. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 йил.

14. Ўзбекистон Республикаси «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Қонун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.

15. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 9 сон.

16. Ўзбекистон Республикаси, 1998 йил, 30 апрелдаги Фермер хўжаликлари тўғрисидаги Қонуни.

17. Ўзбекистон Республикаси 1998 йил, 30 апрелдаги Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги Қонуни.

18. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998 йил 30 апрел.

19. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги 1997 йил 25 декабрдаги Қонуни. Халқ сўзи 1997 йил, 15 январ.

20. Стандартлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси 1997 йил, 28 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 2-сон.

21. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил 2-сон.

22. Банкротлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрел Қонуни. Халқ сўзи 2004 йил 2 июл.

23. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5–6-сон.

24. Товар бозорларида монополистик рақобатни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 2-сон.

25. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида Қонун. 1998 йил 30 апрел Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 йил 5–6-сон.

26. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва табиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрел Қонуни. Халқ сўзи. 1999 йил, 29 апрел.

27. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.

28. Инвестиция фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси, 1999 йил 1-сон.

29. Реклама тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил, 1-сон.

30. Лизинг тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 14 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил, 5-сон.

31. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 14 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил, 5-сон.

32. Фаолиятнинг айрим турларини лизинглаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси 2000 йил, 25 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари 8-сон. 2000.

33. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. 8-сон 2000.

34. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил, 12 декабр Қонуни. Халқ сўзи 2003 йил 13 декабр.

35. Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил фармони.

36. Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт шароит яратиш чора тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги фармони.

37. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбеисктон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 мартдаги Қарори.

38. «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрел Қарори.

39. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 август 2003 йилги Қарори.

40. 2003–2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармокларини ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 феврал 2003 йилги Қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси «Кичик корхоналар тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 феврал 85-сонли Қарор.

42. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий тадбиркорлик тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 феврал 55-сонли Қарори.

43. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 май 32 сонли Қарори.

44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрел 153-сон Қарори.

45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрел 153-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январ 20 сон Қарори.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 5 феврал 54-сон Қарори.

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2003 йил 15 октябр 444 сон Қарори.

48. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

49. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

50. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг таъмойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

51. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Ғ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003.

52. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар «Корхона иқтисодиёти», Дарслик, Тошкент «Фан», 2005.

53. Абдукаримов Б.А. «Ички савдо иқтисодиёти». Дарслик., Т.: «Фан ва технологиялар», 2007.

54. Абдукаримов Б.А. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес – режанинг моҳияти. Маъруза матни, Самарқанд. 1997.

55. Абулқосимов Ҳ. Корхонанинг халқаро маркетинг фаолияти. –Т.: «Академия» 2002.

56. Акио Морита. Сделано в Японии. М.: «Знание». 1991.

57. Беа Ф.К., Дихтла Э., Швейтцера М. Экономика предприятия. Учебник. –М.; Издательский дом «ИНФРА - М», 1999.

58. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. –Т.: «Ўқитувчи», 1996

59. Буров В.П. и др. Бизнес план фирмы. М.: «ЭКМОС», 2000.

60. Ворст Й., Ревентлоу П. Экономика фирмы. Учебник. (перевод с датского). М.: «Высшая школа», 1994.

61. Қозибеков Д.Е. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: «Молия», 2003.

62. Головкова Н.С., Заболатная Н.В., Щербакова И.Г. Финансова- экономическое состояние предприятия: Учебное пособие. БУПК.

63. Гранаткин Ю.А., Истамов Д.И., Эргашев Х.К. Основы предпринимательства. Санкт-Петербург – 1993.

64. Давидяну Д.Б. Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (Макро и микро уровень). Ставрополь. «Кавказский край», 1998.

65. Дадабоев Ю.Д. и др. Экономика предприятия. Учебник. –Т.: Ферганский научный центр. 1998.

66. Захаров А.Н и др. Управление качеством продукции. Учебное Пособие, БУПК. Белгород. 2003.

67. «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по нейму». Утверждена Постановлением Микмакроэкомстата Республики Узбекистан №33 от 26 октября 1998 г.

68. Истамов Д.И., Гранаткин Ю.А., Мухаммедов М.М., Ходжаев Э.Н. Экономические безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Учебное пособие. Самарканд, 1995.

69. История менеджмента. –М.: «ИНФРА-М», 1997.

70. Йўлдошев Н.Ғ. Савдо корхонаси иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005 й.

71. Кадзуми Татенси. Вечный дух предпринимательства. Киев. «Укрзакдонвизасервис», 1992.

72. Как работают японские предприятия. –М.: «Экономика», 1989.

73. Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. Киев «ЛИБРА», 1995.

74. Корхоналарнинг бозор модели. Маъруза матни. Кугбетденов А.Т., Абдукаримов Б.А. Самарканд, 2000.

75. Пардаев М.Ғ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2002.

76. Пардаев М.Ғ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил.

Ўқув қўлланма. I-II қисм. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.

77. Парпиев У., Саламов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: «Шарқ», 1996.

78. Райзберг Б.А. Основы экономики. Учебное пособие. М.: «ИНФРА-М», 2000.

79. Раицкий К.А. «Экономика предприятия». Учебник. –М.: ИНФА-М.1999.

80. Рубин Ю.Б. Бизнес и экономика. М.: «Знание», 1991.

81. Ўразов К.Б. «Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш». –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.

82. Севлинянц Г.Е., Хаджаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан. –Т.: «Меpос» 1993.

83. Современная экономика. Учебное пособие. Ростав-на-Дону: «Феникс», 1996.

84. Сребник Б.В., «Экономика горговли». Учебник. М.: Высшая школа», 1998.

85. «Торговая дело: Экономика и организация». Учебник. –М.: ИНФА-М. 1997.

86. Сулаймонов Ш.С. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Ўш.1998.

87. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. Э.Н.Хожаев, Р. Г. Юнусова, Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Самарқанд Зарафшон. 1994.

88. Хейнс П. «Экономический образ мышления». Перевод с английского. М.: «Новости». 1991.

89. Чжен В.А. ва бошқалар. Хусусийлаштириш асослари. I том. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996.

90. Чжен В.А. ва бошқалар. Пул ва молия бозорлари. II том. –Т.: «Бизнес каталог», 1996.

91. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор қонунияти асослари. III том. –Т.: «Бизнес каталог», 1996.

92. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт IV том. –Т.: «Бизнес каталог». 1996.

93. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ ҳаракқиёти. V том –Т.: «Бизнес каталог». 1997.

94. Эгамбердиев Э., Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: Маънавият, 2003.

95. Экономика предприятия. Учебник. Коллектив автров под ред. Гребнева А.И. –М.: «Экономика», 1997.

96. Экономика предприятия. Учебник. Коллектив автров под ред. Проф. Горфинкеля В.Я., проф. Швандара В.А.М.:«ЮНИТИ», 2000.

97. Экономика предприятия. Учебник. Минск. Под ред. Хрипача В.А. Экономпресс, 2000.

98. Экономика предприятия. Тексты лекций. Махмудов Э.Х., Юлдашева Ш.М., Каландарова С.Г. ТДИУ. –Т.: 2000.

99. «Экономика предприятия (фирмы)». Учебник. Коллектив авторов. М.: ИНФРА-М. 2004.

100. «Экономика предприятия». Учебник. Под редакцией академика В.М. Семенова. ООО «Питер Пресс». 2007.

101. Экономическая теория. Учебник. –Т.: «Шарқ». 1999.

102. «Экономика торгового предприятия». Учебник для вузов. Коллектив авторов. М.: «Экономика», 1997.

103. «Экономика торговли». Учебник. Коллектив авторов. –М.: «Экономика», 1990.

104. «Экономика торговли». Учебник. Коллектив авторов. –М.: «Экономика», 1980.

105. Экономика торговли. Муҳаммедов М.М., Абдукаримов Б.А., Алтинбаев Р.И., Қутбетдинов А.Т., Учебное пособие. Самарканд, 1998.

106. Экономика предприятия. Раицкий К.А., Учебник. –М.: - НВЦ. «Маркетинг», 2000.

107. Статистические сборники Госкомстат Узбекистана: «Узбекистан в цифрах 2005»; «Узбекистан в цифрах 2006»; «Торговля в Узбекистане 2005»; «Торговля в Узбекистане 2006»; «Труд и занятость в Узбекистане 2006»; «Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2006».

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
11-боб.	**Савдода иш ҳақи**	
11.1.	Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти	6
11.2.	Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари	15
11.3.	Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари	17
11.4.	Иш ҳақи фондининг таҳлили	35
11.5.	Иш ҳақи фондини режалаштириш	48
12-боб.	**Муомала харажатлари**	
12.1.	Харажатлар тушунчаси ва муомала харажатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари	54
12.2.	Муомала харажатларининг таснифи	65
12.3.	Муомала харажатларига таъсир қилувчи омиллар	68
12.4.	Муомала харажатларини иқтисодий таҳлили	71
12.5.	Муомала харажатларини режалаштириш	89
13-боб.	**Савдо корхоналарининг даромади, фойдаси ва рентабеллиги**	
13.1.	**Савдо корхоналари даромадлари**	
13.1.1.	Савдо корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари	98
13.1.2.	Савдо корхоналари даромадлари таҳлили	104
13.1.3.	Савдо корхоналарида даромадларни режалаштириш ва прогнозлаш	108
13.2.	**Савдо корхоналари фойдаси ва рентабеллигининг моҳияти ва аҳамияти**	
13.2.1.	Фойда ва рентабелликни моҳияти ва аҳамияти	110
13.2.2.	Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар	116
13.2.3.	Фойда ва рентабелликнинг таҳлили	119
13.2.4.	Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш	128
13.2.5.	Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти	134

14-боб. **Оммавий овқатланиш ва уни ташкилий иқтисодий таснифи**

14.1. Оммавий овқатланишни моҳияти, функциялари ва вазифалари ... 138

14.2. Оммавий овқатланишни иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти ... 142

14.3. Оммавий овқатланишни ташкилий шакллари ва корхоналарининг турлари ... 144

14.4. Оммавий овқатланиш корхоналарини кўрсаткичлари ... 146

15-боб. **Оммавий овқатланиш корхоналарининг маҳсулоти ва товар айланиши**

15.1. Оммавий овқатланиш корхоналари товар айланиши кўрсаткичларининг хусусиятлари ... 151

15.2. Оммавий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таҳлили ... 153

15.3. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар захираларининг хусусиятлари ... 161

15.4. Оммавий овқатланиш корхоналарида товар айланишини режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури ... 163

15.5. Оммавий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлари баланси ... 168

16-боб. **Оммавий овқатланиш корхоналари асосий фондлари ва айланма маблағларининг хусусиятлари**

16.1. Оммавий овқатланишда асосий фондларнинг хусусиятлари, уларнинг баҳоланиши ва кўрсаткичлари ... 174

16.2. Оммавий овқатланишда айланма маблағларни моҳияти, шаклланиши, ишлатилиши ва кўрсаткичлари ... 177

17-боб. **Оммавий овқатланиш корхоналарининг даромадлари, харажатлари фойдаси ва рентабеллиги**

17.1. Оммавий овқатланишда даромадларнинг шаклланиш хусусиятлари ... 182

17.2. Оммавий овқатланиш соҳаси харажатларининг хусусиятлари ... 187

17.3. Оммавий овқатланишда фойда ва рентабеллик ... 190

Фойдаланилган адабиётлар ... 203

ОГЛАВЛЕНИЕ

	Введение	3
11 гл	**Заработная плата в торговле**	
11.1.	Понятие, сущность и значение заработной платы	6
11.2.	Принципы организации заработной платы	15
11.3.	Формы, система и методика расчета заработной платы	17
11.4.	Анализ фонда заработной платы.	35
11.5.	Планирование фонда заработной платы	48
12 гл.	**Издержки обращения**	
12.1.	Понятие затрат и сущность, природа и показатели издержек обращения	54
12.2.	Классификация издержек обращения	65
12.3.	Факторы, влияющие на издержки обращения	68
12.4.	Экономический анализ издержек обращения.	71
12.5.	Планирование издержек обращения	89
13 гл.	**Доходы, прибыль и рентабельность в торговле**	
13.1.	**Доходы торговых предприятий**	
13.1.1.	Природа, сущность и виды доходов торговых предприятий	98
13.1.2.	Анализ доходов торговых предприятий	104
13.1.3.	Планирование и прогнозирование доходов торговых предприятий	108
13.2.	**Сущность и значение прибыли и рентабельности торговых предприятий**	
13.2.1.	Сущность и значение прибыли и рентабельности	110
13.2.2.	Показатели рентабельности и факторы, влияющие на них	116
13.2.3.	Анализ прибыли и рентабельности	119
13.2.4.	Планирование и прогнозирование прибыли и рентабельности	128
13.2.5.	Сущность и значение социально-экономической эффективности торговых предприятий	134

14 гл. **Экономико-организационная тавсифистика общественного питания**
14.1. Сущность, функции и задачи общественного питания 138
14.2. Роль и значение общественного питания в экономике..... 142
14.3. Организационные формы и типы предприятий общественного питания..... 144
14.4. Показатели предприятий общественного питания..... 146
15 гл. **Товарооборот и продукция общественного питания**
15.1. Особенности показателей товарооборота предприятий общественного питания..... 151
15.2. Анализ товарооборота и производства продукции в предприятиях общественного питания 153
15.3. Особенности товарных запасов в предприятиях общественного питания. 161
15.4. Планирование товарооборота в предприятиях общественного питания и их производственная программа..... 163
15.5. Снабжения предприятий общественного питания сырем и их продуктовый баланс..... 168
16 гл. **Особенности основных фондов и оборотных средств предприятий общественного питания**
16.1. Особенности основных фондов предприятий общественного питания, их оценка и показатели..... 174
16.2. Сущность, формирование, использования и показатели оборотных средств в общественном питании 177
17 гл. **Доходы, затраты, прибыль и рентабельности предприятий общественного питания**
17.1. Особенности формирования доходов предприятий общественного питания..... 182
17.2. Особенности затрат сферы общественного питания..... 187
17.3. Прибыль и рентабельность в общественном питании..... 190
Использованной литературы..... 203

CONTENTS

	Introduction	3
Chapter XI	**Salary in trade**	
11.1.	Concept, nature and significance of salary	6
11.2.	Organizational principles of salary	15
11.3.	Form, system and method in salary accounting	17
11.4.	Analysis of salary fund	35
11.5.	Planning of salary fund	48
Chapter XII	**Distribution costs**	
12.1.	Expenses concept and substance, nature and indices of distribution costs	54
12.2.	Classification of distribution costs	65
12.3.	Factors, influencing to distribution costs	68
12.4.	Economic analyses of distribution costs	71
12.5.	Planning of distribution costs	89
Chapter XIII	**Income, benefit and profitability in trade**	
13.1.	**Incomes of trade enterprises**	
13.1.1.	Nature, substance and types of incomes of trade enterprises	98
13.1.2	Income analysis of trade enterprises	104
13.1.3	Planning and forecasting of incomes of trade enterprises	108
13.2.	**Substance and significance of benefit and profitability of trade enterprises**	
13.2.1	Substance and significance of benefit and profitability	110
13.2.2.	Profitability indices and factors, influencing to them	116
13.2.3.	Benefit and profitability analysis	119
13.2.4.	Benefit and profitability planning and forecasting	128

13.2.5.	Substance [illegible] nomic efficiency of trade enterprises.....	134
Chapter XIY	**Economical – organizational characteristics in catering**	
14.1	Substance, function and objectives of catering.....	138
14.2	Role and significance of catering economics.	142
14.3	Organizational forms and types of catering enterprises.....	144
14.4	Indices of catering enterprises.....	146
Chapter XV	**Goods turnover and catering production**	
15.1	Peculiarities of goods turnover indices of atering enterprises.....	151
15.2	Analysis of goods turnover and producing products of catering enterprises.....	153
15.3	Peculiarities stock –in-trade goods of catering enterprises.....	161
15.4	Goods turnover planning in catering enterprises and there produ[illegible].....	163
15.5	Supply of [illegible] terials and their [illegible].....	168
Chapter XVI	**Peculiarities of capital assets and circulating assets of catering enterprises**	
16.1	Peculiarities of capital assets of catering enterprises, their assessment and indices.....	174
16.2	Substance, formation, usage and indices of circulating assets of catering enterprises.....	177
Chapter XVII	**Income, expenses, benefit and profitability of catering enterprises**	
17.1	Income formation peculiarities of catering enterprises.....	182
17.2	Expense peculiarities in catering sphere.....	187
17.3	Benefit and profitability in catering enterprise.....	190
	References.....	203

Б.А.АБДУКАРИМОВ

ИЧКИ САВДО ИҚТИСОДИЁТИ

Тошкент—«Fan va texnologiya»—2008

Муҳаррир: М.Миркомилов
Тех.муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаҳҳиҳ: М.Ҳайитова
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Миркосимова

Босишга рухсат этилди 02.06.2008 й.
Бичими 60x84 1/16. «Timez UZ» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 14,25.
Нашр табоғи 13,75. Тиражи 200.
Буюртма №80.

«Fan va texnologiyalar Markazining
bosmaxonasi»да чоп этилди.
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

5000-00
65,9(2)42
А139



Абдукаримов Барат-Али Абдукаримович – 1947 йили 20 июнда Қирғизистонда Республикаси Ош вилояти, Сузоқ тумани, Бекобод қишлоғида таваллуд топган.

1968 йили Самарқанд кооператив институтини (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) иқтисодиёт факультети «Иқтисодиёт» мутахассислиги бўйича тамомлаган.

1968–1970 йилларда Джалалобод кооператив техникумида ўқитувчи,1971 йилдан Самарқанд кооператив институти «Иқтисодиёт» кафедрасида ассистент, бўлиб ишлаган.

1972-1975 йилларда Львов савдо институтида аспирантурада ўқиган. 1980 йили Москва кооператив институтидан номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1976 йилдан Самарқанд кооператив институтидан ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимида ишлаб келмоқда.Иқтисод фанлари номзоди, доцент.

1989-1998 йиллари факультет декани,1998–2002 йиллари институтининг ўқув илмий ишлари проректори, 2002–2004 йиллари ўқув ишлари проректори, 2004–2005 йиллари ўқув-услубий ишлар бошқармаси бошлиғи, 2004–2006 йиллар малака ошириш факультети декани ва 2005 йилдан «Иқтисодиёт» кафедраси мудири.

2004-2007 йиллари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги К067.12.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш аъзоси ва илмий қотиби бўлиб ишлаган.

Б.А.Абдукаримов 90 ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлар муаллифи, жумладан 1 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма ва 3 та монография.

ISBN 978-9943-10-117-3
9 789943 101173